

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

17-сон
(985)
2021 йил
май

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

213. «Санитария-эпидемиология хизмати такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 26 апрелдаги ўРҚ-685-сон Қонуни
214. «Ўзбекистон Республикаси, бир томондан ва Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги, иккинчи томондан, ўртасида шерикчиликни таъсис этувчи шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2019 йил 31 октябрь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 26 апрелдаги ўРҚ-686-сон Қонуни
215. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 27 апрелдаги ўРҚ-687-сон Конституциявий Қонуни
216. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш-

лар ва қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 29 апрелдаги ЎРҚ–688-сон Қонуни

217. «Аҳолини айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга доир чоралар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 29 апрелдаги ЎРҚ–689-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

218. «Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги ПФ–6218-сон Фармони
219. «2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 апрелдаги ПҚ–5094-сон қарори
220. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 апрелдаги ПҚ–5097-сон қарори
221. «Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 апрелдаги ПҚ–5098-сон қарори
222. «Боксни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 апрелдаги ПҚ–5099-сон қарори
223. «Фуқаро авиацияси корхоналарини трансформация қилиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги ПҚ–5100-сон қарори
224. «Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги ПҚ–5101-сон қарори

Учинчи бўлим

225. «Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги фуқароларга нафақа тайинлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 248-сон қарори
226. «Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 250-сон қарори

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

213 Санитария-эпидемиология хизмати такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 19 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 23 апрелда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-мод-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 27 апрелда эълон қилинган.

да, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда) **257-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари ва унинг ўринбосарлари;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат санитария врачлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари;

туманлар (шаҳарлар) бош давлат санитария врачлари».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган «**Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида**»ги 483–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 239-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда, № 8, 470-модда, № 11, 791-модда) **4-моддасининг биринчи қисмидаги** «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати» деган сўзлар «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган «**Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркундалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 116–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 208-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 12, 343-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модданинг матнидаги** «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати» деган сўзлар «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **7-модданинг:**

номидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология хизматининг» деган сўзлар «Санитария-эпидемио-

логик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи хатбошисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати» деган сўзлар «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **17-модданинг иккинчи қисмидаги** «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати» деган сўзлар «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **18-модданинг матнидаги** «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати» деган сўзлар «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **19-модданинг иккинчи қисмидаги** «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати» деган сўзлар «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **24-модданинг олтинчи қисмидаги** «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати» деган сўзлар «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **26-модданинг иккинчи қисмидаги** «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати» деган сўзлар «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августда қабул қилинган «**Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида**»ги ЎРҚ–393-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 314-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг еттинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**санитария-эпидемиология хизмати** — аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, унинг тузилмасига кирувчи ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари ва ташкилотларини ўз ичига олган ягона тизим»;

2) **8-модда:**

биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар

ва Тошкент шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармалари, туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимлари»;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармалари ушбу модданинг биринчи қисми учинчи хатбошида ҳамда иккинчи қисмида кўрсатилган таркибий бўлинмаларнинг фаолиятига услубий раҳбарлик қилинишини, бу фаолият мувофиқлаштириб борилишини таъминлайди».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 октябрда қабул қилинган «**Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида**»ги ЎРҚ–574-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 10, 673-модда) **7-моддасининг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрда қабул қилинган «**Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида**»ги ЎРҚ–595-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 889-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **46-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **47-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

9-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 26 апрель,
ЎРҚ-685-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

214 **Ўзбекистон Республикаси, бир томондан ва Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги, иккинчи томондан, ўртасида шерикчиликни таъсис этувчи шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2019 йил 31 октябрь) ратификация қилиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 25 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 23 апрелда
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси, бир томондан ва Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги, иккинчи томондан, ўртасида шерикчиликни таъсис этувчи шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим (Тошкент, 2019 йил 31 октябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 26 апрель,
ЎРҚ-686-сон

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 27 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ

215 Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 13 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 12 мартда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг фаолиятини тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисидаги қонунчилик

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисидаги қонунчилик Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мақоми

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди (бундан буён матнда Конституциявий суд деб юритилади) доимий фаолият юритувчи суд ҳокимияти органи бўлиб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўради.

4-модда. Конституциявий суднинг ваколатлари

Конституциявий суд:

1) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди;

2) Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди;

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 28 апрелда эълон қилинган.

3) Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради;

5) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатини кўриб чиқади;

6) конституциявий суд ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади.

Конституциявий суд конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари муайян ишда қўлланилган ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ бўлмаган қонунда бузилган деб ҳисобловчи фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг шикоятларини ҳам кўриб чиқади.

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколати доирасида бошқа ишларни ҳам кўради.

Конституциявий суд ўз ваколатларини амалга ошираётганда бошқа судларнинг ёки ўзга органларнинг ваколатига кирадиган барча ҳолларда ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва текширишдан ўзини тияди.

5-модда. Конституциявий суднинг қонунчилик ташаббуси

Конституциявий суд қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

Конституциявий суднинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи унинг томонидан қонунлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) киритиш орқали амалга оширилади.

Конституциявий суд ўзи киритган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш чоғида иштирок этиш учун ўз вакилини тайинлайди.

6-модда. Конституциявий судни сайлаш

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) томонидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тавсия этган мутахассислар орасидан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилини қўшган ҳолда сайланади.

Конституциявий суднинг ҳар бир судьяси якка тартибда сайланади. Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини олган шахс сайланган ҳисобланади.

Конституциявий суд раис ва унинг ўринбосарини қўшган ҳолда Конституциявий суднинг тўққиз нафар судьясидан иборат бўлади.

7-модда. Конституциявий суд судьясининг ваколатлари муддати

Конституциявий суд судьясининг ваколатлари муддати биринчи марта сайланганида беш йилни, навбатдаги сайланганида ўн йилни ташкил этади.

Конституциявий суднинг судьяси лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши, қоида тариқасида, етмиш ёшни ташкил этади.

Айни бир шахс икки мартадан ортиқ Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланиши мумкин эмас.

8-модда. Конституциявий суд ҳужжатлари ва талабларининг мажбурийлиги

Конституциявий суднинг ҳужжатлари барча давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Конституциявий суднинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ҳужжатларни ва уларнинг кўчирма нусхаларини тақдим этиш, ўзи кўриб чиқаётган масалалар юзасидан тушунтиришлар ҳамда маслаҳатлар бериш, бирор ҳаракатни амалга ошириш ҳақидаги ёки амалга оширишдан тийилиш тўғрисидаги талаблари улар юборилган барча органлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир.

9-модда. Конституциявий суднинг фаолият тартиби

Конституциявий суднинг фаолият тартиби ушбу Қонун, конституциявий суд ишларини юритиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Регламенти билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Регламенти Конституциявий суднинг ички фаолияти билан боғлиқ масалаларни тартибга солади ва унинг мажлисида қабул қилинади.

2-боб. Конституциявий суд судьясининг мақоми**10-модда. Конституциявий суднинг судьяси лавозимига номзодга қўйиладиган талаблар. Конституциявий суд судьяларининг малака даражалари**

Сиёсат ва ҳуқуқ соҳаси мутахассиси бўлган, юксак маънавий фазилатларга ва зарур малакага эга бўлган, ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланиши мумкин.

Конституциявий суднинг судьясига Олий ёки Биринчи малака даражалари берилади. Олий малака даражаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади. Биринчи малака даражаси Конституциявий суд томонидан берилади.

11-модда. Конституциявий суд судьясининг қасамёди

Биринчи марта Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланган шахс қуйидаги мазмунда қасамёд қилади:

«Конституциявий суднинг судьяси вазифаларини ҳалол ва виждонан бажаришга, конституциявий тузумни ҳимоя қилишга, бунда фақат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига бўйсунушга тантанали қасамёд қиламан».

Қасамёд Конституциявий суднинг судьяси томонидан Сенатнинг мазкур судья сайланган мажлисида қилинади.

12-модда. Конституциявий суднинг судьяси лавозими билан бир вақтда шуғулланиб бўлмайдиган фаолият

Конституциявий суднинг судьяси сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Конституциявий суднинг судьяси сиёсий партиянинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият тури билан шуғулланиши мумкин эмас.

13-модда. Конституциявий суд судьясини алмаштириб бўлмаслиги

Конституциявий суднинг судьяси ўз ваколатлари муддати давомида алмаштирилмайди. Конституциявий суд судьясининг ваколатлари ушбу Қонунда белгиланган тартибдан ҳамда асослардан бошқача тарзда тугатилиши ёки тўхтатиб турилиши мумкин эмас.

14-модда. Конституциявий суд судьясининг дахлсизлиги

Конституциявий суд судьяси дахлсиздир. Конституциявий суд судьясининг дахлсизлик кафолатлари ушбу Қонун, шунингдек «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланади.

Конституциявий суд судьяси Конституциявий суднинг розилигисиз жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилиши, шунингдек қамоққа олиниши мумкин эмас.

Конституциявий суднинг судьясига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси унга ўта оғир жиноят ёхуд одамнинг ўлимига сабаб бўлган бошқа қасддан жиноят содир этганлик айби қўйилган ҳоллардагина қўлланилиши мумкин. Мазкур қоида Конституциявий суднинг Конституциявий суд судьяси сифатида ишлаган даврида шундай жиноятни содир этганликда айбланаётган собиқ судьясига нисбатан ҳам қўлланилади.

Конституциявий суднинг судьясига нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Конституциявий суд судьясини мажбурий келтириш, ушлаб туриш, худди шунингдек унинг шахсий ашёларини, багажини, транспортини, уй-жойини, хизмат хонасини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

15-модда. Конституциявий суд судьясининг ваколатларини тўхтатиб туриш

Конституциявий суд судьясининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда Конституциявий суднинг қарори билан тўхтатиб турилиши мумкин:

агар судьяга нисбатан жиноят иши қўзғатилган бўлса ёхуд у бошқа жиноят иши бўйича айбланувчи сифатида жавобгарликка тортилган бўлса; у судья лавозими билан бир вақтда шуғулланиб бўлмайдиган фаолият билан шуғулланганида;

у суднинг қарори билан бедарак йўқолган деб топилганида.

Конституциявий суд судьяси ваколатларининг тўхтатиб турилиши унга иш ҳақи тўлашнинг тўхтатиб турилишига олиб келмайди ва судьяни ушбу Қонунда белгиланган дахлсизлик кафолатларидан маҳрум этмайди, бундан эҳтиёт чораси сифатида судьяга нисбатан қамоққа олиш танланган ҳоллар мустасно.

Конституциявий суд судьясининг ваколатлари уларни тўхтатиб туриш асослари бекор бўлгунига қадар тўхтатиб турилади.

Судья ваколатларини тиклаш Конституциявий суд қарори билан расмийлаштирилади.

16-модда. Конституциявий суд судьясининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш

Конституциявий суд судьясининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда Сенатнинг қарори билан муддатидан илгари тугатилади:

у судьялик қасамёдини бузганида;

у ёзма ариза берганида;

унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганида;

судья огоҳлантирилганидан ёки унинг ваколатлари тўхтатилганидан кейин ҳам судьялик лавозими билан бир вақтда шуғулланиб бўлмайдиган фаолиятни давом эттирганида;

соғлигининг ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра у узоқ вақт мобайнида судьялик вазифаларини бажаришга қобилиятсиз бўлганида;

у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганида;

у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганида;

у вафот этганида ёки суднинг қарори билан вафот этган деб эълон қилинганида.

17-модда. Конституциявий суд судьясининг ваколатлари тугаганидан кейин уни ишга жойлаштириш бўйича кафолатлар

Конституциявий суд судьясининг ваколатлари тугаганидан кейин унга Конституциявий суд судьяси лавозимига сайланишига қадар эгаллаб турган аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаганда эса, аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилади.

Ваколатлари муддати тугаган судьянинг уни янги ваколатлар муддатига қайта сайлаш ёхуд бошқа иш тақдим этиш тўғрисидаги масала ҳал бўлаёт-

ган даврда, бироқ уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатда ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

3-боб. Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари

18-модда. Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари-ни сайлаш ҳамда уларни эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш

Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари Конституциявий суд томонидан Конституциявий суд судьялари орасидан беш йил муддатга сайланади. Агар уларнинг Конституциявий суднинг судьяси сифатидаги ваколатлари муддати тугашига беш йилдан кам қолган бўлса, улар қолган муддатга сайланади.

Айни бир шахс Конституциявий суд раиси ёки унинг ўринбосари этиб икки муддатдан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари ёзма ариза берган тақдирда, Конституциявий суд томонидан эгаллаб турган лавозимидан озод қилинади.

19-модда. Конституциявий суд раисининг ваколатлари

Конституциявий суд раиси:

Конституциявий судга раҳбарлик қилади ва унинг фаолиятини ташкил этади;

Конституциявий суд томонидан кўриб чиқишга қабул қилинган масалаларнинг тайёрланишига раҳбарлик қилади;

Конституциявий суднинг мажлисларини (бундан буён матнда суд мажлиси деб юритилади) чақиради ва уларда раислик қилади;

Конституциявий суд судьялари ўртасида вазифаларни тақсимлайди; ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этилишини таъминлайди; суд мажлисларининг қарорларини ва баённомаларини имзолайди;

Конституциявий суд девонининг ишини ташкил этади, унинг ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади;

Конституциявий судни сақлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун бюджет маблағларини тақсимлайди.

Конституциявий суд раиси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Конституциявий суд раиси Қонунчилик палатаси ва Сенат, уларнинг органлари мажлисларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг мажлисларида иштирок этиши мумкин.

Конституциявий суд раиси ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

Конституциявий суднинг раиси йўқлигида унинг ваколатларини раис ўринбосари амалга оширади.

4-боб. Конституциявий суд ишларини юретишнинг асосий принциплари ва уларнинг мазмуни

20-модда. Конституциявий суд ишларини юретишнинг асосий принциплари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устунлиги, мустақиллик, коллегиялик, ошкоралик, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқчилиги конституциявий суд ишларини юретишнинг асосий принципларидир.

21-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устунлиги

Конституциявий суд ишларини юретиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устунлиги принципи, қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳужжатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигига оид конституциявий принципнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бошқа нормаларининг рўёбга чиқарилиши асосида амалга оширилади.

Конституциявий суд фақат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига амал қилган ҳолда ишларни ҳал этади ва хулосалар беради.

22-модда. Конституциявий суд ва унинг судьялари мустақиллиги

Конституциявий суд ва унинг судьялари ўз фаолиятида мустақилдир ҳамда фақат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига бўйсунади.

Конституциявий суднинг судьялари қарор қабул қилар экан, ўзининг ҳуқуқий нуқтаи назарини амалий мақсадга мувофиқлик мулоҳазаларидан, сиёсий мойилликлар ва бошқа ташқи таъсирлардан холи бўлган ҳолда ифодалайди.

Конституциявий суднинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

23-модда. Коллегиялик

Конституциявий суд ишларини юретиш коллегиял тарзда амалга оширилади.

24-модда. Ошкоралик

Суд мажлислари очик ўтказилади.

Давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни сақлаш зарур бўлган тақдирда суднинг ёпиқ мажлиси ўтказилишига йўл қўйилади.

25-модда. Тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқчилиги

Конституциявий суд ишларини юретиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқчилиги асосида амалга оширилади.

Тарафлар кўриб чиқиладиган иш юзасидан далиллар тақдим этиш, илтимосномалар баён этиш, фикрлар билдириш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш бўйича тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан тортишув асосида фойдаланади.

26-модда. Конституциявий суд ишлари юритиладиган тил

Конституциявий суд ишлари Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида юритилади.

Давлат тилини билмайдиган суд мажлиси иштирокчиси ўз она тилида сўзга чиқиши ва тушунтиришлар бериши ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиши мумкин.

5-боб. Конституциявий судга мурожаат қилиш. Мурожаатни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва ўрганиш. Ишни кўриш учун қабул қилиш

27-модда. Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи

Қуйидагилар Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман);

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси;

Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи;

Сенат аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси;

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил.

Агар қонун фуқаролар ва юридик шахсларнинг фикрича, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ келмаса ҳамда судда кўрилиши тугалланган муайян ишда қўлланилган бўлса ва судда ҳимоя қилишнинг барча бошқа воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, улар қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат этишга ҳақлидир.

28-модда. Конституциявий судда ишларни кўриш асослари

Конституциявий судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органларининг ва мансабдор шахсларнинг мурожаати, шунингдек фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг шикоятлари (бундан буён матнда мурожаат деб юритилади) Конституциявий судда ишларни кўриш учун асос бўлади.

29-модда. Конституциявий судга мурожаатга қўйиладиган талаблар

Конституциявий судга мурожаат ёзма ёки электрон шаклда юборилади. Электрон шаклда юборилган мурожаат электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ бўлиши керак. Коллегиал органнинг Конституциявий судга мурожаатига ушбу органнинг тегишли қарори илова қилинади.

Мурожаатда:

Конституцияга мувофиқлиги текширилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи, рақами, қабул қилинган санаси, у эълон қилинган манба, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ва қонунининг шарҳ берилиши лозим бўлган қоидалари;

мурожаатни Конституциявий судда кўриб чиқишнинг ҳуқуқий асослари;

қўйилган масала юзасидан мурожаат қилувчининг нуқтаи назари ва мурожаатни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли нормаларига ҳавола қилинган ҳолдаги ҳуқуқий асослантириш;

мурожаат қилувчининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), жойлашган ери, почта манзили ёки яшаш жойи, вакил ва унинг ваколатлари тўғрисидаги зарур маълумотлар, бундан вакиллик лавозим бўйича амалга ошириладиган ҳоллар мустасно;

илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилган бўлиши керак.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг шикоятларида иш судда кўриб чиқилганлиги ва судда ҳимоя қилишнинг барча шаклларида фойдаланилганлиги кўрсатилган бўлиши керак.

Мурожаатда мурожаат қилувчи ишни ҳал этиш учун зарур деб ҳисоблаган бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

30-модда. Мурожаатга илова қилинадиган ҳужжатлар

Мурожаатга қўйидагилар илова қилинади:

текширилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки шарҳланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонуни нормасининг матни;

тараф вакилининг ваколатини тасдиқловчи ишончнома ёки бошқа ҳужжат, бундан вакиллик лавозим бўйича амалга ошириладиган ҳоллар мустасно, шунингдек шахснинг Конституциявий судда вакил сифатида иштирок этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари.

Мурожаатга суд мажлисига чақирилиши таклиф қилинаётган гувоҳлар, экспертлар ва мутахассисларнинг рўйхати, суд қарорларининг кўчирма

нусхалари, шунингдек бошқа хужжатлар ҳамда материаллар илова қилиниши мумкин.

31-модда. Мурожаатларни рўйхатга олиш. Айрим мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби

Конституциявий судга келиб тушган мурожаатлар рўйхатдан ўтказилади.

Ҳал этилиши Конституциявий суд ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаатлар Конституциявий суд томонидан «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда, қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколатига киритилган тегишли давлат органларига, ташкилотларга ва мансабдор шахсларга беш кунлик муддатдан кечиктирмай юборилади.

32-модда. Мурожаатни Конституциявий суд судьялари томонидан дастлабки тарзда ўрганиш

Конституциявий суд мурожаат олинган кундан эътиборан етти кундан кечиктирмай уни ўрганишга киришади.

Конституциявий суднинг раиси келиб тушган мурожаатни ушбу Қонунда қўйилган талабларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан дастлабки тарзда ўрганишни ва мурожаатни дастлабки тарзда ўрганиш натижалари бўйича хулоса тайёрлашни Конституциявий суднинг бир ёки бир нечта судьясига топширади.

Мурожаатни дастлабки тарзда ўрганиш конституциявий суд ишларини юритишнинг мажбурий босқичидир.

Мурожаатни дастлабки тарзда ўрганиш натижалари юзасидан Конституциявий суд судьясининг (судьяларининг) хулосаси суд мажлисида маъруза қилинади.

33-модда. Мурожаатни кўриб чиқиш учун қабул қилиш

Мурожаатни кўриб чиқиш учун қабул қилиш тўғрисида Конституциявий суд ажрим чиқаради. Ажримда иш бўйича маърузачи судья, ишни кўриш санаси, шунингдек ишни кўриш учун тайёрлаш билан боғлиқ бошқа масалалар кўрсатилади.

Қабул қилинган ажрим ҳақида конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчилари уч кунлик муддатда ёзма шаклда хабардор қилинади.

34-модда. Мурожаатни кўриб чиқиш учун қабул қилишни рад этиш

Конституциявий суд қуйидаги ҳолларда мурожаатни кўриб чиқиш учун қабул қилишни рад этади, агар:

муурожаат Конституциявий судга тааллуқли бўлмаса;

муурожаат предмети юзасидан Конституциявий суд томонидан илгари қонуний кучга кирган қарор чиқарилган бўлса, бундан Конституциявий суд қарорларини қайтадан кўриб чиқиш учун асослар мавжуд бўлган ҳоллар мустасно;

мурожаат ушбу Қонуннинг 27-моддасида кўрсатилмаган давлат органидан ёки шахслардан келиб тушган бўлса;

фуқароларнинг ёки юридик шахсларнинг мурожаати ушбу Қонун 86-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса.

Мурожаатни кўриб чиқиш учун қабул қилишни рад этиш тўғрисида Конституциявий суд ажрим чиқаради ва у Конституциявий суд аппарати томонидан конституциявий суд ишини юритиш манфаатдор иштирокчиларига етказилади.

35-модда. Киритилган мурожаатни чақириб олиш

Конституциявий суд кўриб чиқиши учун киритилган мурожаатни мурожаат қилувчи ишни суд мажлисида кўриш бошлангунига қадар чақириб олиши мумкин.

Киритилган мурожаат чақириб олинган тақдирда ишни юритиш тугатилиб, бу ҳақда Конституциявий суд ажрим чиқаради.

36-модда. Ишларни бирлаштириш

Конституциявий судга киритилган мурожаатлар, қоида тариқасида, муस्ताқил иш юритиш асосида кўриб чиқилади.

Конституциявий суд айни бир масалага доир бир нечта мурожаатни ўз ажрими билан битта иш юритишга бирлаштиришга ҳақли.

37-модда. Конституциявий суд ишларини юритишнинг ташкилий шакли

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан ўз ваколатига киритилган ишларни суд мажлисларида кўради ҳамда ҳал этади.

Суд мажлислари Конституциявий суднинг раиси томонидан, у йўқлигида Конституциявий суд раисининг ўринбосари томонидан, Конституциявий суднинг раиси ва унинг ўринбосари йўқлигида ёки улар ўз вазифаларини бажариши мумкин бўлмаган тақдирда эса Конституциявий суднинг энг катта ёшли судьяси томонидан чақирилади.

38-модда. Конституциявий суднинг суд мажлисидаги ваколатли таркиби

Конституциявий суд ишларни суд мажлисида кўришга Конституциявий суднинг камида беш нафар судьяси иштирок этган тақдирда ваколатли бўлади.

39-модда. Конституциявий суднинг судьясини ишни кўришда иштирок этишдан четлаштириш

Конституциявий суднинг судьяси ишни кўришда иштирок этишдан қуйидаги ҳолларда четлаштирилади, агар:

кўриб чиқиш предмети бўлган ҳужжатни тайёрлашда илгари хизмат мавқеи сабабли иштирок этган бўлса;

ишда иштирок этаётган тарафнинг ёки бошқа шахснинг қариндоши бўлса;

ишнинг пировард натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг холислигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, Конституциявий суднинг судьяси ишни эшитиш бошлангунига қадар ўзини ўзи рад этиши тўғрисида арз қилиши шарт.

Конституциявий суднинг судьясини четлаштириш Конституциявий суднинг мажлисида ҳозир бўлган судьяларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинган асослантирилган қарори билан амалга оширилади.

6-боб. Конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

40-модда. Конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчилари

Тарафлар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларидир.

Суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси Спикери, Сенат Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори, адлия вазири, Ҳисоб палатаси раиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил иштирок этиши мумкин. Улар кўриб чиқиладиган барча масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён этишга ҳақли.

41-модда. Тарафлар ва уларнинг вакиллари

Қуйидагилар конституциявий суд ишларини юритишда тарафлардир:

Конституциявий судга мурожаат этган давлат органи ёки мансабдор шахс, фуқаролар ва юридик шахслар;

Конституцияга мувофиқлиги аниқланиши ёки шарҳ берилиши лозим бўлган тегишли ҳужжатни қабул қилган давлат органи ёки мансабдор шахс;

Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ёки бошқа мажбуриятида кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш ўз ваколатига киритилган давлат органи.

Тарафлар Конституциявий судда шахсан ва (ёки) вакиллари орқали иштирок этишга ҳақли. Тараф бир ёки бир нечта вакилга эга бўлишга ҳақли.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган давлат органлари ва юридик шахсларнинг раҳбарлари Конституциявий судда лавозими бўйича тарафларнинг вакили бўлиши мумкин. Лавозими бўйича тарафларнинг вакиллари тарафларнинг манфаатларини ишончномасиз ифода этади.

Иш бўйича тарафнинг вакили сифатида адвокат ҳам иштирок этиши мумкин.

42-модда. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Тарафлар: барча иш материаллари билан танишишга, улардан кўчирмалар ёзиб олишга, кўчирма нусхалар олишга; иш юзасидан ўз нуқтаи назарини баён этишга; ёзма фикр-мулоҳазалар тақдим этишга; экспертиза тайинлаш, Конституциявий судга гувоҳларни, экспертларни, мутахассислар ва таржимонларни чақириш ҳақида илтимослар қилишга; экспертлар ва мутахассисларнинг номзодларини таклиф этишга; конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларига саволлар беришга ҳақли.

Тарафлар ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланиши мумкин.

Тарафлар Конституциявий суд чақирувига биноан суд мажлисида иштирок этиши; тушунтиришлар бериши ва суд мажлисида раислик қилувчининг, Конституциявий суд бошқа судьяларининг ва конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларининг саволларига жавоб бериши; суд мажлисида раислик қилувчининг суд мажлиси залида тартибга риоя этиш тўғрисидаги фармойишларига бўйсунishi шарт.

43-модда. Гувоҳ, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ишга тааллуқли бирор-бир ҳолатдан хабардор ҳар қандай шахс гувоҳ бўлиши мумкин.

Гувоҳ: ўз она тилида кўрсатувлар беришга, таржимон хизматидан фойдаланишга, кўрсатувларини ўз қўли билан ёзиб беришга, ўз илтимосига биноан ишга қўшиб қўйилиши мумкин бўлган ёзма қайдлардан, ҳужжатлардан ва бошқа материаллардан ўз кўрсатувларини беришда фойдаланишга; ўзининг Конституциявий судга келиш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши учун ҳақ олишга ҳақли.

Гувоҳ Конституциявий суднинг чақирувига биноан келиши; кўрилаётган иш бўйича ўзига маълум бўлган маълумотлар тўғрисида ҳаққоний кўрсатувлар бериши; ўзида мавжуд бўлган тегишли материалларни суднинг талабига кўра тақдим этиши; Конституциявий суд судьяларининг ва конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларининг саволларига жавоб бериши шарт.

Суд мажлисида кўрсатувлар беришдан олдин гувоҳ била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида тилхат олиб огоҳлантирилади.

44-модда. Эксперт, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ишнинг пировард натижасидан манфаатдор бўлмаган, Конституциявий

суд томонидан ҳал этилиши лозим бўлган масалалар борасида махсус билимларга эга бўлган ва эксперт хулосасини бериш учун жалб этиладиган шахс эксперт ҳисобланади.

Эксперт: экспертиза предметига тааллуқли бўлган иш материаллари билан танишишга ва улардаги зарур маълумотлардан кўчирмалар ёзиб олишга ёки кўчирма нусхалар олишга; эксперт хулосасини бериш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ўзига тақдим этилиши тўғрисида илтимосномалар киритишга; суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларига эксперт хулосасини бериш учун зарур бўлган саволларни беришга; ўзи қилган харажатларнинг ўрни қопланиши учун ҳақ олишга ҳақли.

Эксперт Конституциявий суд томонидан қўйилган саволлар бўйича холис ва асослантирилган хулоса бериши; Конституциявий суд чақирувига биноан келиши; ўзи тайёрлаган хулосанинг мазмунини тушунтириши; Конституциявий суд судьяларининг ва конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларининг саволларига ҳаққоний жавоб бериши; экспертизани ўтказиш муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслиги шарт.

Суд мажлисида сўзга чиқишдан олдин эксперт била туриб ёлғон хулоса берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида тилхат олиб огоҳлантирилади.

45-модда. Мутахассис, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ишнинг пировард натижасидан манфаатдор бўлмаган, Конституциявий суд томонидан ҳал этилиши лозим бўлган масалалар борасида махсус билим ва кўникмаларга эга бўлган ҳамда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш йўли билан кўмаклашиш ҳамда Конституциявий суд томонидан илмий-техника воситаларининг қўлланилишида ёрдам кўрсатиш учун жалб этиладиган шахс мутахассис ҳисобланади.

Мутахассис: Конституциявий судга ўзининг нима мақсадда чақирилганлигини билишга; агар тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлмаса, иш юритишда иштирок этишни рад қилишга; ўзи кўриб чиқаётган масалаларга тааллуқли иш материаллари билан танишишга; ўз фикрини баён этиши учун зарур бўлган саволларни конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларига суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан беришга, бошқа зарур ахборотни олишга; иш бўйича иш юритишда иштирок этиши муносабати билан ўзи қилган харажатларнинг ўрни қопланиши учун ҳақ олишга ҳақли.

Мутахассис Конституциявий суд чақирувига биноан келиши; Конституциявий суд судьяларининг, шунингдек конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларининг саволларига ҳаққоний жавоб бериши шарт.

46-модда. Таржимон, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ишнинг пировард натижасидан манфаатдор бўлмаган, таржима қилиш

учун зарур бўлган тилларни биладиган ва конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиси конституциявий суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган ёки етарли даражада билмайдиган ҳолларда суд мажлисида иштирок этувчи ва таржима қилиш учун, худди шунингдек ёзма ҳужжатларни таржима қилиш учун жалб этиладиган шахс таржимон ҳисобланади.

Таржимон: таржима қилинаётган сўзлар ва жумлаларнинг маъносини аниқлаштириш мақсадида конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларига суд мажлисида раислик қилувчининг рўхсати билан саволлар беришга; агар таржима қилиш учун тегишли билимга эга бўлмаса, суд муҳокамасида иштирок этишни рад қилишга; иш бўйича иш юритишда иштирок этиши муносабати билан ўзи қилган харажатларнинг ўрни қопланиши учун ҳақ олишга ҳақли.

Таржимон Конституциявий суднинг чақирувига биноан келиши, ўзига топширилган таржимани аниқ, тўлиқ ва тўғри бажариши шарт.

Таржимани бажаришни бошлашдан аввал таржимон била туриб нотўғри таржима қилганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида тилхат олиб огоҳлантирилади.

7-боб. Суд муҳокамаси

47-модда. Ишни кўриш учун тайинлаш

Ишни суд мажлисида кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги ажрим мурожаат кўриш учун қабул қилинганидан сўнг бир ойдан кечиктирмай Конституциявий суд томонидан қабул қилинади.

48-модда. Суд мажлиси ҳақида хабардор қилиш. Материалларни юбориш

Конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларига суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида Конституциявий судга ўз вақтида келиш ва ишни кўришга тайёргарлик кўриш учун етарли муддат ҳисобга олинган ҳолда хабарнома юборилади. Конституциявий суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақидаги ахборот унинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Суд мажлиси ҳақидаги хабарнома, Конституциявий судга келиб тушган мурожаатнинг кўчирма нусхаси суд мажлиси бошлангунига қадар камида ўн кундан кечиктирмай тарафларга юборилади. Суд мажлиси ҳақидаги хабарнома ва кўриб чиқиладиган ишга доир маълумотнома ушбу Қонун 40-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган иштирокчиларга мажлис бошлангунига қадар камида бир ҳафтадан кечиктирмай юборилади.

49-модда. Суд мажлисини ўтказиш жойи

Суд мажлиси унинг доимий жойлашган ерида ўтказилади.

Зарур бўлса, Конституциявий суд мажлисни бошқа жойда ўтказиши мумкин.

50-модда. Суд мажлисини ўтказиш тартиби

Суд мажлиси ушбу Қонунга ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Регламентига мувофиқ ўтказилади.

Суд мажлиси иштирокчилари Конституциявий судга муурожаат этганда тик турган ҳолда тушунтиришлар, кўрсатувлар беради, илтимослар қилади ва саволлар беради. Ушбу қоидадан четга чиқишга фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади.

Конституциявий суднинг ташаббусига ёки суд мажлиси иштирокчиларининг илтимосига кўра суд мажлисининг аудио- ёки видеоёзуви амалга оширилиши мумкин.

Иш очиқ суд мажлисида кўрилганда суд мажлиси иштирокчилари ва залда ҳозир бўлганлар суд мажлисининг боришини қайд этишга, овозли ёзувини амалга оширишга ҳақли. Суд мажлисини фототасвирга олишга, видеоёзувини амалга оширишга, шунингдек уни радио ва телевидение орқали узатишга суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади. Мазкур ҳаракатлар суд мажлисини ўтказишга халақит бермаслиги керак ва суд мажлисида раислик қилувчи томонидан вақт бўйича чекланиши мумкин.

51-модда. Суд мажлисида раислик қилувчи ва унинг ваколатлари

Суд мажлисида Конституциявий суднинг раиси, у йўқлигида ёки унинг топшириғига биноан Конституциявий суд раисининг ўринбосари раислик қилади, Конституциявий суднинг раиси ва унинг ўринбосари бўлмаган ёки улар ўз вазифаларини бажариши мумкин бўлмаган тақдирда эса Конституциявий суднинг энг катта ёшли судьяси раислик қилади.

Суд мажлисида раислик қилувчи:

суд мажлисига раҳбарлик қилади;

муҳокаманинг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона бўлишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради;

суд мажлисини очади, Конституциявий суд таркибини ва қандай иш кўриб чиқилиши лозимлигини эълон қилади, ким суд мажлиси котиби эканлигини, ишни кўриб чиқишда тарафлар, уларнинг вакиллари, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлисининг бошқа иштирокчилари сифатида кимлар иштирок этаётганини маълум қилади;

суд мажлисининг ҳозир бўлган иштирокчилари шахсини, тарафлар вакилларининг ваколатлари бор-йўқлигини аниқлайди;

суд мажлиси иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради;

таржимонни била туриб нотўғри таржима қилганлик учун, экспертни била туриб ёлғон хулоса берганлик учун, гувоҳни била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради;

тарафларга ва уларнинг вакилларига ишнинг барча ҳолатлари бўйича тушунтиришлар бериш, ўз далилларини асослаш ва саволлар бериш учун тенг имкониятлар яратади;

суд мажлисида тегишли тартибни таъминлаш чораларини кўради.

Суд мажлисида раислик қилувчи тарафнинг ёки унинг вакилининг, суд мажлиси бошқа иштирокчиларининг сўзини, агар сўзга чиқувчи кўрилатган масала предметдан четга чиқиб кетса ёхуд шаклан ёки мазмунан қўпол мулоҳазаларга йўл қўйса, суд залида белгиланган тартибни бузса, тўхта-тиб қўйишга ҳақли.

Суд мажлисида раислик қилувчи Конституциявий суд судьяларининг маслахатхонадаги маслахатлашувида раислик қилади, уларнинг ўз фикрини эркин ва монеликсиз билдириши имкониятини таъминлайди.

52-модда. Суд мажлисида иштирок этаётган Конституциявий суд судьясининг ваколатлари

Суд мажлисида иштирок этаётган Конституциявий суд судьяси: тарафларга, уларнинг вакилларига ва конституциявий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларига саволлар беришга; суд мажлиси иштирокчиларидан суд мажлисида муҳокама этилаётган масалаларнинг моҳияти бўйича тушунтиришлар олишга; таклифлар киритишга; процессуал масалалар бўйича ўз фикрини билдиришга ҳақли.

53-модда. Ишни кўриб чиқишнинг бевоситалиги ва суд мажлисининг узлуксизлиги

Конституциявий суд ишни кўриб чиқиш чоғида конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларини бевосита суд мажлисида эшитади, зарур ҳужжатларни ўқиб эшиттиради.

Конституциявий суднинг судьяларида ва тарафларда мавжуд бўлган ҳужжатлар, агар уларнинг мазмуни муҳокама жараёнида оғзаки баён қилинса, ўқиб эшиттирилмаслиги мумкин. Бироқ, агар Конституциявий суднинг судьяларидан ёки суд мажлиси иштирокчиларидан бирортаси уларнинг тўлиқ ёки қисман ўқиб эшиттирилишини талаб қилса, суд мажлисида раислик қилувчининг қарорига биноан ўқиб эшиттирилиши мумкин.

Конституциявий суд маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг нормаларига расмий шарҳ бериш тўғрисидаги ишларни оғзаки эшитувлар ўтказмасдан кўриши мумкин. Бу ҳақда Конституциявий суд ажрим чиқаради ва конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларини хабардор қилади. Агар конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиларидан бири ишни оғзаки эшитувлар ўтказмасдан кўришга қарши эътироз билдирса, иш умумий тартибда кўриб чиқилади. Конституциявий суд ишни оғзаки эшитувлар ўтказмасдан ушбу бобнинг қоидаларига мувофиқ кўриб чиқади.

Суднинг мажлиси ҳар бир иш бўйича узлуксиз ўтади, бундан мажлис иштирокчиларига дам олиш учун ёки яқунловчи нутқларини тайёрлаш учун ажратилган вақт мустасно. Тарафлардан бирининг илтимосига кўра бошқа тараф такдим этган материалларни қўшимча ўрганиш учун, шунингдек

мажлисининг нормал давом этишига монелик қиладиган ҳолатлар юзага келган ҳолларда суд мажлисида танаффус қилиниши мумкин.

54-модда. Суд мажлиси залидаги тартиб

Суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар Конституциявий судга, мажлис залида ҳозир бўлган бошқа шахсларга ҳурмат билан муносабатда бўлиши ва суд мажлисида тартибга риоя этиши, суд мажлисида раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунуши шарт.

Конституциявий суднинг судьялари суд мажлиси залига кирганда ва улар чиқиб кетаётганда барча мажлис залида ҳозир бўлганлар ўрнидан туради.

Суд мажлиси иштирокчилари Конституциявий судга: «Ҳурматли Конституциявий суд» деган сўзлар билан мурожаат этади.

Суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар Конституциявий суд қарорини тик турган ҳолда эшитади.

55-модда. Суд мажлисини кейинга қолдириш

Конституциявий суд кўйидаги ҳолларда суд мажлисини кейинга қолдиради:

суд мажлисида Конституциявий суднинг ваколатли таркиби мавжуд бўлмаганда;

суд мажлисида ҳозир бўлиши шарт деб топилган тараф, унинг вакили, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон келмаганда, агар уларнинг йўқлиги ишнинг моҳияти бўйича ҳал этилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса;

ҳужжатлар ва бошқа материаллар тақдим этилмаганда ёки ўз вақтида тақдим этилмаганда, агар улар ишни ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлса;

агар қўшимча материалларни талаб қилиб олиш зарурлиги муносабати билан Конституциявий суднинг судьяси ёки тараф, унинг вакили ишни кўриб чиқишни кейинга қолдириш тўғрисида илтимос қилса;

ишнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона кўриб чиқилишига монелик қиладиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлганда, шу жумладан суд мажлисида тартиб бузилган тақдирда.

Конституциявий суд суд мажлисини кейинга қолдириш тўғрисида ажрим қабул қилади. Бунда Конституциявий суд суд мажлиси кўчириладиган санани тайинлайди.

Кўриб чиқилиши кейинга қолдирилган иш бўйича суд мажлиси бошидан бошланади ёки кейинга қолдирилган жойидан бошланади.

Конституциявий суд томонидан илгари эшитилган гувоҳларни, экспертларни, мутахассисларни, таржимонларни қайтадан чақириш фақат Конституциявий суд зарур деб топган тақдирда амалга оширилади.

56-модда. Иш юритишни тугатиш

Агар суд мажлиси жараёнида:

мурожаатнинг Конституциявий судга тааллуқли эмаслиги;
мурожаатнинг предмети юзасидан Конституциявий суд томонидан ил-
гари қарор чиқарилган бўлиб, у қонуний кучида эканлиги;

Конституциявий суд кўриб чиқиши учун киритилган мурожаат муро-
жаат қилувчи томонидан қайтариб олинганлиги аниқланса, Конституциявий
суд иш юритишни тугатади.

Иш юритишни тугатиш ҳақида Конституциявий суд ажрим чиқаради.

**57-модда. Суд мажлиси иштирокчиларининг келмаганлиги
билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш**

Суд мажлисига тарафлар (тараф) ёки уларнинг вакиллари келмаган
тақдирда, Конституциявий суд ишни кўриб чиқиш ёки уни кейинга қолди-
риш мумкинлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилади.

58-модда. Суд мажлиси залидан гувоҳларни чиқариб туриш

Суд мажлисига келган гувоҳлар уларнинг шахси аниқланганидан кейин
суд мажлиси залидан чиқариб турилади.

**59-модда. Тарафларнинг илтимослари ва уларни ҳал этиш
тартиби**

Суд мажлисида раислик қилувчи ишни кўриб чиқиш бошлангунига
қадар тарафлардан уларнинг ишга тааллуқли илтимослари бор-йўқлигини
аниқлайди.

Ёзма илтимослар суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва иш материал-
ларига қўшиб қўйилади, оғзаки илтимослар суд мажлиси баённомасига
киритилади.

Конституциявий суд тарафларнинг фикрларини инobatга олган ҳолда
илтимосни қаноатлантириш ҳақида ёки уни қаноатлантиришни рад қилиш
тўғрисида ажрим чиқаради.

**60-модда. Маърузачи судьянинг маърузаси ва тарафларнинг
тушунтиришлари**

Ишни кўриб чиқиш маърузачи судьянинг маърузаси билан бошлана-
ди, у кўриб чиқиладиган масаланинг моҳиятини баён қилади. Сўнгра суд
тарафларнинг фикрларини инobatга олган ҳолда иш материалларини тек-
шириш тартиби ҳақида қарор қабул қилади.

Конституциявий судга мурожаат қилган тараф биринчи бўлиб сўзга
чиқади, ундан кейин суд мажлисида раислик қилувчи бошқа тарафга сўзга
чиқиш имкониятини беради. Тарафнинг нуқтаи назари унинг бир нечта
вакили томонидан химоя қилинган тақдирда, уларнинг сўзга чиқиш кетма-
кетлиги мазкур тараф томонидан белгиланади.

Тарафларнинг ҳар бири сўзга чиқиб бўлганидан сўнг Конституциявий
суднинг судьялари тарафларга саволлар бериши мумкин, сўнгра сўзга чиқ-
қан тарафга саволлар бериш ҳуқуқи бошқа тарафга берилади.

61-модда. Иш ҳужжатларини ва бошқа ёзма материалларини текшириш

Иш ҳужжатлари ва бошқа ёзма материалларини маърузачи судья ўқиб эшиттиради. Шундан сўнг тарафлар ўқиб эшиттирилган ҳужжатлар ва бошқа материаллар юзасидан тушунтиришлар бериши мумкин.

Конституциявий суд ўз ташаббуси билан ёки суд мажлиси иштирокчиларининг илтимосига кўра ишни кўриш учун зарур бўлган ҳужжатларни, бошқа материалларни қўшимча равишда сўраб олишга, шунингдек иш материалларини қўшимча равишда текшириш ва (ёки) экспертизалар ўтказиш тўғрисида топшириқ беришга, зарур бўлган тақдирда суд мажлисига гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларни чақиришга ҳақли.

62-модда. Гувоҳларни эшитиш тартиби

Гувоҳларни эшитиш навбати суд томонидан белгиланади.

Суд мажлисида раислик қилувчи гувоҳга кўриб чиқиладиган ишнинг моҳияти юзасидан ўзига маълум бўлган барча ҳолатларни баён қилишни таклиф этади. Тушунтиришлардан кейин гувоҳга саволлар берилиши мумкин.

Гувоҳга биринчи бўлиб, у қайси тарафнинг аризасига биноан чақирилган бўлса, ўша тараф саволлар беради, сўнгра бошқа тараф, шунингдек суд мажлисининг ўзга иштирокчилари саволлар беради. Конституциявий суднинг ташаббуси билан чақирилган гувоҳга Конституциявий судга мурожаат қилган тараф биринчи бўлиб саволлар беради.

Конституциявий суд судьялари гувоҳга исталган пайтда саволлар беришга ҳақли.

Агар гувоҳ ўзи билган маълумотларнинг манбаини кўрсатиб бера олмаса, у маълум қилган маълумотлар далил ҳисобланмайди.

63-модда. Ишнинг моҳияти бўйича муҳокамасини тамомлаш

Барча иш материалларини текшириш тугаллангандан сўнг суд мажлисида раислик қилувчи ишнинг моҳияти бўйича муҳокамаси тамомланганлигини эълон қилади ва Конституциявий суд суд музокараларига ўтади.

64-модда. Суд музокаралари

Суд музокаралари тарафларнинг оғзаки чиқишларидан иборат бўлади. Музокараларда тарафлар иш бўйича ўз нуқтаи назарини асослайди.

Суд музокараларида биринчи бўлиб Конституциявий судга мурожаат қилган тараф, кейин бошқа тараф сўзга чиқади.

65-модда. Ишнинг моҳияти бўйича муҳокамасини тиклаш

Агар Конституциявий суд суднинг музокараларини эшитиб, ишни тўғри ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган янги ҳолатларни аниқлашни, янги далилларни текширишни зарур деб топса, ишнинг моҳияти бўйича муҳокамаси янгидан бошланади ва ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда олиб борилади.

66-модда. Ишни кўриб чиқишни тамомлаш

Суд музокараларидан сўнг, агар ишни кўриб чиқишни янгидан бошлаш учун асослар бўлмаса, суд мажлисида раислик қилувчи ишни кўриб чиқиш тамомланганлигини, иш бўйича қабул қилинган қарорни эълон қилиш саноли ҳақида конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчилари хабардор қилинишини маълум қилади ва Конституциявий суд иш бўйича қарор қабул қилиш учун маслаҳатхонага киради.

8-боб. Конституциявий суднинг қарорлари**67-модда. Конституциявий суд қарорларининг турлари**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Конституцияга мувофиқлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ бериш тўғрисида кўриб чиқилган ишнинг моҳияти бўйича Конституциявий суднинг якуний тўхтамлари қарор деб номланади. Конституциявий суд қарорни Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилади.

Конституциявий суднинг ваколатига киритилган бошқа масалалар юзасидан кўриб чиқилган ишнинг моҳияти бўйича Конституциявий суднинг якуний тўхтами хулоса деб номланади.

Конституциявий суд ишларини юритиш процессуал масалалари бўйича Конституциявий суд ажрим қабул қилади.

Конституциявий суд ўз фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан ҳам қарорлар қабул қилади.

68-модда. Конституциявий суднинг қарорини чиқариш учун судьялар маслаҳатлашувини ўтказиш тартиби

Кўриб чиқилган ишнинг моҳияти бўйича Конституциявий суднинг якуний қарори маслаҳатхонада қабул қилинади. Маслаҳатда суд мажлисида раислик қилувчи раислик қилади ва фақат ишни кўриб чиққан Конституциявий суд судьялари иштирок этади.

69-модда. Конституциявий суднинг қарорини қабул қилиш

Конституциявий суд, қоида тариқасида, фақат кўриб чиқилган муайян масала юзасидан қарор қабул қилади.

Конституциявий суднинг қарори очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Овоз бериш Конституциявий суднинг судьяларидан бирма-бир сўраб чиқиш орқали ўтказилади. Раислик қилувчи ҳаммадан кейин овоз беради.

Конституциявий суднинг судьяси овоз беришда бетараф қолишга ёки иштирок этмасликка ҳақли эмас.

Конституциявий суднинг қарори, агар суд мажлисида ҳозир бўлган Конституциявий суд судьяларининг кўпчилиги уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади. Овозлар тенг бўлиниб қолган тақдирда, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Конституциявий суднинг кўпчилик фикрига қўшилмаган судьяси Конс-

титуциявий суднинг қарорига имзо қўйиши шарт ва у ўзининг алоҳида фикрини ёзма шаклда баён этишга ҳақли, алоҳида фикр ёпиқ конвертда ишга қўшиб қўйилади, лекин эълон қилинмайди. Конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчилари Конституциявий суд судьясининг алоҳида фикри билан таништирилмайди.

Конституциявий суднинг судьялари қарор қабул қилиш чоғидаги муҳокама мазмуни тўғрисидаги, Конституциявий суд таркибига кирган айрим судьяларнинг нуқтаи назари ҳақидаги маълумотларни бирор-бир шахсга маълум қилишга ва судьялар маслаҳатлашуви сирини бошқа усулда ошкор қилишга ҳақли эмас.

70-модда. Конституциявий суд қарорининг мазмуни. Қарорни имзолаш

Конституциявий суднинг қарори кириш, тавсиф, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Қарорнинг кириш қисмида:

қарор қабул қилган суднинг номи, қарорнинг номланиши, у қабул қилинган сана ва жой;

Конституциявий суднинг таркиби;

суд мажлисининг котиби;

суд мажлисининг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар;

мурожаатда кўрсатилган талаблар;

Конституциявий суд мазкур ишни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ва ушбу Қонуннинг қайси нормаларига мувофиқ кўриб чиққан бўлса, ўша нормалари кўрсатилади.

Қарорнинг тавсиф қисмида Конституциявий судга келиб тушган мурожаатнинг, ишда иштирок этувчи шахслар тушунтиришларининг, аризалари ва илтимосларининг қисқача мазмуни кўрсатилади.

Қарорнинг асослантирувчи қисмида:

ишнинг Конституциявий суд томонидан аниқланган ва қарорнинг асосига қўйилган ҳақиқий ҳолатлари;

суднинг иш ҳолатлари тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далиллар;

Конституциявий суд қарор қабул қилишда таянган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кўрсатилади.

Қарорнинг хулоса қисмида кўриб чиқилган иш якунлари бўйича Конституциявий суднинг якуний хулосалари, унинг кучга кириш тартиби, шунингдек уни ижро этиш ҳамда эълон қилиш тартиби, муддатлари ва ўзига хос хусусиятлари кўрсатилади.

Конституциявий суднинг қарори овоз беришда иштирок этган Конституциявий суднинг барча судьялари томонидан имзоланади.

71-модда. Конституциявий суд қарорини ўқиб эшиттириш

Конституциявий суд қарори Конституциявий суд томонидан белгиланган муддатда суд мажлисида ўқиб эшиттирилади.

Конституциявий суд қарори ўқиб эшиттирилганидан сўнг суд мажли-

сида раислик қилувчи қарорнинг мазмунини тушунтиради, шундан кейин суд мажлисини ёпиқ деб эълон қилади.

72-модда. Конституциявий суд қарорларини эълон қилиш ва уларнинг кучга кириши

Конституциявий суднинг қарорлари, хулосалари ва бошқа тўхтамлари оммавий ахборот воситаларида ҳамда Конституциявий суднинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Конституциявий суд ишларини юритиш процессуал масалалари ва ўз фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича қабул қилинган қарорлар Конституциявий суднинг ихтиёрига кўра эълон қилинади.

«Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари, «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси», шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси Конституциявий суднинг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

Конституциявий суднинг қарорлари ва хулосалари қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида расмий эълон қилиниши лозим ҳамда расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради. Бошқа қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Конституциявий суднинг қарорлари тарафларга ва конституциявий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларига юборилади. Конституциявий суднинг қарорлари Конституциявий суд раисининг топшириғига мувофиқ бошқа ташкилотларга ҳам юборилиши мумкин.

73-модда. Конституциявий суд қарорининг юридик кучи

Конституциявий суднинг ҳужжати қатъий ва унинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмас.

Конституциявий суднинг қарорига кўра Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг бир қисми ўзининг амал қилишини тугатади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатни қабул қилган давлат органи ўз ҳужжатини Конституциявий суднинг қарори асосида бир ойдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлаштириши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида қарорлар қабул қилган давлат органлари уларни бир ой ичида қайтадан кўриб чиқиши керак.

74-модда. Конституциявий суднинг қарорини қайтадан кўриб чиқиш

Конституциявий суднинг қарори қуйидаги ҳолларда ўз ташаббуси билан қайтадан кўриб чиқилиши мумкин:

қарор чиқарилган пайтда Конституциявий судга номаълум бўлган янги очилган ҳолатлар муносабати билан;

қарор қабул қилинишига асос бўлган конституциявий норма ўзгарган тақдирда;

Конституциявий суд мазкур қарорни конституциявий суд ишларини юритишнинг белгиланган тартиби бузилган ҳолда қабул қилинган деб топган тақдирда.

9-боб. Суд мажлисининг баённомаси

75-модда. Суд мажлиси баённомасининг мазмуни

Суд мажлисида суд мажлисининг баённомаси юритилади.

Суд мажлисининг баённомасида қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

суд мажлисининг вақти ва жойи;

суднинг таркиби ва суд мажлисининг котиби;

ишнинг номи ва рақами;

ишда иштирок этувчи шахсларнинг келган-келмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

Конституциявий суднинг ҳаракатлари, улар суд мажлисида қай тартибда бажарилган бўлса, шу тартибда, уларнинг натижалари;

Конституциявий суднинг маслаҳатхонага кирмасдан ўз жойида қабул қилинган ажримлари;

тарафларнинг тушунтиришлари ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимослари;

ишни кўриш жараёнида судга тақдим этилган далиллар ҳақидаги маълумотлар;

гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертларнинг хулосалари ва мутахассисларнинг фикрлари, уларга берилган саволлар ҳамда олинган жавоблар;

конституциявий суд ишларини юритиш бошқа иштирокчиларининг чиқишлари;

суд музокараларининг мазмуни;

Конституциявий суднинг қарорини ўқиб эшиттириш ҳақидаги маълумотлар.

Агар суд мажлиси вақтида аудио- ёки видеоёзув қўлланилган бўлса, аудио- ёки видеоёзув баённомага қўшиб қўйилади, бу ҳақда суд мажлисининг баённомасига тегишли ёзув киритилади.

Суд мажлисининг баённомаси суд мажлиси тугаган пайтдан эътиборан уч кун ичида расмийлаштирилиши керак.

Суд мажлисининг баённомаси раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби томонидан имзоланади ҳамда ишга қўшиб қўйилади.

76-модда. Суд мажлисининг баённомаси билан танишиш. Суд мажлисининг баённомасига доир фикр-мулоҳазалар

Тарафлар суд мажлисининг баённомаси имзоланган кундан эътиборан беш кун ичида у билан танишиб чиқишга ва у бўйича фикр-мулоҳазаларини билдиришга ҳақли, ушбу фикр-мулоҳазалар улар берилган кундан эъти-

боран беш кун ичида, Конституциявий суд томонидан тарафларни чақирмасдан кўриб чиқилиши керак. Конституциявий суд фикр-мулоҳазаларга рози бўлган тақдирда, уларни қабул қилади, рози бўлмаган тақдирда эса уларни рад этади, бу ҳақда ажрим чиқаради. Суд мажлисининг бошқа иштирокчилари суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан суд мажлиси баённомаси билан танишиб чиқиши мумкин.

10-боб. Процессуал муддатлар

77-модда. Ишни кўриб чиқиш муддатлари

Кўриб чиқиладиган иш юзасидан қарор мурожаат кўриб чиқишга қабул қилинган пайтдан эътиборан уч ойдан кечиктирмай Конституциявий суд томонидан қабул қилинади.

78-модда. Процессуал муддатларни ҳисоблаш

Процессуал муддатлар ойлар ва кунлар билан ҳисобланади. Процессуал муддатларнинг ўтиши календарь сананинг бошланиши деб белгиланган куннинг эртасидан бошланади.

79-модда. Процессуал муддатларнинг тугаши

Ойлар билан ҳисобланадиган процессуал муддат белгиланган муддат охиригга ойининг тегишли кунда тугайди. Агар ойлар билан ҳисобланадиган процессуал муддатнинг тугаши тегишли санаси бўлмаган ойга тўғри келса, муддат шу ойнинг охиригга кунда тугайди.

Кунлар билан ҳисобланадиган процессуал муддат белгиланган муддатнинг охиригга кунда тугайди.

Процессуал муддатнинг охиригга куни иш куни бўлмаган кунга тўғри келган ҳолларда, ундан кейинги биринчи иш куни муддат тугайдиган кун ҳисобланади.

11-боб. Суд чиқимлари ва харажатларнинг ўрнини қоплаш

80-модда. Суд чиқимлари

Суд чиқимлари гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалардан, шунингдек ишни кўриш билан боғлиқ бошқа харажатлардан иборат бўлади.

81-модда. Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларнинг харажатлари ўрнини қоплаш

Конституциявий судда ишларни кўриш муносабати билан жалб этилган гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга қонунчиликка мувофиқ харажатларининг ўрни қопланади.

Конституциявий судда ишларни кўриш муносабати билан жалб этилган экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга қонунчиликка мувофиқ ҳақ тўланади.

12-боб. Айрим тоифадаги ишлар бўйича иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари**82-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги ишларни юритиш**

Конституциявий суд Конституцияга мувофиқлиги хусусида шубҳа туғдирган аниқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Конституциявий суд норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлигини текшириб, текширилган ҳужжатга асосланган ёхуд унинг қоидаларини такрорлайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хусусида ҳам, гарчи Конституциявий суд кўриб чиқиши учун киритилган мурожаатда улар тўғрисида сўз юритилмаган бўлса-да, бир вақтнинг ўзида қарор чиқаришга ҳақли.

Конституциявий суд норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлигини тўлиқлигича ёки унинг бир қисмини текшираётганда:

нормалар мазмуни бўйича;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг шакли бўйича;

давлат органлари ва мансабдор шахслар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан белгиланган ваколатларнинг чегараланиши нуқтаи назаридан;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши, имзоланиши, шунингдек расмий эълон қилиниши ва амалга киритилиши тартиби бўйича унинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш яқунлари бўйича Конституциявий суд қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас деб топиш тўғрисида;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ деб топиш тўғрисида.

Қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш яқунлари бўйича Конституциявий суд қонунни ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ деб топиб, уларда мазкур қонуннинг ёки унинг бир қисмининг амалиётда нотўғри ёхуд зиддиятли тарзда қўлланилишига олиб келган ноаниқликлар топилган тақдирда, ушбу қонун нормасига расмий шарҳ беришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ёки бошқа мажбуриятининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш чегаралари ишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ белгиланади.

Ишни кўриб чиқиш яқунлари бўйича Конституциявий суд қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ёки бошқа мажбуриятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ эмас деб топиш тўғрисида;

Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ёки бошқа мажбуриятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ деб топиш тўғрисида.

83-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги ишларни юритиш

Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини улар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангунига қадар аниқлаш чегаралари ишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ушбу Қонун 82-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ белгиланади.

Ишни кўриб чиқиш яқунлари бўйича Конституциявий суд қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунини, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас деб топиш ҳақида;

Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунини, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ деб топиш ҳақида.

Ушбу моддада назарда тутилган ишлар бўйича Конституциявий суд тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай қарор қабул қилади.

84-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш ҳақидаги ишларни юритиш

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлигини аниқлаш чегаралари ишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ушбу Қонун 82-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ белгиланади.

Ишни кўриб чиқиш якунлари бўйича Конституциявий суд қуйидаги хулосалардан бирини беради:

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясини ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас деб топиш тўғрисида;

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясини ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ деб топиш ҳақида;

Қорақалпоғистон Республикаси қонунини ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ эмас деб топиш тўғрисида;

Қорақалпоғистон Республикаси қонунини ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ деб топиш ҳақида.

85-модда. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларини шарҳлаш тўғрисидаги ишларни юритиш

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларини расмий шарҳлаш уларда нормаларнинг амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилишига олиб келган ноаниқликлар топилган тақдирда амалга оширилади.

Конституциявий судга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларини расмий шарҳлаш ҳақидаги мурожаатда Конституцияда ва қонунда уларнинг амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилишига олиб келган ноаниқликлар мавжудлигига доир важлар ҳамда далиллар кўрсатилган бўлиши керак.

Ишни кўриш якунлари бўйича Конституциявий суд қарор қабул қилади, унинг хулоса қисмида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ёки қонуни нормасига расмий шарҳ бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларини расмий шарҳлаш жараёнида уларга нормаларни аниқлаштиришга қаратилган тузатишлар, ўзгартишлар, қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

86-модда. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилганлиги устидан шикоятлар бўйича муайян ишда қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги ишларни юритиш

Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари муайян ишда қўлланилган ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ бўлмаган қонунда бузилган деб ҳисобловчи фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг шикоятлари, агар судда ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда ишни кўриб чиқиш тугаган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмай берилади.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари бузилганлиги устидан шикоятда кўрсатилган қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш чегарала-

ри ишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ушбу Қонун 82-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ белгиланади.

Ишни кўриб чиқиш яқунлари бўйича Конституциявий суд қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

қонунни ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас деб топиш тўғрисида;

қонунни ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ деб топиш ҳақида.

87-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруқларининг ва (ёки) бошқа ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги ишларни юритиш

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруқларининг ва (ёки) бошқа ҳужжатларининг (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) ёки улар бир қисмининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига мувофиқлигини аниқлаш чегаралари ишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ушбу Қонун 82-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ белгиланади.

Ишни кўриб чиқиш яқунлари бўйича Конституциявий суд қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғини ва (ёки) бошқа ҳужжатини (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжат бундан мустасно) ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига мувофиқ эмас деб топиш тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғини ва (ёки) бошқа ҳужжатини (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжат бундан мустасно) ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига мувофиқ деб топиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Конституциявий суд қаро-рига кўра Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига мувофиқ эмас деб топилган буйруғи ва (ёки) бошқа ҳужжати (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжат бундан мустасно) ўзининг амал қилишини тугатади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Конституциявий суднинг қарори асосида ўзининг буйруғини ва (ёки) бошқа ҳужжатини (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжат бундан мустасно) бир ойдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига мувофиқлаштириши керак.

13-боб. Яқунловчи қондалар

88-модда. Конституциявий суднинг халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар конституциявий назорат органлари билан ҳамкорлиги

Конституциявий суд хорижий мамлакатларнинг конституциявий назо-

рат органлари томонидан ташкил этилган халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши мумкин.

Конституциявий суд халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг конституциявий назорат органлари билан ҳамкорлик қилиши, декларациялар, англашув меморандумлари, ахдлашув баённомалари, ҳамкорлик режалари тузиши, шунингдек ўзаро тажриба ҳамда ахборот алмашиш соҳасида ҳамкорлик қилиши мумкин.

89-модда. Конституциявий суднинг девони

Конституциявий суднинг фаолиятини таъминлаш учун девон ташкил этилади.

Девоннинг тузилмаси ва штат бирлиги ажратилган маблағлар доирасида Конституциявий суд раиси томонидан тасдиқланади.

Девон ходимларига мансаб даражаларини белгилаш ва бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

90-модда. Конституциявий суд ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши

Конституциявий суд ҳузурида маслаҳат органи бўлган ва жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган илмий-маслаҳат кенгаши тузилади. Конституциявий суднинг фаолиятига оид масалалар бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш ушбу кенгашнинг вазифасига қиради.

91-модда. Конституциявий суднинг фаолиятини молиялаштириш

Конституциявий суднинг фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва унда алоҳида сатрда назарда тутилади.

92-модда. Конституциявий суд судьяларининг моддий ва ижтимоий таъминоти

Конституциявий суд судьяларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, уларга ҳар йилги таътилни бериш, судьяларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари, судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий тартибда суғурта қилиш билан боғлиқ моддий ва ижтимоий таъминоти «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ белгиланади.

Конституциявий суд судьясининг иш ҳақи лавозим маошидан, малака даражаси ва кўп йиллик хизмати учун тўланадиган устама ҳақлардан иборат бўлади.

93-модда. Конституциявий суднинг суд ҳокимияти рамзлари

Конституциявий суд эгаллаб турган бинода Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилади ва Давлат гербининг тасвири жойлаштирилади.

Суднинг мажлислар залида, шунингдек Конституциявий суд раисининг хизмат хонасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг расмий нашри жойлаштирилади.

94-модда. Конституциявий суд судьяларининг махсус кийим-боши

Конституциявий суд судьялари судлов ишини махсус кийим-бошда олиб боради, ушбу кийим-бошнинг тавсифи ва намунаси Сенат томонидан тасдиқланади.

95-модда. Конституциявий суд судьясининг гувоҳномаси

Конституциявий суд судьясига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланадиган гувоҳнома берилади.

96-модда. Конституциявий суднинг муҳри

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

97-модда. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

98-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 31 майда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида**»ги ЎРҚ–431-сонли Конституциявий қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 5, 201-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–446-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) **79-моддаси**;

3) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 мартда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–612-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 3, 203-модда) **7-моддаси**.

99-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

100-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

101-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 27 апрель,
ЎРҚ-687-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

216 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 29 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 23 апрелда
маъқулланган

1-модда. 1993 йил 7 майда қабул қилинган 863–XII-сонли **Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 247-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 350-модда; 2012 йил, № 9/2, 246-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда) қўйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 39-модда:

қўйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Экспериментал ҳаво кемаларини ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлари тегишинча **олтинчи, еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) 67-модда қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«67-модда. Аҳоли манзилгоҳлари устида парвоз қилиш

Ҳаво кемаларининг аҳоли манзилгоҳлари устидаги парвози ердаги одамларнинг ҳаёти ҳамда соғлиғига ва (ёки) уларнинг мол-мулкига хавф солмаган ҳолда белгиланган йўналишлар ва учиш баландликларида амалга оширилади.

Ҳаво кемасида носозлик рўй берган тақдирда ёки одамлар ҳаётини қутқариш учун парвозлар қилиш зарур бўлганда белгиланган йўналиш ва учиш баландлигидан четга чиқишга йўл қўйилади.

Алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра ҳаво кемаларининг белгиланган йўналиш ва учиш баландлигидан четга чиққан ҳолда аҳоли манзилгоҳлари устида парвоз қилишига йўл қўйилади.

Ҳаво кемаларининг аҳоли манзилгоҳлари устидаги кўргазмали учиш-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 29 апрелда эълон қилинган.

лари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан амалга оширилиши мумкин»;

3) **86-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «Авиация маъмурияти» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Авиация маъмурияти» деган сўзлар «Транспорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **96** ва **97-моддалар** чиқариб ташлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида**»ги 864–XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 248-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 153-модда) **2-бандининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига баён этилган Авиация маъмуриятининг вазибаларини Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги зиммасига юкласин».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-мод-

да, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **54-модда иккинчи қисмининг санкцияси** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари, мансабдор шахсларга эса — ўттиз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **123-модданинг санкциясидаги** «бешдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда» деган сўзлар «иккидан бир қисми миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **128^б-модданинг:**

биринчи қисми санкциясидаги «уч» деган сўз «икки» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари чиқариб ташлансин;

4) **137-модданинг матни** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Йўл-транспорт ҳодисаси қатнашчиларининг белгиланган қоидаларни бузган ҳолда ҳодиса юз берган жойдан кетиб қолиши, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Йўл-транспорт ҳодисаси қатнашчиларининг белгиланган қоидаларни бузган ҳолда ҳодиса юз берган жойдан кетиб қолиши, агар ушбу йўл-транспорт ҳодисаси жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум этишга ёхуд ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

5) **141-модданинг санкциясидаги** «икки бараваридан беш бараваригача миқдорда» деган сўзлар «икки баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **147-модда биринчи қисмининг санкциясидаги** «бир бараваридан уч бараваригача миқдорда» деган сўзлар «икки баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **245-модданинг:**

биринчи қисмидаги «90¹-моддасида, 91¹-моддасининг тўртинчи қисмида, 94, 99, 100, 101 (умумий фойдаланишдаги иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига оид қисмида), 102, 103, 104, 105, 106, 107, 108, 110, 111-моддаларида» деган сўзлар «90¹-моддасида, 91¹-моддасининг тўртинчи қисмида, 94, 99 (йўл қурилиши соҳасидаги қонунчиликни бузишга оид қисмида), 100, 101 (умумий фойдаланишдаги иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига оид қисмида), 102, 103, 104, 105, 106, 107, 108-моддаларида, 110-моддасининг биринчи (мансабдор шахсларга нисбатан) ва иккинчи қисмларида, 111-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «283-моддасида» деган сўзлар «99 (қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясига оид қисмида) ва 283-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 248-модда:

биринчи қисмидаги «113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар «110-моддасининг биринчи қисмида (фуқароларга нисбатан), 111-моддасининг биринчи қисмида, 113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг 4-бандидаги «113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар «110-моддасининг биринчи қисмида (фуқароларга нисбатан), 111-моддасининг биринчи қисмида, 113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 268²-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«268²-модда. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясига ва унинг ҳудудий инспекцияларига ушбу Кодекснинг 99-моддасида (йўл қурилиши соҳасидаги қонунчиликни бузиш бундан мустасно) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ушбу Кодекснинг 99-моддасида (йўл қурилиши соҳасидаги қонунчиликни бузиш бундан мустасно) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари номидан жарима тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясининг бошлиғи, шунингдек ҳудудий инспекцияларнинг бошлиқлари ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясининг ва унинг ҳудудий инспекцияларининг мансабдор шахслари ушбу Кодекснинг 178-моддасида (истеъмоличи-

ларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузишга доир қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади ва ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун юборади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Экологик экспертиза тўғрисида**»ги 73–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 144-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ахборотномаси, 2011 йил, № 1, 1-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **24-моддасининг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Экологик аудит экологик аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказиладиган экологик аудит субъектининг хўжалик фаолиятини ва бошқа фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига ушбу субъектнинг роя этиши юзасидан тизимли, ҳужжатлаштирилган, мустақил экологик баҳолашдир».

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 29 апрель,
ЎРҚ–688-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

217 Аҳолини айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга доир чоралар тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 23 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 24 апрелда
маъқулланган

Мазкур Қонун глобал коронавирус пандемияси давом этаётган даврда республика аҳолисининг айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини кафолатли таъминлаш ҳамда нарх-наволар асоссиз ўсиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида қабул қилинмоқда.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда) **483-моддаси** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«2021 йил 1 майдан 31 декабрга қадар бўлган даврда қуйидагилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўсимлик ёғи, кунгабоқар ва зигир уруғи, шунингдек соя данагини олиб кириш;

ўсимлик ёғини (пахта ёғидан ташқари) ишлаб чиқариш ва (ёки) реаллизация қилиш бўйича айланма».

2-модда. 2021 йил 1 майдан 31 декабрга қадар бўлган даврда:

айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан мазкур Қонуннинг иловасига мувофиқ экспорт божхона божлари киритилади;

тадбиркорлик субъектларига ўзлари томонидан импорт қилинган кунгабоқар ёғи ва кунгабоқар уруғларини қайта ишлаш натижасида олинган ўсимлик ёғининг (ТИФ ТН бўйича коди 1512 11 — 1512 19) 50 фоиздан ошмаган қисмини экспорт қилишга рухсат берилади.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тадбиркорлик субъектлари томонидан импорт қилинган кунгабоқар ёғи ва кунгабоқар уруғларини қайта ишлаш натижасида олинган ўсимлик ёғи ҳажмига нисбатан экспорт шартномалари доирасида амалга оширилган экспорт 50 фоиздан ошишига йўл қўйилмаслиги бўйича назорат ўрнатсин.

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 29 апрелда эълон қилинган.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 29 апрель,
ЎРҚ-689-сон

Ўзбекистон Республикасининг
«Аҳолини айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга доир чоралар тўғрисида»ги 2021 йил 29 апрелдаги
ЎРҚ-689-сонли Қонунига
ИЛОВА

**Айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан
экспорт божхона божлари**

Т/р	Озиқ-овқат маҳсулотининг қисқача номи	Маҳсулотнинг ТИФ ТН кодлари	Экспорт божхона божи ставкалари* товарнинг божхона қийматидан фоиз ёки 1 кг учун АҚШ доллари
1.	Кунгабоқар ва пахта уруғлари	1206; 1207 21 — 1207 29 (экиш учун мўлжалланган пахта уруғи бундан мустасно)	30 %, бироқ 1 кг учун 0,2 АҚШ долларида кам бўлмаган миқдорда
2.	Кунгабоқар ёғи	1512 11 — 1512 19	20 %, бироқ 1 кг учун 0,2 АҚШ долларида кам бўлмаган миқдорда
3.	Пахта ёғи	1512 21 — 1512 29	50 %, бироқ 1 кг учун 0,5 АҚШ долларида кам бўлмаган миқдорда

* Ушбу илова билан экспорт божхона божи ставкалари мазкур товарлар учун «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимида нисбатан татбиқ этилмайди.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

218 Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ ҳамда амалдаги қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатларни бекор қилиш ва тарқоқ ҳужжатларни тизимлаштириш орқали тартибга солиш юкини камайтириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида:

1. Тартибга солиш юкини камайтириш борасидаги ишларни давом эттириш доирасида Адлия вазирлиги томонидан манфаатдор давлат органлари билан биргаликда амалдаги қонунчилик ҳужжатлари хатловдан ўтказилиб, 400 дан ортиқ ўз аҳамиятини йўқотган ҳамда 100 дан зиёд давлат органларининг фаолиятини тартибга солувчи қарийб 1 600 та ҳужжатлар аниқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 ва 2-иловаларга** мувофиқ эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ҳамда айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Вазирлар Маҳкамаси Ҳукумат қарорларини хатловдан ўтказиб, эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш бўйича тизимли ишларни давом эттириш чораларини кўрсин.

3. Давлат органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини бирлаштириш орқали уларнинг сонини қисқартириш мақсадида қўйидагилар:

2021 — 2023 йилларда давлат органларининг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 3-иловага** мувофиқ;

Давлат органларининг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш схемаси 4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

«Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш ва қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш доирасида қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 30 апрелда эълон қилинган.

** 1 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

давлат органлари ҳамда уларнинг худудий тузилмаларининг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, улар фаолиятининг асосий йўналишлари, ваколатлари, вазифа ва функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, фаолият самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва мақсадли кўрсаткичларини (индикаторларини), молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш, шунингдек, ҳисобдорлигини давлат органлари фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунлар ҳамда уларнинг низомларида белгилаш;

давлат бошқарувидаги юқори, ўрта ва қуйи бўғинларнинг ваколатлари доираси ва масъулияти чегарасини аниқ белгилаш;

давлат бошқарувида бир-бирини такрорлайдиган вазифа ва функцияларни бартараф этиш ҳамда бюрократик маъмурий тўсиқларни қисқартириш;

давлат органларида қарор қабул қилиш жараёнларини соддалаштириш ва номарказлаштириш;

фаолиятни туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида режалаштириш тизими ҳамда фаолият самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва мақсадли кўрсаткичларини (индикаторларини) жорий этиш;

давлат органлари фаолиятида очиқлик ва ошкораликни ошириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш.

4. Олий Мажлис палаталари ва Адлия вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг умум-ҳуқуқий классификаторига мувофиқ тизимлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2022 — 2025 йилларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонунчилик тармоқлари бўйича тизимлаштириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) ҳамда схемаси 5 ва 6-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонунчилик тармоқлари бўйича тизимлаштириш доирасида Дастурда масъул ижрочи этиб белгиланган давлат органлари қуйидагиларга асосий эътибор қаратсин:

қонунчилик ҳужжатларини тўлиқ хатловдан ўтказиш;

қонунчилик ҳужжатларида такрорланиш, коллизия, ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш ва бартараф этиш;

турли соҳалардаги ижтимоий муносабатларни тарқоқ ҳолда тартибга солаётган қонунчилик ҳужжатларини бирлаштириш;

тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни ишлаб чиқиш ҳисобига қонун-ости ҳужжатларининг улушини камайтириш;

тартибга солиш юкини ва ортиқча бюрократик тўсиқларни камайтириш ҳисобига ҳуқуқни қўллаш амалиётини соддалаштириш.

Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг умум-ҳуқуқий классификатори кодлари бўйича қонунчилик ҳужжатларининг рўйхатини шакллантириб, масъул давлат органларига юборилишини таъминласин.

* 5-6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5. Қўйидагилар Адлия вазирлигининг қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш борасидаги асосий вазифалари этиб белгилансин:

Дастурда белгиланган тадбирлар доирасида қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни ўз кучини йўқотган деб топиш, шунингдек, заруратга кўра янги ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

масъул давлат органларига ушбу Фармонда белгиланган тадбирларни амалга оширишда методик ёрдам кўрсатиш;

қонунчилик соҳаларини тартибга солувчи ҳужжатларни тизимлаштириш доирасида янги қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш мақсадида ишчи гуруҳлар тузиш;

ишчи гуруҳларга давлат органлари, илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотлар раҳбарияти розилиги билан хизмат вазифаларидан озод этган ҳолда ходимларни жалб қилиш;

ушбу Фармонда назарда тутилган вазифаларни амалга оширишда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан кўриладиган чора-тадбирлар тўғрисида маълумотларни сўраш ва олиш;

мазкур соҳада халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни ривожлантириш ва янада мустаҳкамлаш, халқаро молия институтлари ҳамда бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак маблағлари ва грантларни жалб этиш.

6. Қўйидагилар:

Юқори юридик кучга эга бўлган қонунчилик ҳужжати шаклига ўтказиш орқали айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси 7-иловага*;

Айрим соҳалардаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни унификация қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси 8-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Адлия вазирлиги ва мазкур Фармонда масъул ижрочи этиб белгиланган давлат органлари бир ой муддатда тегишли йўналиш бўйича қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш ишларининг малакали мутахассислар таркибидан шакллантирилган ишчи гуруҳлар ёки доимий эксперт гуруҳлар негизида ташкил этилишини таъминласин.

8. Давлат органларининг биринчи раҳбарларига мазкур Фармонда назарда тутилган қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари белгиланган муддатларда ва сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклатилсин.

9. Адлия вазирлиги:

бир ой муддатда давлат органлари ходимлари учун қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш мавзусида ўқув семинарларининг, шу жумладан онлайн режимда ўтказилишини таъминласин;

уч ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда давлат органлари фаолияти тарқоқ ҳолда тартибга солинишига йўл

* 7-8-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қўйилмаслигини ҳамда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар амалдаги қонунчилик ҳужжатларига киритилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 апрель,
ПФ-6212-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

219 2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида*

Аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ишсизлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича янги таъсирчан механизмларни жорий этиш, эҳтиёжманд аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилишда қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада рағбатлантириш мақсадида:

1. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган, қуйидагиларни ўз ичига олувчи 2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) маъқуллансин:

а) 2021 йилда 457 127 та доимий янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича прогноз кўрсаткичлари, шу жумладан:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 29 апрелда эълон қилинган.

2021 йилда доимий янги иш ўринларини ташкил этишнинг йиғма прогноз кўрсаткичлари 1-иловага* мувофиқ;

2021 йилда тармоқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига яратиладиган иш ўринларининг прогноз кўрсаткичлари 1.1-иловага* мувофиқ;

2021 йилда ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва янги кичик корхона, микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига яратиладиган иш ўринларининг прогноз кўрсаткичлари 1.2-иловага* мувофиқ;

2021 йилда якка тартибдаги тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига яратиладиган иш ўринларининг прогноз кўрсаткичлари 1.3-иловага* мувофиқ;

б) 2021 йилда меҳнат органлари томонидан 513 575 нафар фуқаро бандлигига кўмаклашиш ва иш берувчиларни рағбатлантириш бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг прогноз кўрсаткичлари, шу жумладан:

2021 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва иш берувчиларни рағбатлантириш бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг умумий прогноз кўрсаткичлари 2-иловага* мувофиқ;

2021 йилда ишсизларни бўш ва захира иш ўринларига ишга жойлаштириш прогноз кўрсаткичлари 2.1-иловага* мувофиқ.

2. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2021 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш учун қуйидаги миқдорларда субсидия, нафақалар ва микрокредитлар ажратиш прогноз кўрсаткичлари 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин:

субсидиялар ажратиш учун — 92,3 млрд сўм;

ишсизлик нафақалари тўлаб бериш учун — 65,1 млрд сўм;

касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш харажатларини қоплаш учун — 40,6 млрд сўм;

янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи кичик лойиҳаларни амалга ошириш учун тижорат банкларига ажратиладиган ресурслар учун — 125 млрд сўм.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ҳафта муддатда:

Давлат дастури доирасидаги прогноз кўрсаткичларини туман (шаҳар)лар ва секторлар бўйича ойлар ва чорақлар кесимида ишлаб чиқиб, уларнинг халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларида муҳокамадан ўтказилишини;

Давлат дастури доирасидаги 2021 йилга мўлжалланган лойиҳаларнинг тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиб, ҳудудий мутасадди ташкилот ва идоралар томонидан тасдиқланишини;

2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш тўғрисидаги ҳудудий (манзилли) дастур тўғрисида қарор қабул қилинишини таъминласин.

4. Давлат дастурини ўз вақтида ва сифатли бажариш юзасидан қуйи-

* 1 — 3-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

даги идоралар раҳбарлари тегишли йўналишлар бўйича масъул эканлиги белгилаб қўйилсин:

Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.В. Воитов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К. Абдиназаров) — тармоқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва 34 881 та иш ўрни яратишга;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (О.Б. Рустамов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.М. Холхўжаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари — ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва 206 098 та иш ўрни яратишга;

Бош вазир ўринбосари Б.М. Мусаев, Мактабгача таълим вазирлиги (А.В. Шин), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Х. Шерматов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ. Тошқулов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М. Хаджибаев), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М. Бобоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари — ижтимоий соҳа объектларини ишга тушириш ва 6 641 та иш ўрни яратишга;

Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.М. Холхўжаев), Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д. Кудбиев), Савдо-саноат палатаси (А.И. Икрамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари — юридик шахс ташкил этган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига иш ўринларини ташкил этиш ва 121 038 та иш ўрни яратишга;

Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д. Кудбиев), Савдо-саноат палатаси (А.И. Икрамов), Давлат хизматлари агентлиги (У.И. Мухаммадиев), Молия вазирлиги (Д.Ш. Султонов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари — юридик шахс ташкил этмаган ҳолда яқка тартибдаги тадбиркорликни, шу жумладан ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига иш ўринларини ташкил этиш ва 88 469 та иш ўрни яратишга;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Ҳусанов) — меҳнат органлари томонидан 513 575 нафар фуқаро бандлигига қўмаклашишга;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Ҳусанов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.М. Холхўжаев) — масъул давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Давлат дастури ўз вақтида бажарилишини мувофиқлаштиришга.

Давлат дастури юзасидан ушбу бандда кўрсатилган масъул вазирлик, идора ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар ой якунига кўра кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар тегишли маълумотларни умумлаштириш учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тақдим этиб борсин.

5. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бир ой муддатда «Яго-

на миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексининг Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминласин. Бунда, қуйидагилар «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида акс эттирилади:

меҳнат стажи учун ижтимоий солиқ тўлаган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ҳар ой якуни бўйича ҳисобот ойдан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар;

ташқил этилган иш ўрнида банд бўлган жисмоний шахслардан (якка тартибдаги тадбиркорлардан) олинадиган даромад солиғи ёки ижтимоий солиқ ҳамда норасмий фаолият кўрсатаётган яширин иш ўринларини расмийлаштириш, шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ҳар ой якунига қадар;

юридик шахслар томонидан янги ташқил этилган ва қисқартирилган иш ўринлари сони тўғрисидаги ойлик, чораклик, йиллик маълумотлар (кичик корхона ва микрофирмалардан ташқари) ҳисобот ойдан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳар ой якуни бўйича:

Давлат дастури ижроси юзасидан умумлашган тахлилий маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин;

Давлат дастури бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида ҳисобот бериб борсин.

6. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг вақтинча, мавсумий ва бир марталик ишларда (кейинги ўринларда — вақтинча ишлар) банд бўлган фуқароларнинг меҳнат фаолиятини самарали ташқил этиш бўйича қуйидагилардан иборат янги тизимни яратиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин:

вақтинча ишларда банд бўлган фуқароларга кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, шу жумладан уларга вақтинча иш жойлари ва иш берувчиларни қидиришда кўмаклашиш, ўзини ўзи банд қилиб ишлаш учун зарур шароитлар яратиб бериш;

иш берувчи жисмоний ва юридик шахсларга вақтинча ишларда банд бўлган фуқароларни ёллаш бўйича хизматлар кўрсатиш, меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этиш масалалари бўйича маслаҳат ва услубий ёрдам бериш;

вақтинча ишларда банд бўлган фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнатини муҳофаза қилиш, уларга меҳнат қуроллари, шахсий ҳимоя воситалари ва махсус кийимлар билан таъминлаш хизматларини кўрсатиш;

«барча учун иш» тамойили асосида вақтинча ишларни ташқил этишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, иш берувчилар ва ишловчиларга масофадан туриб хизматлар кўрсатишни кенг жорий этиш;

вақтинча ишларни ташқил этиш ва мувофиқлаштириш жараёнларига

давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш, бунда иш изловчиларни ётоқхона ва транспорт билан таъминлаш, тезкор буюртмалар олиш ва бошқа қўшимча хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш.

7. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари хузурида фаолият юритаётган вақтинча бир марталик иш билан таъминлаш бюrolари Кунлик меҳнат марказлари (кейинги ўринларда — Марказ) сифатида қайта ташкил этилсин ҳамда қўйидагилар уларнинг асосий вазибалари этиб белгилансин:

иш изловчиларни рўйхатга олиш, улар тўғрисида маълумотлар базасини юритиш, иш берувчи жисмоний ва юридик шахслардан фуқароларни вақтинча ишларга ёллаш бўйича буюртмалар олиш;

вақтинча ишларни бажарувчи шахсларнинг ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтиши ва электрон (қоғоз) шаклдаги маълумотнома олишига шарт-шароит яратиш;

иш изловчиларни корхона ва ташкилотлардаги бўш (вакант) иш ўринлари билан мунтазам таништириб бориш ҳамда доимий ишга жойлашишларига кўмаклашиш;

вақтинча ишлар билан шуғулланувчи шахсларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш, касбга тайёрлаш (қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш)ни ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатиш;

манфаатдор иш берувчилар ва иш изловчилар иштирокида бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил қилиш;

вақтинча ишлар билан шуғулланувчи шахсларга меҳнат қуроллари, шахсий ҳимоя воситалари ва махсус кийимларни ижарага бериш.

8. Белгилансинки:

Марказда вақтинча ишларни бажарувчи шахсларга уларнинг доимий яшаш жойидан қатъи назар (экстерриториаллик тамойили бўйича), иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган ҳолда бандлик хизматлари кўрсатилади;

Марказда туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори томонидан тайинланадиган ишга жойлаштириш мутахассислари фаолият юритади;

туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директорининг ўринбосари бир вақтнинг ўзида ушбу ҳудуддаги Марказнинг раҳбари ҳисобланади;

жамоат тартибини сақлаш учун Марказга тегишли туман (шаҳар) ички ишлар бўлимининг масъул ходими доимий равишда бириктирилади;

Марказ ходимларининг ва унга доимий равишда бириктирилган туман (шаҳар) ички ишлар бўлимининг масъул ходими меҳнатига ҳақ тўлаш тегишли равишда туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳамда ички ишлар бўлими томонидан амалга оширилади.

9. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда олти ой муддатда «барча учун иш» тамойили асосида қўйидагиларни

назарда тутувчи «Mening ishim» буюртмалар биржаси онлайн-майдонини ишга туширсин:

ишсизлар, айниқса, аёллар, ёшлар, талабалар, ногиронлиги бўлган шахслар учун ишлар, масофадан туриб бажариладиган ишлар, уйда бажариладиган ишлар, касаначилик ишлари, фрилансерлик фаолияти, иш графикалари, талаб этиладиган малака даражаси, иш ҳақи миқдори ва бошқаларни акс эттириш;

ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг фаолият турлари (хизматлари, ишлари) ҳамда уларга эҳтиёжи бор бўлган иш берувчилар тўғрисида маълумотларни олиш;

ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг фаолият турлари (хизматлари, ишлари)ни реклама қилиш;

ўзини ўзи банд қилган шахслар ва уларнинг хизматига эҳтиёжи бор иш берувчилар ўртасида кунлик ва узоқ муддатли оферта шартномаси тузиш.

10. Белгилаб қўйилсинки:

«Mening ishim» буюртмалар биржаси онлайн-майдонини ишга туширишни молиялаштириш Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

вақтинча бир марталик ишлар тўғрисидаги кунлик маълумотлар ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг фаолият турлари (хизматлари, ишлари) тўғрисидаги эълонлар «Mening ishim» буюртмалар биржаси онлайн майдони орқали бепул тақдим этиб борилади;

хусусий бандлик агентликларига кунлик ишлар ҳақидаги ахборотни ва иш изловчиларнинг резюмеларини эълон қилиш учун «Mening ishim» буюртмалар биржаси онлайн-майдонида шахсий кабинет очишига Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан рухсат берилади;

туман (шаҳар) аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари ҳузурида эҳтиёждан келиб чиқиб, филиал шаклида Марказларни ташкил этиш, Марказ тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳамда штат бирликлари ажратиш меҳнат бозорининг конъюнктураси ва кунлик ишларга бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан амалга оширилади;

Марказларни ташкил этиш, сақлаш ва моддий-техник таъминлаш харажатлари Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан, уларда видеокузатув ва огоҳлантирувчи алоқа тизимларини ўрнатиш Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда вақтинча, мавсумий ва бир марталик ишларда банд бўлган фуқароларнинг меҳнатфаолиятини тартибга солиш ҳамда Кунлик меҳнат марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарори қабул қилинишини таъминласин.

11. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

2021 йил 1 июлга қадар янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича ҳисоботларни юритиш, уларни реал вақт режимида Давлат солиқ қўмитасининг ягона интеграциялашган ахборот ресурс базаси билан мониторинг қилишга мўлжалланган электрон дастур ишлаб чиқилишини;

уч ой муддатда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини, жумладан ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қарори билан белгиланган иш ўринларининг энг кам сони ва иш берувчилар томонидан иш ўринлари захирага қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотларни «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида акс эттирилишини;

икки ой муддатда ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун бандлик соҳасида интерактив хизматлар доираси кенгайтирилишини таъминласин.

12. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Б. Хусанов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2021 йил 1 декабрга қадар ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 28 апрель,
ПҚ-5094-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**220** Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида*

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ:

1. 2020 йил 6 ноябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг Ҳукумат раҳбарлари кенгаши йиғилишида имзоланган МДҲ иштирокчи-давлатларининг жамиятни рақамли ривожлантириш соҳасида ахборот ҳамкорлиги тўғрисидаги битим тасдиқлансин.

2. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мазкур халқаро шартномани амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартноманинг кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси томонидан зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги ҳамда уни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган тўғрисида депозитарийга тегишли билдиришнома йўлласин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан ўрнатилган тартибда назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 29 апрель,
ПҚ-5097-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 29 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**221** Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказиш тўғрисида*

Халқ амалий санъатининг зардўзлик ва заргарлик анъаналарини ривожлантириш, уларнинг ноёб намуналарини тарғиб этиш, шунингдек, ушбу йўналишларда ўзаро тажриба алмашиш орқали халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустахкамлаш, маданий-гуманитар алоқаларни кучайтириш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган касбий анъаналар ва хунармандчилик мактабларини сақлаш ва қайта тиклаш ҳамда минтақанинг туризм салоҳиятини янада ошириш мақсадида:

1. 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда май ойида Бухоро шаҳрида Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивали (кейинги ўринларда — Фестиваль) ҳамда унинг доирасида илмий-амалий конференция, кўрик-танлов, тақдимот ва кўргазмалар, театрлашган концерт-томоша дастурлари, маданий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилсин. Бунда:

2022 йилда Фестиваль 21 — 25 май кунлари ва унинг доирасида «Анъанавий зардўзлик ва заргарлик санъатини ривожлантириш истиқболлари» мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилади;

Фестивалга уйғун ҳолда Тошкент шаҳрида хорижий мамлакатларнинг заргарлик тармоғи вакиллари, хорижий инвесторлар, экспертлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда «Uzbek Jewellery Fair» заргарлик саноатининг замонавий асбоб-ускуналари, технологиялари ва буюмларининг йиллик халқаро кўргазма-савдоси ўтказилади.

2. Қуйидагилар Фестивалнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

миллий хунармандчиликнинг зардўзлик ва заргарлик соҳасида фаолият юритаётган ва соҳа ривожига улкан ҳисса қўшаётган тажрибали, истеъдодли хунармандларни аниқлаш, маънавий ва моддий рағбатлантириш, унинг ноёб ва йўқолиб бораётган намуналарини сақлаш, қайта тиклаш;

худудларда зардўзлик ва заргарликни жадал ривожлантириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, ёшларга ўргатиш, янги иш ўринлари яратиш;

зардўзлик ва заргарлик намуналарини миллий бренд сифатида халқаро миқёсга олиб чиқиш, халқимизнинг миллий маданияти анъаналарини намойиш этиш орқали сайёҳларни жалб қилиш, Фестивални жаҳон миқёсида кенг танитиш ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

зардўзлик ва заргарлик намуналарининг кенг тақдими, ҳар бир худуднинг тарихи, ҳаёт тарзи, хунармандчилик мактаби анъаналарини акс эттирувчи хунармандлар шаҳарчалари макетлари, уй-рўзғор буюмлари, хунарманд-дизайнерлар яратган маҳсулотлар кўргазмаларини ўтказиш;

халқ сайиллари, фольклор ва дорбозлик жамоалари, аскиячи ва қизиқчиларнинг театрлашган томошалари, санъат вакилларининг концерт дастур-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 30 апрелда эълон қилинган.

ларини ҳамда уста-хунармандлар томонидан маҳорат дарслари, рассомлар хиёбони, экскурсия маршрутларини ташкил этиш.

3. Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) таркиби иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмитага (А.Н. Арипов):

Фестивални юқори ва бадий савияда ўтказиш, белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, бу борада масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Фестиваль совриндорларига топшириладиган диплом ва сертификатлар намуналарини тайёрлаш ҳамда тасдиқлаш;

Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш вазифалари юклансин.

4. Белгилансинки, Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ташкилий қўмита томонидан ишлаб чиқиладиган ва белгиланган тартибда тасдиқланадиган смета асосида қуйидаги тартибда:

Фестивалга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ барча харажатлар Бухоро вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

Фестивални ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи — Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан, 50 фоизи — Бухоро вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

5. Бухоро вилояти ҳокимлиги (Б.К. Зарипов) Туризм ва спорт вазирлиги (А.А. Абдуҳакимов), Савдо-саноат палатаси (А.И. Икрамов), «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси (Д.Н. Саматов), «Хунарманд» уюшмаси (У.Т. Абдуллаев) билан биргаликда уч ой муддатда Фестивални ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда 2022 йилда уни ўтказиш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х. Камилов):

хорижий давлатлардан зардўзлик ва заргарлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар, маҳоратли хунармандлар, амалий санъат усталари, соҳа олимлари ҳамда мутахассислари, фахрий меҳмонларни Фестивалга таклиф этишда ташкилотчиларга амалий ёрдам кўрсатсин;

Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси ва «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасининг виза талабномаларига биноан Фестивалнинг хорижий иштирокчилари учун кириш визалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

7. Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков) Савдо-саноат палатаси (А.И. Икрамов), «Хунарманд» уюшмаси (У.Т. Абдуллаев), «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси (Д.Н. Саматов) ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(С.С. Саидов) билан биргаликда Фестивалнинг тантанали очилиш маросимини ҳар томонлама пухта ва бадий жихатдан бетакрор усулда тайёрлаш учун юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарийнавис ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, ҳунармандлар, сахналаштирувчи расомлар, истеъдодли санъаткорларнинг кенг жалб этилишини таъминласин.

8. Бухоро вилояти ҳокимлиги (Б.К. Зарипов):

а) Бухоро шаҳрида кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилишини, Фестиваль ўтказиладиган сахна майдонлари ҳамда жойларнинг талаб даражасида тайёрланишини;

б) Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси, «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси, Туризм ва спорт вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Кинематография агентлиги ва Ўзбекистон Бадий академияси билан биргаликда:

Фестиваль доирасида Бухоро шаҳридаги «Лаби ҳовуз» ансамбли майдонидан «Арк» кўрғони ҳудудигача бўлган ён-атрофда зардўзлик ва заргарлик санъатига оид турли кўرғазмалар, ҳунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, қадимий зардўзлик ҳамда заргарлик дастгоҳлари ва маҳсулотларини яратиш жараёнлари, ҳунармандчиликка оид бадий, ҳужжатли фильмлар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиши, уларнинг сотуви ташкил этилишини;

Фестиваль дастури ишлаб чиқилишини ва унинг уч ой аввал туристик ташкилотларга тақдим этилишини, Интернет ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилишини;

Фестиваль доирасида миллий либослар кўрғазмали чиқишлари, театрлаштирилган томошалар, аския ва қизиқчилар, фольклор ва дорбозлик жамоаларининг томоша дастурлари намойиш этилишини;

Фестивалнинг туризм календарь режасига киритилишини ҳамда хорижий меҳмонлар ва сайёҳларнинг Фестивалга жалб қилинишини;

в) Туризм ва спорт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлар учун меҳмонхоналардан жой ажратилишини;

г) Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия, «Хунарманд» уюшмаси, «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси билан биргаликда 2023 йил якунига қадар малакали мутахассис ва халқаро экспертларни жалб этган ҳолда:

миллий ҳунармандчиликнинг зардўзлик ва заргарлик йўналишларини ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхатига;

Бухоро шаҳрини ЮНЕСКОнинг Ижодкор шаҳарлар тармоғига киритиш бўйича ҳужжатлар тўплами тайёрланиши ва тавсия этилишини таъминласин.

9. «Uzbekistan Airways» акциядорлик жамияти (И.Р. Махкамов) ва «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига (Х.Н. Хосилов) Фестиваль қатнашчиларини Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси ва «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси буюртмаларига мувофиқ белгиланган тартибда авиа ва темир йўл чипталари билан таъминлаш тавсия этилсин.

10. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А. Артикходжаев) Фестивалга ташриф буюрувчи хорижий меҳмонлар ва қатнашчиларни кутиб олиш, жойлаштириш ва уларни Бухоро шаҳрига юборишни ташкил этсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М. Хаджибаев):

Фестиваль ўтказиладиган жойларда тез тиббий ёрдам пунктларини ташкил этсин;

Фестиваль ўтказиладиган вақтда санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя қилинишини назорат қилсин.

12. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К. Кучимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж. Хаджаев), «Дунё» ахборот агентлиги (С.Л. Суяров) ва бошқа оммавий ахборот воситалари Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб боришни ташкил этсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 29 апрель,
ПҚ-5098-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

222 Боксни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатимизда ёшларнинг боксга бўлган оммавий қизиқишини инобатга олиб, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) тизимини янада такомиллаштириш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва уларнинг моддий рағбатлантирилишини яхшилаш, шунингдек, ўзбек боксининг дунёдаги етакчилигини сақлаб қолиш ва давом эттириш мақсадида:

1. Қуйидагилар боксни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

боксни аҳоли ўртасида энг оммавий спорт турларидан бирига айланти-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 30 апрелда эълон қилинган.

риш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш;

бокс инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳамда халқаро талабларга мослаштириш, бокс мактабларини, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида кўпайтириш;

бокс бўйича профессионал тренерлар ва ҳакамларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш, ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, илмий-методологик базани янада кучайтириш;

Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жисмоний тайёргарлик машғулотларига боксни босқичма-босқич киритиш;

ўзбек боксининг дунёдаги етакчилигини сақлаб қолиш ва давом эттириш юзасидан зарур чораларни кўриш;

аёллар боксини ривожлантириш юзасидан узоқ йилларга мўлжалланган истиқболли режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

спорт таълим муассасаларида бокс бўйича давлат буюртмаси параметрларини ошириш.

2. Туризм ва спорт вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон бокс федерацияси ҳамда Андижон, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликларининг дастлаб Андижон вилояти (Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари), Бухоро вилояти (Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари), Қашқадарё вилояти (Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари) ҳамда Тошкент вилоятларида (Сирдарё ва Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳри) Туризм ва спорт вазирлиги ҳузурда бокс бўйича олий спорт маҳорати мактабларини (кейинги ўринларда — бокс мактаблари) давлат муассасаси сифатида ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, бокс мактабларида:

фаолият иқтидорли ёш спортчиларни танлаб олиш ва уларни асосан миллий терма жамоаларга тайёрлашга йўналтирилади;

ўқиш 7-синфдан ташкил этилади, таълим олиш муддати 5 йил этиб белгиланади;

ўқувчиларга бепул таълим олиш, олимпия захиралари коллежларининг ўқувчилари учун бир кунлик озиқ-овқат меъёрларига мувофиқ озиқ-овқат билан таъминланиш ҳамда ўқувчилар турар жойида бепул яшаш ҳуқуқи берилади;

раҳбарлар, тренерлар, спортчилар ва бошқа ходимларга ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади.

4. Қуйидагилар бокс мактаблари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари;

халқаро ва чет эл ташкилотларининг грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Бокс мактабларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича:

буюртмачи этиб — Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги «Спорт объектлари инфратузилмасини ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси» давлат унитар корхонаси;

бош лойиҳачи этиб — «ТошуйжойЛИТИ» акциядорлик жамияти белгилансин;

бош пудратчи ташкилот белгиланган тартибда танлов (тендер) савдолари орқали аниқлансин.

6. Қўйидагилар:

Боксни 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

Боксни 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага* мувофиқ;

Боксни 2025 йилгача ривожлантириш концепциясининг мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Белгилансинки:

а) Концепция эришилган натижалар, мақсадли кўрсаткичлар ва боксни ривожлантириш бўйича тегишли даврга мўлжалланган асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили алоҳида тасдиқланадиган «йўл харитаси» асосида босқичма-босқич амалга оширилади;

б) «Йўл харитаси» 2021 йилда бажарилиши мўлжалланган қўйидаги чораларни қамраб олади:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда унинг филиалларида бокс бўйича давлат буюртмаси параметрларини ошириш;

ўқув-машғулотлар жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан виртуал рақиблар билан жанг олиб бориш имкониятини берувчи компьютерлаштирилган хоналарни ташкил қилиш;

боксчилар тўғрисида маълумотларни тезкор олиш имконини берувчи электрон базани яратиш;

в) Боксни 2025 йилгача ривожлантириш концепциясининг мақсадли кўрсаткичлари, шу жумладан қўйидагиларни назарда тутати:

2025 йилгача спорт таълим муассасаларидаги бокс билан мунтазам шуғулланадиган ўқувчилар сонини 27 минггача етказиш;

келгуси 5 йил ичида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида 7 та бокс залларини ташкил этиш;

бокс бўйича терма жамоаларнинг 46 га яқин халқаро спорт мусобақаларида иштирокини таъминлаш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳудудларда бокс залларини қуриш учун Туризм ва спорт вазирлигининг тегишли ҳудудий бошқармалари сўровномаларига асосан ер ажратиш чораларини кўрсин.

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. 2021 йил 1 майдан бошлаб бокс бўйича ҳудудларда иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) учун уч босқичли тизим жорий этилсин:

биринчи босқичда — таълим муассасалари, болалар-ўсмирлар спорт мактабларидан сараланган спортчилар ўртасида туман (шаҳар) мусобақалари;

иккинчи босқичда — боксга ихтисослашган спорт мактаблари, таълим муассасалари ва спорт клубларидан сараланган спортчилар ўртасида ҳудудий мусобақалар;

учинчи босқичда — клублараро ҳамда ҳудудий ўқув-машғулот йиғинлари ғолиблари ва совриндорлари ўртасида республика мусобақалари («World Series Boxing» мисолида).

Бунда, мусобақалар натижалари асосида бокс мактабларини иқтидорли спортчилар билан тўлдириб бориш Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан биргаликда амалга оширилади.

9. Туризм ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларида бокс бўйича амалдаги ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини икки бараварга ошириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

10. Ўзбекистон бокс федерацияси бокс мактабларида замонавий илмий ютуқлар ва инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда юқори малакали тренер, тренер-селекционер, функционал тайёргарлик бўйича тренер, ҳакамлар ва бошқа мутахассисларнинг касбий маҳоратини доимий ошириб бориш мақсадида маҳаллий ва хорижий мутахассислар иштирокида семинар, тренинг, мастер-класслар, ўқув дарслари ташкил этилишини таъминласин.

11. Бокс бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-машғулотлар базасини яратиш мақсадида Туризм ва спорт вазирлиги ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Янгиобод қўрғони ҳудудида жойлашган Республика олимпия захиралари спорт коллежи балансидаги 1,5 гектар майдонга эга бўлган собиқ стадион, сузиш ҳавзаси, шунингдек, ошхонани 2029 йил 31 декабрга қадар Ўзбекистон бокс федерациясига мақсадли текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Бунда, мазкур ҳудуд атрофида спорт зал, ётоқхона, ошхона ҳамда бошқа маиший-хизмат бино ва иншоотларни қуриш учун камида бўш турган 1 гектар ер майдони ажратилиши таъминлансин.

12. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Заковат кўчаси, 2-уйда жойлашган собиқ Саноат-иқтисодиёт касб-хунар коллежи биноси, шунингдек, спорт иншооти ва ёнидаги спорт майдони Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан инвестиция мажбурияти асосида сотиб олиншига розилик берилсин.

13. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги

Туризм ва спорт вазирлиги билан биргаликда 2022-2023 йиллардаги инвестиция дастурларини шакллантиришда ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан бокс бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-машғулотлар базасини ва бокс мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари учун марказлашган капитал қўйилмалар лимитлари ажратилишини таъминласин.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан олис ҳудудларда жойлашган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда бокс мактабларига жалб қилинаётган тренерлар ва бошқа мутахассисларни 2025 йил 1 январгача уй-жой билан таъминлаш чораларини кўрсин.

15. Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон бокс федерацияси Тошкент шаҳрида 2023 йилда режалаштирилган бокс бўйича Жаҳон чемпионати юқори даражада ўтказилишини таъминласин ва шу билан боғлиқ бўлган «йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин.

Белгилансинки:

жаҳон чемпионатини ўтказиш учун аъзолик бадали ва мукофот пули билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаш Давлат бюджетининг 2022 ва 2023 йиллардаги параметрларида кўзда тутилган маблағлар доирасида босқичма-босқич 18 ой давомида, лекин 2023 йил 1 майгача бўлган даврда амалга оширилади;

жаҳон чемпионатини ўтказиш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар ҳомийлар ва Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан қопланади, олинадиган фойда Ўзбекистон бокс федерацияси тасарруфида қолиб, боксни янада ривожлантиришга ва федерация фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилади.

16. Бокс бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-машғулотлар базасини ва бокс мактабларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда улар фаолиятини таъминлаш мақсадида белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича четдан олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган махсус спорт анжомлари ва жиҳозлари, ўқув ускуналари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, инвентарь, қурилиш материаллари ва моддий-техник ресурслар 2023 йил 1 мартга қадар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

17. Молия вазирлиги мазкур қарорга асосан жорий йилда кўзда тутилган чора-тадбирлар ва келгуси йилларда амалга оширилиши белгиланган вазифалар учун зарур маблағларни 2021 йил Давлат бюджетида Туризм ва спорт вазирлиги учун кўзда тутилган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутишни таъминласин.

18. Мазкур қарорнинг ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А. Абдуҳакимов — мазкур қарор ижросини сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида таъминласин, белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идо-

ра ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирсин, ҳар ойда тегишли раҳбарларнинг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

туризм ва спорт вазири ўринбосари А.Қ. Каримов — Концепциянинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш, Концепция ва «Йўл харитаси»ни ижро этиш юзасидан барча зарур чоралар кўрилишини таъминласин, мазкур қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда унинг ижроси бўйича ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин;

масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари — Концепция ва «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш юзасидан барча чораларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси А.Д. Хаджаев — мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин.

19. Туризм ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А. Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 29 апрель,
ПҚ-5099-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 29 апрелдаги
ПҚ-5099-сон қарорига
1-ИЛОВА

Боксни 2025 йилгача ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ

1-боб. Умумий қоидалар

Боксни 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) боксни янада оммалаштириш ҳамда тизимли ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Концепция боксни тизимли ривожлантиришнинг мақсади, вазифалари, устувор йўналишлари, истиқболдаги босқичларини белгилайди ҳамда боксни ривожлантириш дастурлари ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

2-боб. Бокснинг ривожланиш ҳолати ва соҳадаги мавжуд муаммолар

Ўзбекистон бокс терма жамоаси мустақил жамоа сифатида илк бор 1993 йилдан Жаҳон чемпионатларида, 1996 йилдан Олимпия ўйинларида, 1994 йилдан эса Осиё ўйинларида иштирок этишни бошлади. 2016 йил Ўзбекистон боксчилари дунё рейтингида биринчи ўринни қўлга киритди. 2019 йил 6 — 22 сентябрь кунлари Россиянинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионати спортчиларимиз учун янада муваффақиятли кечди. Дунёнинг 80 га яқин мамлакатидан энг кучли чарм қўлқоп усталари иштирок этган ва ғоят кескин курашлар остида ўтган мусобақада терма жамоамиз энг юқори поғонага кўтарилиб, ўзбек бокс мактаби жаҳон боксининг энг кучли мамлакати сифатида дунё ҳамжамияти томонидан тан олинди.

Жумладан, 2016 йилги Олимпия ўйинларида 3 та олтин, 2 та кумуш, 2 та бронза медаллари, 2019 йилги жаҳон чемпионатида 3 та олтин, 1 та кумуш, 1 та бронза медалларини қўлга киритиб, мамлакатимиз бокс бўйича дунёнинг энг кучли мамлакати мақомига кўтарилди, боксчиларимиз эса жаҳон чемпионатининг энг яхши боксчи номинацияси ғолиби бўлди.

Бундай ютуқлар тасодифий эмаслигини, Ўзбекистон том маънода бокс мамлакатига айланиб бораётганини миллий терма жамоамиз аъзолари яна бир бор бутун дунёга яққол намоён этди. Мазкур ғалабалар «Ўзбекистон бокс мактаби», «Ўзбекистон боксчилари» деган сўзларни жаҳон тарихига олтин ҳарфлар билан муҳрлаб қўйди. Бу ғалабаларнинг яна бир муҳим томони шундаки, у мамлакатимизда бошқа спорт турларининг ривожига ҳам қудратли туртки беради, ўз навбатида, ёшларни барча соҳаларда маррани баланд олиб, доимо ғалаба сари интилиб яшашга ўргатади.

Бугунги кунда боксни ривожлантиришга йўналтирилган 263 та спорт таълим муассасаларининг секциялари ва бўлимлари фаолият юритмоқда, улардан:

227 таси болалар-ўсмирлар спорт мактаблари;

13 таси спортнинг яккакурашга ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари;

15 таси олимпия захиралари коллежлари;

8 таси олимпия ва миллий спорт турлари бўйича мактаб-интернатлар.

Мазкур муассасаларда бокс бўйича ўқув-машғулотларни ташкил этиш мумкин. Тошкент шаҳрида жойлашган 3 та спорт мажмуасида халқаро миқёсдаги бокс мусобақаларини ўтказиш имконияти мавжуд.

Бокс бўйича тренерлик фаолияти билан шуғулланувчилар сони 1 215 нафарни ташкил этади.

Шу билан бирга, бокс бўйича етакчиликни сақлаб қолиш ва давом эттириш ҳамда сифатини ошириш, боксни замон талабларига мувофиқ янада ривожлантириш йўлида тўсиқ бўлувчи айрим муаммолар мавжуд. Жумладан:

биринчидан, ҳудудларда малакали тренерлар ва тегишли мутахассислар етишмаслиги сабабли, иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ишлари талаб даражасида эмас;

иккинчидан, бокс учун сифатли спорт анжомлари ва жиҳозларининг етишмаслиги ҳамда республикада ишлаб чиқарилаётган спорт анжомлари ва жиҳозларнинг сифат даражаси халқаро стандартларга жавоб бермайди;

учинчидан, Ўзбекистон миллий терма жамоаси захирасини тайёрлаш ҳамда тренерлар таркибининг сифат даражасини кўтаришга қаратилган бокс бўйича олий спорт маҳорати мактаблари мавжуд эмас;

тўртинчидан, олий маҳоратли боксчиларнинг марказлашган ўқув-машғулот йиғинларини самарали ўтказишлари учун ягона ўқув-машғулот базасига эҳтиёж мавжуд;

бешинчидан, спортга замонавий инновацион технологиялар талаб даражасида жорий қилинмаганлиги машғулотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

олтинчидан, олий маҳоратли боксчиларнинг тиббий хизматдан тўлақонли фойдаланиш имконияти чекланган ҳамда ҳудудларда боксчилар учун махсус тиббий хизмат мавжуд эмас;

еттинчидан, боксни оммавий ахборот воситаларида ёритиш ва тарғиб қилиш талаб даражасида ташкил қилинмаган;

саккизинчидан, соҳани илмий-методик таъминлаш даражаси етарли эмас.

3-боб. Боксни ривожлантиришнинг асосий мақсадлари ва вазифалари

Қуйидагилар боксни ривожлантиришнинг асосий мақсадлари ҳисобланади:

боксни аҳоли ўртасида энг оммавий спорт турларидан бирига айланти-

риш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш;

юқори малакали спортчи ва кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш; республикада халқаро стандартлар асосида бокс бўйича спорт жиҳозлари ва анжомларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

ўқув-машгулотлар жараёнига замонавий илмий-инновацион технологияларни кенг жорий қилиш;

спорт тиббиёти бўлимларида ҳудудлардаги боксчиларга кўрсатилаётган тиббий диагностика ва профилактика сифатини ошириш;

боксни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш;

олий маҳоратли боксчилар марказлашган ўқув-машгулот йиғинларини самарали ўтказишлари учун бокс спорт базасини яратиш;

бокс бўйича олий спорт маҳорати мактабларини ташкил этиш;

бокс бўйича илмий тадқиқот ва методик ишларини олиб бориш.

Кўрсатиб ўтилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

а) биринчидан:

таълим муассасаларида ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш орқали халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрларни тайёрлаш;

аёллар боксини ривожлантириш мақсадида аёл тренерларни тайёрлаш тизимини шакллантириш;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида хорижий давлатлар билан ҳамкорлик асосида инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда масофавий таълимни ташкил этиш;

ўқув-машқ жараёнига жаҳоннинг етакчи мутахассисларини тизимли асосда жалб этиш ҳамда кадрларни тажриба алмашиш мақсадида бокс ривожланган етакчи хорижий давлатларга юбориш;

республиканинг бокс бўйича маҳоратли тренерлари томонидан яратилган спортчиларни тайёрлаш методикасини чуқур ўрганиб, илмий жиҳатдан самарасини исботлаган ҳолда, барча спорт таълим муассаса ва ташкилотларга кенг жорий этиш;

б) иккинчидан:

ёш тадқиқотчиларни бокс бўйича илмий фаолиятга кенг жалб этиш;

бокс билан шуғулланишга қизиқишни оширишга йўналтирилган ўқув адабиётлар яратиш;

бокс бўйича электрон таълим ресурсларида машқ жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича методик тавсияларнинг республика очиқ маълумотлар базасини яратиш;

ахборот технологиялари ва мультимедиа маҳсулотларини ривожлантиришда замонавий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув-машқ жараёнининг компьютерлаштириш даражасини ошириш;

в) учинчидан:

бокс ривожланмаётган хуудларда ушбу спорт турини ривожлантириш бўйича чоралар кўриш;

тренерларни ва тегишли мутахассисларни Ўзбекистон бокс федерацияси тавсияномаси асосида Туризм ва спорт вазирлиги томонидан маълум бир муддатга тажрибани жорий этиш мақсадида хуудларга юбориш (ротация);

бокс бўйича туман (шаҳар) миқёсида мусобақалар ўтказилиши, таҳлил қилиниши ва мониторинги олиб борилиши;

боксга ихтисослашган спорт мактаблари, таълим муассасалари ва спорт клубларидан сараланган спортчилар ўртасида минтақавий ўқув-машқ йиғинлари ва мусобақалар ўтказилиши;

ўтказилган мусобақаларнинг голиб ва совриндорларидан таркиб топган жамоавий клублар ташкил этилиб, республика даражасида клублараро мусобақалар ўтказилиши («World Series Boxing» мусобақалар мисолида);

ўтказилган мусобақалар натижалари асосида бокс бўйича олий спорт маҳорати мактабларини иқтидорли спортчилар билан бутлаш таъминланади;

г) тўртинчидан:

бокс бўйича халқаро стандарт талабларига жавоб берувчи спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминланганлик даражасини таҳлил қилиш;

маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан давлат стандартлари ва халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган спорт анжоми ва жиҳозларини ишлаб чиқаришни таъминлаш;

д) бешинчидан:

ўқув-машғулот самарадорлигини ошириш мақсадида, машғулотлар жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

ўқув-машғулотлар жараёнида замонавий спорт анжомлари (сенсор қоплар ва «ясси» қўлқоплар), махсус дастурлардан фойдаланишни ташкил этиш;

виртуал рақиблар билан жанг олиб бориш имкониятини берувчи компьютерлаштирилган хоналарда махсус ўқув-машғулотларини ташкил этишни йўлга қўйиш;

е) олтинчидан:

хуудий тиббиёт муассасаларига боксчиларни бириктириш;

боксчилар жисмоний ҳолатининг мунтазам мониторингини олиб бориш;

боксчиларга тиббий профилактика ишларини такомиллаштириш; ҳаракатланувчи (мобиль) илмий-тиббиёт лабораторияларини ташкил этиш;

ж) еттинчидан:

«Ўзбек бокси» оммабоп журналинини таъсис этиш;

боксга бағишланган «Икки авлод учрашуви», «Юртимиз ўғлонлари» мавзуларида туркум кўрсатув ва радиоэшиттиришларни ташкил этиш;

спортга бўлган қизиқишни орттириш мақсадида таниқли боксчилар

иштирокида ижтимоий реклама роликларини ишлаб чиқиш ва ёритиб бориш;

спорт журналистларининг бокс ютуқларини таҳлил қилган эфирларини оммавий ахборот воситаларида доимий ёритиб бориш;

машҳур боксчилар иштирокида спорт тадбирларини, давра суҳбатларини ўтказиш, ёшлар ва барча хоҳловчилар учун мастер-класс машғулотлари ва дастхат-сессияларни ташкил этиш;

таниқли боксчилар ҳаёти ҳақида бадиий ва видеофильмлар яратиш;
э) саккизинчидан:

худудлардаги боксчилар тўғрисида маълумотларни тезкор олиш имконини берувчи электрон базани яратиш ва мониторингини олиб бориш;

худудларга бокс бўйича ўқув-методик адабиётларни етказиб беришни йўлга қўйиш;

и) тўққизинчидан:

бокс бўйича миллий терма жамоалари учун халқаро андозаларга мос келадиган ягона ўқув-машғулот базасини ташкил этиш;

спорт базасини замонавий ускуналар, спорт инвентарь ва жиҳозлар билан босқичма-босқич жиҳозлаш;

худудларнинг иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, хорижий компанияларнинг илғор тажрибаси асосида қурилиш материалларидан, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда бокс спорт марказлари лойиҳасини ишлаб чиқиш;

к) ўнинчидан:

худудларда (Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари марказларида) бокс бўйича олий спорт маҳорати мактабларини ташкил этиш. Бунда бокс бўйича олий спорт маҳорати мактабларини:

малакали кадрлар билан таъминлаш;

нуфузини ихтисослаштирилган олимпия захиралари коллежларига тенглаштириш;

қабул қилиш тартибини ишлаб чиқиш;

замон талабларига жавоб берадиган ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқишни назарда тутиш.

Шунингдек, ушбу мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун ҳамда Республикада бокс соҳасининг тизимли ва самарали фаолият олиб бориши учун узлуксиз молиялаштиришни такомиллаштириш.

4-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

Концепция доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали 2025 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда боксни ривожлантиришда қуйидаги натижаларга эришиш кутилмоқда:

боксда эришилган халқаро миқёсидаги етакчилик сақлаб қолинади;

бокс бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизими йўлга қўйилади;

бокс бўйича илмий тадқиқот ва методик ишларни такомиллаштириш орқали юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тизими шакллантирилади;

бокс ривожланмаётган ҳудудларга тренерлар ва тегишли мутахассисларни юбориш (ротация) орқали ҳудудларда боксда иқтидорга эга бўлган ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ишлари самарадорлиги таъминланади;

маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга кенг имконият яратиб бериш натижасида республикада халқаро стандартлар асосида спорт жиҳозлари ва анжомларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади;

ўқув-машғулотлар жараёнига замонавий инновацион технологияларни кенг жорий қилиш орқали сифат кўрсаткичларининг ўсишига эришилади;

спорт тиббиёти бўлимларида ҳудудлардаги боксчиларга кўрсатилаётган тиббий диагностика ва профилактика сифатининг оширилиши миллий терма жамоа захирасини сифатли спортчилар билан тўлдиришга шароит яратилади;

боксни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши орқали аҳоли орасида боксга бўлган қизиқишни янада кучайтириш ва оммавийлик даражаси ортишига эришилади;

ҳудудлардаги боксчилар тўғрисида маълумотлар электрон базасини яратиш орқали улар тўғрисидаги маълумотларни тезкор ва сифатли олиш имкони яратилади;

олий маҳоратли боксчиларни марказлашган ўқув-машғулот йиғинларини самарали ўтказишлари учун бокс спорт базасини ташкил этиш орқали боксчиларнинг тайёргарлик даражасида барқарорлик таъминланади, натижада халқаро майдондаги ўрни сақлаб қолинишига эришилади;

ҳудудларда бокс бўйича олий спорт маҳорати мактабларини ташкил этиш орқали кадрлар захирасини шакллантириш бўйича узлуксиз тизим йўлга қўйилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**223** **Фуқаро авиацияси корхоналарини трансформация қилиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Коронавирус пандемияси шароитида фуқаро авиацияси корхоналарини қўллаб-қувватлаш, соҳада трансформация жараёнларини жадаллаштириш, авиация хизматларини янада диверсификация қилиш, аҳолига уларнинг нарх ва сифат жиҳатидан оммабоплигини таъминлаш мақсадида:

1. 2021-2022 йилларда «Uzbekistan Airways» АЖ ва «Uzbekistan Airports» АЖда трансформация жараёнларини жадаллаштириш бўйича «йўл хариталари» 1 ва 2-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар халқаро аэропортларнинг ижро этувчи органи ваколатларини, истисно тариқасида, шартнома асосида «Uzbekistan Airports» АЖга бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) бир ой муддатда «Uzbekistan Airports» АЖ ва халқаро аэропортларнинг ижро этувчи органлари ўртасида халқаро аэропортларни ҳақ эвазига бошқариш тўғрисидаги шартномаларнинг тузилишини ва ички ҳужжатларга зарур ўзгартиришлар киритилишини таъминласин. Бунда, бошқарувчининг қуйидаги асосий вазифалари назарда тутилсин:

аэропортларни ривожлантириш ягона стратегияси ва корпоратив сиёсатни амалга ошириш, аэропортлар фаолиятига методологик раҳбарлик қилиш;

молиявий оқимларни жамлаш, пул маблағларидан самарали фойдаланиш, таннархни пасайтириш ва соф фойдани тасарруф этиш ҳамда харидларни марказлаштирилган ҳолда амалга ошириш;

халқаро аэропортларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш тартибини (ваколатлар чегараларини) «Uzbekistan Airports» АЖ томонидан белгилаш.

3. Белгилансинки, «Uzbekistan Airports» АЖ ва унинг таркибидаги халқаро аэропортлар 2021 йил 1 майдан 3 йил муддатга юридик шахслардан олинган ер солиғи ва мол-мулк солиғининг белгиланган ставкаси 50 фоизгача камайтирилади.

4. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) ва Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж. Ортиқов) уч ой муддатда «Uzbekistan Airports» АЖ таркибидаги халқаро аэропортлар билан давлат мулки ҳисобланган аэродромлар инфратузилмасидан беғараз фойдаланиш тўғрисида шартномалар туз-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 30 апрелда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

син. Бунда, шартномаларда аэродром инфратузилмасини сақлаш, капитал ва жорий таъмирлаш шартлари назарда тутилсин.

Тасарруф этиш ҳуқуқисиз берилган мол-мулк аэропорт активларидан ажратилган ҳолда, баланسدан ташқари акс эттирилиши ҳамда мол-мулк ва ер солиқлари бўйича солиқ базасига киритилмаслиги, шунингдек, амортизация ажратмалари ҳисобланмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

Аэропортларнинг аэродром комплексларини қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилиши, шунингдек, Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, ушбу ишларга сарфланган «Uzbekistan Airports» АЖнинг маблағлари Давлат бюджети ҳисобидан компенсация қилиниши белгилансин.

5. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) бир ой муддатда «Uzbekistan Airways» АЖга ажратилган 40 млн АҚШ доллари миқдоридаги фойсиз бюджет ссудаси маблағларининг 2022 йил 10 майдан бошлаб қайтарилишини кўзда тутган ҳолда, уни қайтариш муддатини 2024 йил 10 февралга қадар узайтирсин.

6. «Ўзмиллийбанк» АЖ (А.К. Мирсоатов), Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Ш.А. Вафаев) бир ой муддатда «Uzbekistan airways» АЖнинг мос равишда 895 млрд сўм ва 77,73 млн АҚШ долларига тенг бўлган кредитларни қоплаш графикларини, 2021 — 2023 йил учун қарздорлик (асосий қарз ва фойс) тўловларини тўхтатган ҳолда, қайта кўриб чиқсин.

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) қарорнинг мазкур банди талабларидан келиб чиқиб, «Uzbekistan Airways» АЖ томонидан кредит мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва «Ўзмиллийбанк» АЖга берилган давлат кафолатларини қайта расмийлаштирсин.

7. «Uzbekistan Airways» АЖ (И.Р. Махкамов) 3-иловага* мувофиқ ҳаво кемаларини ўрнатилган тартибда очиқ савдолар орқали соҳада бевосита фаолият юритаётган корхоналарга сотиш чораларини кўрсин.

8. Транспорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиянинг аэровокзал, темир йўл ва автобус вокзалларида (кейинги ўринларда — вокзаллар) йўловчи ҳамда ташриф буюрувчилар учун замонавий талаблар асосида кўрсатилаётган хизматлар сифатини тубдан яхшилаш, кириб-чиқишни соддалаштириш, зарур шароитлар яратиш ҳамда вокзаллар ва уларга тегишли ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида, қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

вокзаллар биноларига ташриф буюрувчиларнинг хавфсизлик талабларига риоя қилган ҳолда кириб-чиқишларига рухсат бериш;

вокзаллар ва уларга тегишли ҳудудларда умумий овқатланиш жойларини ташкил этиш, чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этишга рухсат бериш тартибини соддалаштириш;

халқаро аэропортлар ҳудудида барча турдаги йўловчи автотранспорт воситаларига аэропортларнинг эстакадасидан фойдаланишга рухсат бериш;

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

вокзалларнинг асосий текширув пунктларини кириш жойларидаги бирламчи назорат-текширув постлари билан бирлаштириш.

Давлат хавфсизлик хизмати (А.А. Азизов), Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов), Миллий гвардия (Р.М. Джураев), Транспорт вазирлиги (И.Р. Махкамов):

уч ой муддатда мутасадди идоралар вакилларида иборат таркибда Республика комиссиясини тузган ҳолда, вокзаллар бинолари ва уларга тегишли ҳудудларда хавфсизликни таъминлаш тартибларини илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

вокзаллар бинолари ва уларга тегишли ҳудудларда хавфсизликни таъминлашнинг замонавий техник назорат воситалари (транспорт ва шахсни аниқлаш воситалари) ва усуллари билан тўлиқ таъминлаб бориш чораларини кўрсин.

Давлат хавфсизлик хизмати (А.А. Азизов), Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов), Давлат божхона қўмитаси (М.Б. Азимов) Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) билан биргаликда халқаро аэропортларда реконструкция қилиш ҳисобига авиация хавфсизлиги хизмати, чегара, божхона ва бошқа қўриқланувчи ҳудудлардаги ўзгаришларни инобатга олиб, талаб этиладиган штат бирликларига ўрнатилган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиб борсин.

9. «Uzbekistan Airways» АЖ (И.Р. Махкамов) Давлат божхона қўмитаси (М.Б. Азимов) ва манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда уч ой муддатда Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Учувчилар шаҳарчасида жойлашган «Uzbekistan Airways Technics» МЧЖ ҳудудида (майdonи 39 га) эркин божхона зонасини ташкил этсин.

Белгилаб қўйилсинки, эркин божхона зонасида:

халқаро ҳуқуқий ва техник меъёрларга мувофиқ барча хорижий ҳаво кемалари ва уларнинг алоҳида агрегатларини таъмирлаш учун зарур бўлган авиатехника эҳтиёт қисмлари эркин алмаштирилади;

махаллий авиакомпанияларнинг ҳаво кемаларини ҳамда уларнинг қисм ва агрегатларини таъмирлашга зарур бўлган авиатехника эҳтиёт қисмлари эркин божхона зонаси чегарасидан чиқмаган ҳолда харид қилиниб, «эркин муомалага чиқариш» божхона режимига расмийлаштирилган ҳолда фойдаланилади;

ушбу божхона зонасига четдан келтириладиган авиатехника эҳтиёт қисмлари «эркин божхона зонаси» божхона режимига расмийлаштириш орқали жойлаштирилади ҳамда истисно тариқасида, сертификатлар ва рұхсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар талаб этилмайди;

таъмирлаш мақсадида эркин божхона зонасига олиб кириладиган ҳаво кемаларининг (шу жумладан, уларнинг қисм ва агрегатлари) кириб-чиқишида божхона назорати уларни тегишли божхона режимларига расмийлаштирмаган ҳолда амалга оширилади.

Транспорт вазирлиги (И.Р. Махкамов), Давлат божхона қўмитаси (М.Б. Азимов), Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д. Кудбиев), Марказий банк

(М.Б. Нурмуратов) билан биргаликда уч ой муддатда эркин божхона зонаси ҳудудига товарларни олиб кириш, олиб чиқиш, ҳаво кемаларини таъмирлашда фойдаланиш, уларни тегишли режимларга расмийлаштириш, ушбу товарлар ва хизматлар учун валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Транспорт вазирлигининг Франция Фуқаро авиацияси миллий мактаби (ENAC) билан биргаликда Тошкент давлат транспорт университети таркибига Фуқаро авиацияси учувчиларини тайёрлаш мактабини (кейинги ўринларда — Мактаб) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Мактабда таълим фаолияти 2021/2022 ўқув йилидан бошланади ҳамда дастлаб қўшма таълим дастурлари (double degree) асосида «Ҳаво кемаларининг парвоз эксплуатацияси» бакалавр таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ташкил этилади;

Мактабда талабалар ўқиши учун тўлов-контракт миқдори Франциянинг Фуқаро авиацияси миллий мактаби билан келишилган ҳолда Тошкент давлат транспорт университети томонидан белгиланади;

Мактаб битирувчиларига Франциянинг Фуқаро авиацияси миллий мактабининг белгиланган намунадаги дипломи берилади ва у Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этилади.

11. «Uzbekistan Airports» АЖ ва унинг таркибига кирувчи аэропортлар:

ўз эҳтиёжлари учун махсус технологик ускуналар, махсус транспорт ва ахборот-коммуникация маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги импорт контрактларини «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда комплекс экспертизадан ўтказган ҳамда контракт тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни махсус ахборот порталига жойлаштирган ҳолда, ишлаб чиқарувчиларнинг энг яхши таклифларини танлаб олиш йўли билан тўғридан-тўғри тузишга;

фуқаро авиацияси объектларида иш тажрибасига эга бўлган маҳаллий ва хорижий лойиҳа ташкилотлари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида «Uzbekistan Airports» АЖ таркибидаги халқаро аэропортлар ва «Ўзаэронавигация маркази» ДУК томонидан чет эл авиакомпанияларига хизмат кўрсатиш (экспорт) билан боғлиқ операцияларни, нархларни хорижий валютада белгилаган ҳолда, шунингдек, ташқи савдо шартномалар тузмасдан ва улар бўйича маълумотларни Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритмасдан амалга оширилишига рухсат берилсин.

13. Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д. Кудбиев) ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг (А.Ж. Ортиқов) Давлат солиқ қўмитасининг Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 79-уйда жойлашган бино ва

иншоотларини «Uzbekistan Airport» АЖ ва унинг таркибидаги ташкилотлар текин фойдаланиши учун «Uzbekistan Airport» АЖга бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д. Кудбиев) ушбу бандда кўрсатилган бино ва иншоотларни икки ҳафта муддатда «Uzbekistan Airport» АЖга тасарруф этиш ҳуқуқисиз текинга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш учун берилишини таъминласин.

14. Транспорт вазирлиги (И.Р. Махкамов):

«Uzbekistan Airports» АЖ (Р.Ф. Джураева), Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.М. Холхўжаев) билан биргаликда икки ой муддатда 2030 йилгача мўлжалланган аэродром комплексларини ривожлантириш дастурини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов, транспорт вазири И.Р. Махкамов ва молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар ой муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 апрель,
ПҚ-5100-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**224 Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарида тадбиркорларнинг тўлиқ ва узлуксиз фаолият олиб боришини таъминлаш, улар учун зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яратиш, хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

2021-2022 йилларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тадбирлари параметрлари I-иловага** мувофиқ;

2021 йилда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг манзилли рўйхатлари (кейинги ўринларда — манзилли рўйхатлар) 2 ва 2а-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қўйидагилар махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларининг ташқи инфратузилмасини қуриш-таъмирлаш ишлари бўйича:

ичимлик суви ва оқова сув тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича — «Сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси» унитар корхонаси;

автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича — Автомобиль йўллари қўмитаси ҳузуридаги «Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» давлат унитар корхонаси;

электр энергияси билан таъминлаш ишлари бўйича — «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖнинг худудий филиаллари;

табiiй газ етказиб бериш ишлари бўйича — «Худудгазтаъминот» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖнинг худудий филиаллари;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 майда эълон қилинган.

** 1 — 2а-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳаларнинг муҳандислик-коммуникация тармоқларини куриш (таъмирлаш) ишлари бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари буюртмачи этиб белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

манзилли рўйхатларга ажратилган маблағлар доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қўшимча лойиҳалар (объектлар)ни киритиш, шунингдек, тегишли лойиҳаларни чиқариб ташлаш бўйича ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияларининг 2020 йилда тугалланмаган ва йилдан йилга ўтувчи кичик саноат зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш ишлари ва кредитор қарздорликларни қоплаш бўйича буюртмачи функцияси сақланиб қолинади;

манзилли рўйхатларда назарда тутилмаган лойиҳалар (объектлар) ҳамда манзилли рўйхатларга киритилиб, лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан маблағлар етишмаган лойиҳалар бўйича уларни куриш-таъмирлаш билан боғлиқ қўшимча харажатлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорларига асосан тегишлилик бўйича Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 декабрдаги «Худудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4929-сон қарорига мувофиқ бюджет ссудаси маблағлари республика бюджети маблағлари ҳисобидан 5 фоиз ставкада уч йил муддатда қайтариш шарти билан ажратилиши кўзда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Молия вазирлиги 2021 йилда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларининг ташқи электр ва табиий газ тармоқларини тортиш ишлари учун Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш мақсадида жалб қилинган халқаро молия институтларининг қарз маблағлари ҳисобидан «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Худудгазтаъминот» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖларнинг талабномаларига мувофиқ 600 млрд сўмгача бюджет ссудаси ажратилишини таъминласин.

Бунда, ажратилган бюджет ссудаси ҳамда халқаро молия институтларига сўндириладиган қарз маблағларининг фоиз тўловлари ўртасидаги салбий фарқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

5. Молия вазирлиги марказий аппаратида унинг бошқарув ходимлари чекланган сони доирасида 3 та штат бирлигидан иборат Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда йирик хорижий ва маҳаллий инвестиция лойиҳаларининг инфратузилмасини молиялаштириш бўлими ташкил этилсин.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар 2022 йилда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун 150,0 млн АҚШ доллари эквивалентидаги маблағларнинг халқаро молия институтлари ҳисобидан жалб этилишини таъминласин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги икки ҳафта муддатда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда манзилли рўйхатларда назарда тутилаётган янгидан ташкил этилиши режалаштирилаётган кичик саноат зоналарини қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштириш чораларини кўрсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар махсус иқтисодий зоналари маъмурий кенгашларига қўйидаги тадбирларни мувофиқлаштириш вазифаси юклатилсин:

таъминотчи ва буюртмачи корхоналар томонидан махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларига ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яратиш учун марказлашган тармоқларга уланишда энг яқин (марказлашган тармоқлар) ҳудудни танлаш;

ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яратиш билан боғлиқ тадбирларга зарур маблағлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши ва экспертизадан ўтказилишини назорат қилиш;

ҳар ой якуни билан талаб этиладиган маблағларнинг манбалари ва миқдорини ҳисоб-китоб қилган ҳолда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлашга Давлат бюджетидан маблағлар ажратилишининг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш бўйича махсус комиссияга (Т. Ишметов) (кейинги ўринларда — Махсус комиссия) аниқ асосланган маълумотларни тақдим этиб бориш;

келгусида махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳалари билан бир қаторда аҳоли пунктларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш даражасини ҳам инобатга олиш.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш харажатлари Қорақалпоғистон Республикаси бюд-

жети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланишини таъминласин.

10. Қурилиш вазирлиги объектларда қурилиш, реконструкция ишларини амалга оширишда лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан давлат назоратини ўрнатсин.

11. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг мурожаатига асосан белгиланган тартибда зарур алоқа хизматлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

12. Махсус комиссия (Т. Ишметов) ҳар чоракда мавжуд ва янгидан ташкил этиладиган махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминланиши бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот киритсин.

13. Вазирлар Маҳкамаси ҳар чоракда ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирлар бўйича амалга оширилган ишларни Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида танқидий муҳокама қилсин ҳамда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига нисбатан тегишли чораларни кўрсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва С.У. Умурзаков зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 апрель,
ПҚ-5101-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

225 Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги фуқароларга нафақа тайинлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида*

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш соҳасидаги фаолиятга ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги фуқароларга нафақа тайинлашни давлат хизматлари марказлари ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали амалга ошириш тартиби жорий этилсин.

2. Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги фуқароларга нафақа тайинлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2021 йил 1 августдан бошлаб амалга киритилсин.

3. 2021 йил 1 июлга қадар:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан биргаликда 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар ва одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касалликка (ОИВ инфекциясига) чалинган 18 ёшгача бўлган шахсларнинг маълумотлар базасини яратсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ахборот тизимининг ЯИДХП, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «ФХДЁ электрон архиви» ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 29 апрелда эълон қилинган.

вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда 2021 йил 1 августдан:

ушбу қарорга мувофиқ давлат хизматлари ЯИДХП орқали жорий этилишини таъминласин;

ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида муурожаатлар кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ушбу қарорда белгиланган вазирликлар ва идоралар томонидан давлат хизматлари кўрсатилишининг белгиланган тартиби бажарилиши борасидаги фаолияти устидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат хизматлари марказларининг ходимлари иштирокида нафақа тайинлаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг самарадорлиги ва натижадорлиги даражасини оширишга йўналтирилган ўқув семинарлари ташкил этилиши ҳамда ўтказилишини таъминласин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида» 2011 йил 7 апрелдаги 107-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 4-сон, 27-модда) 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 28 апрель,
248-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 28 апрелдаги 248-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги фуқароларга нафақа тайинлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги фуқароларга (кейинги ўринларда — мурожаат қилувчи) нафақа тайинлаш бўйича давлат хизматлари (кейинги ўринларда — давлат хизматлари) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги фуқаролар қуйидагилар ҳисобланади:

ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар, одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касалликка (ОИВ инфекциясига) чалинган 18 ёшгача бўлган шахслар ҳамда 18 ёшдан катта болалиқдан ногиронлиги бўлган шахслар;

давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган шахслар;

болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналар;

ёшидан қатъи назар иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар;

давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахснинг қарамоғида бўлган оиланинг меҳнатга лаёқатли бўлмаган аъзолари.

3. Давлат хизматлари давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (кейинги ўринларда — ваколатли орган) томонидан кўрсатилади ва нафақа пули нафақа етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилот томонидан тўланади.

4. Нафақалар тайинлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ушбу Регламентга 1 — 5-иловаларга* мувофиқ схемалар бўйича амалга оширилади.

5. Давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

2-боб. Давлат хизмати кўрсатиш тартиби

6. Мурожаат қилувчи давлат хизматларидан фойдаланиш учун давлат хизматлари марказларига ўзи (яқин қариндошлари, ишончли вакили ҳамда васий ёки ҳомий) келиб ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтган ҳолда мурожаат қилади.

* 1 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Мурожаат қилувчи ўзи (яқин қариндошлари, ишончли вакили ҳамда васий ёки ҳомий) келиб мурожаат қилган тақдирда, давлат хизматлари маркази ходими мурожаат қилувчининг номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда мустақил равишда ушбу Регламентга 6-иловага* мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон тарзда тўлдиради.

8. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг мурожаат қилувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани тасдиқлайди.

Мурожаат қилувчи ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда, сўровномани тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

9. Мурожаат қилувчилар томонидан сўровномада нотўғри маълумотларнинг кўрсатилиши ёки уни тасдиқлашнинг рад этилиши давлат хизматлари кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

10. Мурожаат қилувчилар давлат хизматлардан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Мурожаат қилувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда унинг сўровномаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади.

11. Мурожаат қилувчи Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этган тақдирда, унинг сўровномаси Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, мурожаат қилувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг 5 дақиқа мобайнида, ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда автоматик тарзда ваколатли органга электрон шаклда юборилади.

12. Ваколатли орган сўровнома олинганидан сўнг 5 дақиқа мобайнида нафақа тайинлаш учун мурожаат қилган шахннинг фарзандлари, оиланинг меҳнатга лаёқатли бўлмаган аъзолари, шу жумладан, вафот этган оила аъзоси тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш учун Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг ҳамда ногиронлиги мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳамда болалиқдан ногиронлиги бор (бўлган) фарзандлари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахборот тизимлари орқали ўрганади.

13. Мурожаат қилган шахннинг маълумотлари ўрганилганидан сўнг ваколатли орган томонидан 5 дақиқа мобайнида нафақа тайинлаш ёки уни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади ҳамда бу ҳақидаги маълумот тегишли Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХПга электрон тарзда юборилади. Нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда маълумотда рад этиш сабаблари кўрсатилади.

14. Давлат хизматлари маркази маълумот олинганидан сўнг 5 дақиқа мобайнида:

нафақа тайинланган тақдирда нафақани қачон ва қердан олиш тўғрисида мурожаат қилувчини хабардор қилади;

нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда рад этиш сабаблари тўғрисида мурожаат қилувчини хабардор қилади.

* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3-боб. Якунловчи қоидалар

15. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

17. Мурожаат қилувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

18. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 28 апрелдаги 248-сон қарорига
2-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида» 2011 йил 7 апрелдаги 107-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Қуйидагилар:

Ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар, одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касалликка (ОИВ инфекциясига) чалинган 18 ёшгача бўлган шахслар ҳамда 18 ёшдан катта болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган шахсларга, ёшидан қатъи назар иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ҳамда болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом мувофиқ тасдиқлансин.»

2. 1-иловада:

а) илованинг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар, одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касалликка (ОИВ инфекциясига) чалинган 18 ёшгача бўлган шахслар ҳамда 18 ёшдан катта болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ»;

б) 1 ва 2-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ушбу Низом ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар, одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касалликка (кейинги ўринларда — ОИВ инфекцияси) чалинган 18 ёшгача бўлган шахслар ҳамда 18 ёшдан катта болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга ҳар ойлик нафақалар (кейинги ўринларда — нафақа) тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

Нафақа Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга берилади.

2. Нафақа олиш ҳуқуқига тиббий хулоса мавжуд бўлган тақдирда ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар (кейинги ўринларда — ногиронлиги бўлган бола), касалликнинг босқичидан қатъи назар ОИВ инфекциясига чалинган 18 ёшгача бўлган шахслар, шунингдек, тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари (кейинги ўринларда — ТИЭК) томонидан болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган деб эътироф этилган 18 ёшдан катта шахслар (кейинги ўринларда — 18 ёшдан катта болаликдан ногиронлиги бўлган шахс) эгадирлар.»;

в) 4 ва 5-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Нафақа қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда тайинланади. Бунда ОИВ инфекциясига чалинган 18 ёшгача бўлган шахсларга нафақа қонун ҳужжатларида ногиронлиги бўлган болалар учун белгиланган миқдорда тайинланади..

Нафақани тайинлаш давлат хизматлари марказларига мурожаат қилиш ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда — ЯИДХП) рўйхатдан ўтиш орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари (кейинги ўринларда — Пенсия жамғармаси бўлими) томонидан амалга оширилади ҳамда нафақани етказиб бериш (топшириш) ваколоти юкланган ташкилот ёки нафақа олувчининг хоҳишига кўра пул маблағлари фуқароларнинг депозит ҳисобварақларига пул ўтказиш йўли билан тижорат банкининг филиали орқали тўланади.

5. Нафақа тайинлаш тўғрисидаги мурожаат (кейинги ўринларда — мурожаат):

ОИВ инфекциясига чалинган шахс ва 18 ёшдан катта болаликдан ногиронлиги бўлган шахс томонидан;

ОИВ инфекциясига чалинган шахснинг ва муомалага лаёқатсиз деб

этироф этилган 18 ёшдан катта болалиқдан ногиронлиги бўлган шахснинг ота-онаси, фарзандликка олувчиси, васийси ёки ҳомийси томонидан;

ногиронлиги бўлган боланинг, шунингдек ОИВ инфекциясига чалинган 18 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси, фарзандликка олувчиси, оилага тарбияга олган (патронат) тутинган ота-онаси (кейинги ўринларда — тутинган ота-она), васийси ёки ҳомийси томонидан давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилади.»;

г) қуйидаги мазмундаги 5¹-банд қўшилсин:

«5¹. Манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нафақа тайинлаш тўғрисидаги мурожаат манзил-колония маъмурияти томонидан бевосита манзил-колония жойлашган ердаги Давлат хизматлари марказига берилади»;

д) 6 — 8-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

е) 9 — 11-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. Нафақа тайинлашни сўраб ногиронлик белгиланган ёки касалликнинг босқичидан қатъи назар ОИВ инфекциясига чалинганлиги тўғрисидаги тиббий хулоса берилган кундан бошлаб олтмиш кун ичида мурожаат этилган бўлса, нафақа ногиронлик белгиланган ёки ОИВ инфекциясига чалинганлиги тўғрисидаги тиббий хулоса берилган кундан эътиборан тайинланади.

Қолган барча ҳолатларда нафақа мурожаат қилинган кундан бошлаб тайинланади.

18 ёшдан катта болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсга нафақа ногиронликнинг бутун даврига тайинланади. Ногиронлиги бўлган болага нафақа тиббий хулоса берилган муддатга тайинланади.

ОИВ инфекциясига чалинган шахсга нафақа у 18 ёшга тўлгунгача бўлган муддатга тайинланади.

Нафақа ТИЭКнинг маълумотида кўрсатилган ногиронлик муддати белгиланган сўнгги ой учун, давлат тиббиёт муассасасининг хулосасида кўрсатилган ногиронлик муддати белгиланган сўнгги ой учун ҳамда ОИВ инфекциясига чалинган шахсга у 18 ёшга тўлган ой учун тўлиқ миқдорда тўланади.

10. Нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда, Пенсия жамғармаси бўлими рад этиш сабаблари кўрсатилган маълумотни тегишли Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХПга электрон тарзда юборади.

11. Нафақа тайинлаш ёки нафақа тайинлаш рад этилиши тўғрисидаги қарор юзасидан мурожаат қилувчи томонидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга шикоят қилиниши мумкин»;

ж) 12-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Нафақа тайинлаш учун Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилинганида маълумотлар «Пенсия» ахборот тизимида сақланади.»;

з) 13-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«13. Нафақа Пенсия жамғармаси бўлими томонидан ногиронлиги бўлган боланинг, ОИВ инфекциясига чалинган 18 ёшгача бўлган шахснинг ва

18 ёшдан катта болаликдан ногиронлиги бўлган шахснинг ёки уларнинг ота-онаси, фарзандликка олувчиси, тутинган ота-онаси, васийси ёки ҳомийсининг хоҳишига кўра доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тўланади.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нафақа яшаш гувоҳнома (ID-картаси) амал қиладиган муддат давомида тўланади.

Нафақа олувчининг доимий яшаш ёки вақтинчалик турган жойи мавжуд бўлмаса ёхуд яшаш учун рухсатноманинг кейинги санаси ўртасида узилиш мавжуд бўлган тақдирда, Пенсия жамғармаси бўлими томонидан нафақани тўлаш доимий яшаш, вақтинчалик турган жойи бўйича рўйхатга олишнинг ёки яшаш учун рухсатноманинг янги санасидан бошлаб давом эттирилади.

Бунда нафақани тўлаш нафақа тўлаш тўхтатилган пайтдан, бироқ ўн икки ойдан ортиқ бўлмаган пайтдан бошлаб давом эттирилади;

и) 15 ва 16-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«15. Қайта тиббий текширишдан ўтказиш муддати ўтказиб юборилганда нафақаларни тўлаш «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 55-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Нафақалар ногиронлик муддати белгиланган сўнги ой учун, ОИВ инфекциясига чалинган шахсга эса у 18 ёшга тўлган ой учун тўлиқ миқдорда тўланади.

Нафақа олувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида доимий яшаш учун бошқа туман (шаҳар)га кўчганда нафақани тўлаш янги яшаш жойи бўйича тегишли Пенсия жамғармаси бўлими томонидан давом эттирилади. Бундай ҳолда нафақа тўлаш илгариги яшаш жойи бўйича нафақа тўлаш тўхтатилган вақтдан бошлаб давом эттирилади. Нафақа олувчиларни ҳисобдан чиқариш ва янги яшаш жойида ҳисобга олиш тартиби, шунингдек, уларнинг йиғма жилдларини жўнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

18 ёшдан катта болаликдан ногиронлиги бўлган шахс, ногиронлиги бўлган бола ёхуд ОИВ инфекциясига чалинган 18 ёшга тўлмаган шахс доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига чиқиб кетганда нафақа тўлаш тўхтатилади;

Нафақа тўлашнинг тўхтатилиши ёки қайта тикланишига олиб келадиган бошқа ҳолатлар (нафақа тайинланган шахслар тўлиқ давлат таъминотига ўтказилганда ёки «Меҳрибонлик», «Саховат», «Мурувват» уйларига ва шу қабиларга юборилганлиги ёки ундан қайтиб келганлиги сабабли тўлиқ давлат таъминотидан чиқарилганда, ногиронлиги бўлган болани тарбиялаш учун оилага қабул қилиш тўғрисидаги битим бекор қилинганда) пайдо бўлганда нафақа тўлаш тегишли ҳолатлар пайдо бўлган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб тўхтатилади ёки тикланади.

16 ёшдан катта болаликдан ногиронлиги бўлган шахс, ногиронлиги бўлган бола ёхуд ОИВ инфекциясига чалинган 18 ёшга тўлмаган шахс

доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига чиқиб кетганда нафақа тўлаш тўхтатилади;

Нафақа тўлашнинг тўхтатилиши ёки қайта тикланишига олиб келадиган бошқа ҳолатлар (нафақа тайинланган шахслар тўлиқ давлат таъминотига ўтказилганда ёки «Меҳрибонлик», «Саховат», «Мурувват» уйларига ва шу кабиларга юборилганлиги ёки ундан қайтиб келганлиги сабабли тўлиқ давлат таъминотидан чиқарилганда, ногиронлиги бўлган болани тарбиялаш учун оилага қабул қилиш тўғрисидаги битим бекор қилинганда) пайдо бўлганда нафақа тўлаш тегишли ҳолатлар пайдо бўлган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб тўхтатилади ёки тикланади.

16. 18 ёшдан катта болалиқдан ногиронлиги бўлган шахс, ногиронлиги бўлган бола ёки ОИВ инфекциясига чалинган 18 ёшга тўлмаган шахс озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган тақдирда, тайинланган нафақани тўлаш тўхтатилади ва жазони ўташдан озод этилгандан кейин тикланади (манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар бундан мустасно).»;

к) 18 ва 19-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. ОИВ инфекциясига чалинган шахсга ва 18 ёшдан катта болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсга тайинланган нафақа унга унинг ҳақ тўланадиган ишни бажаришидан ёки бошқа турдаги даромадлар (стипендиялар, алиментлар ва шу кабилар) олишидан қатъи назар тўланади.

Ногиронлиги бўлган болага, шунингдек, ОИВ инфекциясига чалинган 18 ёшга тўлмаган болага тайинланган нафақа унга бошқа пенсиялар ва нафақалар, шу жумладан, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақаси олишидан қатъи назар тўланади.

Ҳар хил нафақаларнинг турларини олиш ҳуқуқига эга бўлган ОИВ инфекциясига чалинган 18 ёшдан катта шахсга ва 18 ёшдан катта болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсга унинг танлаши бўйича нафақанинг бир тури тайинланади.

Нафақага ёки «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат пенсиясининг турларидан бирига ҳуқуқи бўлган ОИВ инфекциясига чалинган 18 ёшдан катта шахсга ва 18 ёшдан катта болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсга унинг ўзи танлаган нафақа ёки давлат пенсиясининг турларидан бири тайинланади.

19. Тайинланган нафақа 18 ёшдан катта болалиқдан ногиронлиги бўлган шахс, ногиронлиги бўлган бола ёхуд ОИВ инфекциясига чалинган 18 ёшга тўлмаган шахс тўлиқ давлат таъминотида бўлган давр учун тўланмайди.»;

л) 21-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«21. Ногиронлиги бўлган болага, ОИВ инфекциясига чалинган 18 ёшга тўлмаган шахсга ёки 18 ёшдан катта болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсга тегишли бўлган ва унинг вафот этиши сабабли олинмай қолган нафақа суммаси мерос таркибига киритилмайди ва унинг ота-онасига, эрига (хотинига), шунингдек, ногиронлиги бўлган бола, ОИВ инфекциясига чалинган 18 ёшга тўлмаган шахс ёки 18 ёшдан катта болалиқдан ногиронлиги бўлган шахс билан у вафот этган кунда бирга яшайдиган оила аъзоларига тўланади.

Ногиронлиги бўлган бола, ОИВ инфекциясига чалинган 18 ёшга тўлмаган шахс ёки 18 ёшдан катта болаликдан ногиронлиги бўлган шахс вафот этган ой учун тўлиқ олинмай қолинган нафақа суммаси юқорида кўрсатиб ўтилган шахсларга вафот этган ой учун тўлиқ миқдорда тўланади.

Бир неча шахс мурожаат қилишганда уларга тегишли нафақа суммаси улар ўртасида тенг миқдорда таксимланади.

Кўрсатиб ўтилган сумма, уни олиш учун ногиронлиги бўлган бола, ОИВ инфекциясига чалинган 18 ёшга тўлмаган шахс ёки 18 ёшдан катта ногиронлиги болаликдан бўлган шахс вафотидан кейин 6 ойдан кечикмай мурожаат қилинган тақдирда тўланади.

Ногиронлиги бўлган бола, 18 ёшдан катта болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларнинг олинмай қолган нафақа суммаси ногиронлик белгиланган муддатдан ошмаган давр учун, ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга 18 ёшдан ошмаган давр учун тўланади.»;

м) 23-банддаги «ногиронга» сўзи «болаликдан ногиронлиги бўлган шахсга» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 2-иловада:

а) илованинг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Давлат пенсияси тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган шахсларга, ёшидан қатъи назар, иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ҳамда болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом»;

б) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ушбу Низом «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган шахсларга, ёшидан қатъи назар иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга (кейинги ўринларда — меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар) ва болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга ҳар ойлик нафақалар (кейинги ўринларда — нафақа) тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди»;

в) 2-банднинг учинчи хатбошисидаги «болаликдан ногиронлардан» сўзлари «болаликдан ногиронлиги бўлган шахслардан» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Нафақа қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда тайинланади. Нафақаларни тайинлаш давлат хизматлари марказларига мурожаат қилиш ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда — ЯИДХП) рўйхатдан ўтиш орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари (кейинги ўринларда — Пенсия жамғармаси бўлими) томонидан амалга оширилади ҳамда нафақани етказиб бериш (топшириш) ваколати юкланган ташкилот ёки нафақа олувчининг хоҳишига кўра

пул маблағлари фуқароларнинг депозит ҳисобварақларига пул ўтказиш йўли билан тижорат банкининг филиали орқали тўланади.»;

д) 7, 10 — 13 ва 18 — 20-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

е) 8-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга ёшга доир нафақа фарзанди ногиронлиги бўлган деб эътироф этилганлиги тўғрисида давлат тиббиёт муассасасининг тиббий хулосаси ёки Тиббий — ижтимоий эксперт комиссиясининг (кейинги ўринларда — ТИЭК) ногиронлик тўғрисидаги маълумотномаси билан тасдиқланган тақдирда тайинланади. Бунда нафақа миқдори пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган шахслар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларнинг нафақаси миқдорида белгиланади.»;

ж) 17-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«17. Нафақа давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилинганида Пенсия жамғармасининг бўлими томонидан тайинланади.»;

з) қўйидаги мазмундаги 17¹-банд қўшилсин:

«17¹. Манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нафақа тайинлаш тўғрисида манзил-колония маъмурияти томонидан бевосита манзил-колония жойлашган ердаги Давлат хизматлари марказига мурожаат қилинади.»;

и) 21 — 23-бандлар қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«21. Ёшга доир нафақа тайинлашни сўраб ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ёшга тўлгандан сўнг олтмиш кун ичида;

ногиронлик нафақасини тайинлашни сўраб ногиронлик гуруҳи белгиланганидан сўнг олтмиш кун ичида;

боқувчисини йўқотганлик нафақасини тайинлашни сўраб нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс вафот этган кундан бошлаб олти ой ичида мурожаат этилган бўлса, нафақа уни олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан эътиборан тайинланади.

Қолган барча ҳолатларда нафақа мурожаат қилинган кундан бошлаб тайинланади.

22. Нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда Пенсия жамғармаси бўлими рад этиш сабаблари кўрсатилган маълумотни тегишли Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХПга электрон тарзда юборди.

23. Нафақа тайинлаш ёки нафақа тайинлаш рад этилиши тўғрисидаги қарор юзасидан мурожаат қилувчи томонидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга шикоят қилиниши мумкин.»;

к) 24-бандга қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Нафақа тайинлаш учун Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилинганида маълумотлар «Пенсия» ахборот тизимида сақланади.»;

л) 25-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«25. Нафақаларни тўлаш ҳар ойда, Пенсия жамғармаси бўлимилари

томонидан белгиланган муддатларда, бироқ жорий тўлов ойдан кечикмай амалга оширилади.

Нафақалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончнома бўйича тўланиши мумкин.

Нафақалар ногиронлик муддати белгиланган сўнги ой учун, меҳнатга лаёқатли бўлмаган оила аъзосининг 18 ёшга тўлган ой учун тўлиқ миқдорда тўланади.

Нафақа нафақа олувчининг хошишига кўра доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тўланади. Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нафақа яшаш гувоҳномаси (ID-картаси) амал қиладиган муддат давомида тўланади

Доимий яшаш ёки вақтинчалик турган жойи мавжуд бўлмаса ёхуд яшаш учун рухсатноманинг кейинги санаси ўртасида узилиш мавжуд бўлган тақдирда, Пенсия жамғармаси бўлими томонидан нафақани тўлаш доимий яшаш, вақтинчалик турган жойи бўйича рўйхатга олишнинг ёки яшаш учун рухсатноманинг янги санасидан бошлаб давом эттирилади.

Бунда нафақани тўлаш нафақа тўлаш тўхтатилган пайтдан, бироқ ўн икки ойдан ортиқ бўлмаган пайтдан бошлаб давом эттирилади.»;

м) 26-банднинг иккинчи хатбошисидан «нафақа олувчининг шахсий ҳужжатлар йиғмажилди олингандан кейин шу туман (шаҳар)да» сўзлари чиқариб ташлансин;

н) 27-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«27. Нафақа олувчи озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилган тақдирда тайинланган нафақани тўлаш тўхтатилади ва жазодан озод этилгандан кейин тикланади (манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар бундан мустасно)»;

о) 31-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Нафақа олувчи вафот этган ой учун тўлиқ олинмай қолган нафақа миқдори юқорида кўрсатиб ўтилган шахсларга вафот этган ой учун тўлиқ миқдорда тўланади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**226 Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Сўнги йилларда мамлакатимизда аҳоли, шу жумладан, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир, ишсиз ва касб-хунарга эга бўлмаган, ҳуқуқий ва маънавий-психологик қўллаб-қувватлашга зарурати бўлган фуқароларга давлат томонидан манзилли кўмаклашиш бўйича мутлақо янгича тизим жорий қилинди.

Хусусан, коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирини юмшатиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва кўмакка муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу йўналишда манзилли, ҳар бир шахс билан индивидуал ва тизимли равишда мунтазам иш олиб боришни ташкил қилиш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар бўйича мутлақо янги — «Темир дафтар», ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб-хунар ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган хотин-қизлар ва ёшлар бўйича тегишлича «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» тизимлари ҳаётга татбиқ этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарликларида 2021 йил 26 февралда хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда давлат органларининг масъулиятини ошириш масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгайтирилган видеоселектор йиғилишида аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг ҳаёт ва турмуш шароитидаги муаммоларини аниқлаш, яқка тартибда ишлаш орқали уларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш, шунингдек, аниқланган муаммоларни комплекс ва манзилли ҳал қилиш, мутасаддиларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятини баҳолаш тартибини белгилаш юзасидан берилган топшириқлар ижросини сўзсиз таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллабай» ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 19 мартдаги 152-сон қарори билан «маҳаллабай» ишлаш тизими жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, сек-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 29 апрелда эълон қилинган.

торлар раҳбарлари ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оилалар муаммолари бўйича «Темир дафтар»га, ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир, ишсиз ва касб-ҳунарга эга бўлмаган, ҳуқуқий ва маънавий-психологик қўллаб-қувватлашга зарурати бўлган хотин-қизлар ва ёшлар бўйича тегишлича «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларни камбағалликдан чиқариш ва уларнинг фаровонлигини ошириш учун шахсан масъул этиб белгилансин.

3. Қуйидагилар:

«Темир дафтар»ни юритиш орқали ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оилалар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартиб 1-иловага мувофиқ;

«Аёллар дафтари»ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартиб 2-иловага мувофиқ;

«Ёшлар дафтари»ни юритиш орқали ёшлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартиб 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ушбу қарорга 1, 2, 3-иловаларда назарда тутилган тадбирларни амалга оширишда қуйидаги асосий йўналишларга алоҳида эътибор қаратсин:

а) «Темир дафтар»га киритилган фуқаролар бўйича:

бандликни таъминлаш;

томорқадан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш;

тадбиркорликка жалб қилиш;

моддий ёрдам ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш;

б) «Аёллар дафтари»га киритилган фуқаролар бўйича:

бандликни таъминлаш;

томорқадан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш;

тадбиркорликка жалб қилиш;

моддий ёрдам кўрсатиш;

турар жой ижараси учун компенсация тўлаш;

тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш;

в) «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқаролар бўйича:

касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш;

бандликни таъминлаш;

тадбиркорликка жалб қилиш;

хорижда хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини ташкил этиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларининг мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида йиллик ўқиш харажатларини тўлаб бериш;

тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банклари, тегишли вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

«Темир дафтар»ни юритиш ҳамда унга киритиладиган ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оилалар билан ишлаш бўйича тартибни, ҳисобот бериш ва маълумотларни тақдим қилиш шаклини амалиётга жорий этиш чораларини кўрсин;

жамиятда ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оилалар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка чуқур тушунтириш чораларини кўрсин, шунингдек, «Темир дафтар» билан ишлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

«Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»ни юритиш ҳамда уларга киритиладиган ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш бўйича тартибни, ҳисобот бериш ва маълумотларни тақдим қилиш шаклини амалиётга жорий этиш чораларини кўрсин;

жамиятда хотин-қизлар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка, ёшлар ва аёлларга тушунтириш, шунингдек, «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» билан ишлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 5 мартдаги ПҚ-5020-сон қарорига мувофиқ:

а) Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши томонидан:

турар жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирлар белгиланиши;

худудий хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашлари, маҳаллалардаги «Аёллар маслаҳат кенгашлари» фаолияти мувофиқлаштирилиши, уларнинг дав-

лат ва жамоат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш, уларга услубий-амалий кўмаклашиш;

«Аёллар дафтари» билан манзилли ишлаш, мутасадди ташкилотлар, секторлар томонидан хотин-қизларнинг муаммолари ўз вақтида бартараф этилиши юзасидан жамоатчилик назорати амалга оширилиши;

б) Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси томонидан:

«Аёллар дафтари»ни шакллантириш ва унга киритилган хотин-қизлар билан манзилли ишлаш, ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ҳамда зўравонликка учраган аёллар муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш бўйича масъул идора ва раҳбарларнинг натижага йўналтирилган фаолияти йўлга қўйилиши ва мувофиқлаштирилиши;

сектор раҳбарлари, ҳокимларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчилари томонидан жойлардаги хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш бўйича «йўл хариталари» ишлаб чиқилиб, амалга оширилиши ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳар ойда ҳисобот беришини йўлга қўйиш ташкил этилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

«Темир дафтар»нинг юритилиши бўйича Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги;

«Аёллар дафтари» юритилиши бўйича Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги;

«Ёшлар дафтари» юритилиши бўйича Ёшлар ишлари агентлиги масъул ҳисобланади.

9. «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»нинг юритилиши, уларга киритилган шахсларнинг муаммоларини ҳал этиш, тизимли кўмаклашиш ва кўрилаётган чоралар натижадорлигини баҳолаш юзасидан қуйидагиларни назарда тутувчи янги тизим жорий этилсин:

а) ҳар ойда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги:

«Темир дафтар»нинг юритилиши юзасидан ҳудудлар бўйича ҳисобот ва таҳлилий материалларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоровга киритади;

ҳудудлар фаолиятига баҳо берилиши, шунингдек, муаммоларни «маҳаллабай» ҳал этиш бўйича тегишли вазирликлар ва идоралар ҳамда ҳокимликларга топшириқ хатлари юборилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров томонидан «Темир дафтар»нинг юритилиши ва унинг натижалари бўйича ҳар ойда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ахборот бериб борилади;

б) ҳар ойда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги:

тегишлича «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»нинг юритилиши юзасидан ҳудудлар бўйича ҳисобот ва таҳлилий материалларни Ўзбекис-

тон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаевга киритади;

худудлар фаолиятига баҳо берилиши, шунингдек, муаммоларни «маҳаллабай» ҳал этиш бўйича тегишли вазирликлар ва идоралар ҳамда ҳокимликларга топшириқ хатлари юборилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев томонидан:

«Аёллар дафтари»нинг юритилиши ва унинг натижалари бўйича ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ахборот киритилади;

«Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»нинг юритилиши ҳамда уларнинг натижалари бўйича ҳар ойда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ахборот бериб борилади;

в) ҳар ойда ҳокимлар ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳисобот бериб борадилар ва улар фаолиятига баҳо берилади, шунингдек, аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан маҳаллабай «йўл хариталари» тасдиқланади;

г) ҳар чоракда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари жорий йил 20 июль, 20 октябрь ва 2022 йил 20 январга қадар Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида муҳокама қилинади;

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида улар фаолиятига баҳо берилади, шунингдек, тизимли ва республика даражасидаги муаммоларни ҳал этиш бўйича «йўл хариталари» тасдиқланади;

д) 2022 йилда ва келгуси йилларда ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлар ҳар ярим йилликда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида муҳокама қилиб борилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, тегишли вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2021 йил 1 декабрга қадар ушбу қарор билан тасдиқланган вақтинчалик тартибларнинг амалиётда қўлланилишини таҳлил қилган ҳолда, уларни такомиллаштириш юзасидан асосланган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

2021 йил 1 июнга қадар тегишлича «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»нинг электрон тизимини такомиллаштириш ишларини яқунласин ҳамда Ахборот технологиялари вазирлигининг хулосасига мувофиқ ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда вазирликлар ва

идораларнинг ахборот тизимлари ҳамда маълумотлар базаларидаги мавжуд бўлган ахборот ва маълумотларнинг «Электрон ҳукумат» тизими идоралар-аро интеграциялашув платформаси орқали ёки ўзаро тўғридан-тўғри интеграция қилинишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг «Аёллар дафтари» билан ишлаш электрон тизимини такомиллаштириш учун «Маҳалла» хайрия жамоат фондига тушган қўшимча ҳомийлик маблағлари ҳисобидан аниқ ҳисоб-китобларга асосан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги «Обод ва хавфсиз маҳалла» жамғармаси ҳисобварағига зарур бўлган маблағларни ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 8 январдаги 2-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 28 апрель,
250-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 28 апрелдаги 250-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Темир дафтар»ни юритиш орқали ижтимоий аҳволи ва
турмуш шароити оғир оилалар муаммоларини тизимли
равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий
қўллаб-қувватлаш бўйича
ВАҚТИНЧАЛИК ТАРТИБ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Вақтинчалик тартиб (кейинги ўринларда — Тартиб) «Темир дафтар»ни юритиш орқали ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оилалар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Тартибда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

«Темир дафтар» — ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир ҳамда сектор раҳбарлари томонидан алоҳида назоратга олинган оилаларни қайд этиш, муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси;

секторлар — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларини тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар)лар ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган туман (шаҳар)лар ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг кўмаклашувчи коллегиял ишчи тузилмаси;

бошқарув офиси — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда — секторлар) ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан ташкил этилган республика ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари ва ходимларидан иборат бошқарув офиси;

доимий вакил — Республика комиссиясининг қарори билан ҳар бир маҳаллага тижорат банкларининг туман (шаҳар) филиалларидан доимий асосда бириктирилган масъул ходим;

оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари учун масъул тижорат банклари — Микрокредитбанк, Агробанк ва Халқ банки.

3. Ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оилалар муаммолари ушбу Тартибга 1а-иловага* мувофиқ эҳтиёжманд оилаларни ўрганиш сўрономаси бўйича ўрганилади.

«Темир дафтар» ушбу Тартибга 1б-иловага* мувофиқ схема бўйича юритилади.

«Темир дафтар»га киритилган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2-боб. «Темир дафтар» рўйхатини шакллантириш

4. Ҳар бир сектор бўйича маҳаллабай «Темир дафтар»га қуйидаги тоифадаги оилалар киритилади:

Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 5 мартдаги 122-сон қарори талаблари асосида кам таъминланган оила, деб эътироф этилган оилалар;

ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган аъзолари мавжуд оилалар;

* 1а-1б-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кам таъминланган якка-ёлғизлар ва кексалар;
боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд оилалар;
кўп (4 ва ундан ортиқ) фарзандли моддий кўмакка муҳтож оилалар;
меҳнатга лаёқатли ишсиз аъзолари мавжуд эҳтиёжманд оилалар;
тиббий ёрдамга муҳтож эҳтиёжманд оилалар (сурункали ёки оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган ва ногиронлик гуруҳи белгиланмаган аъзолари мавжуд етарли даромад манбаига эга бўлмаган оилалар);

нотурар жойларда истиқомат қилаётган, ўзи ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой бўлмаган эҳтиёжманд оилалар.

Бунда, агар юқоридаги тоифаларга мос келадиган оилаларнинг аъзолари мос равишда «Аёллар» ва «Ёшлар» дафтарларига ҳам киритилган бўлса, ушбу оилалар рўйхати «Аёллар» ва «Ёшлар» дафтарларида юритилади.

5. Оилаларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари қўйидаги шаклларда:

бошқарув офиси томонидан бириктирилган маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари ходимлари, доимий вакиллар ва маҳалла фаоллари билан биргаликда барча йўналишдаги муаммоларни уйма-уй юриш орқали;

ижтимоий аҳоли ва турмуш шароити оғир оилаларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш орқали;

эҳтиёжманд оилаларни ўрганиш бўйича ўтказилган сўровнома натижалари орқали ўрганилади.

Сектор штаби котиби, маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари, доимий вакиллар ва маҳалла фаоллари томонидан эҳтиёжманд оилалар аъзоларининг қизиқишлари, муаммолари ва оилаларнинг ижтимоий ҳолати тўғрисидаги жамланма рўйхат 3 кундан ошмаган муддатда шакллантирилади.

6. Жамланма рўйхат шакллантирилган кундан бошлаб 1 кун муддатда секторлар раҳбарларига тақдим этилади.

7. Секторлар раҳбарлари 3 кундан ошмаган муддатда жамланма рўйхат кўриб чиқилишини ташкил қилади.

Жамланма рўйхатни кўриб чиқиш жараёнида оиланинг маълумотлари:

туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари (уй хўжалиги дафтари асосида шакллантирилган оилалар тўғрисидаги маълумотлар);

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари (касаллик тарихи, ногиронлиги бўлган шахслар ва кўрсатилган тиббий ёрдам тўғрисидаги маълумотлар);

туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари (ишсизлик нафақаси олувчилар, касб-хунарга ўқитилган ва ўқитиш жараёнидагилар, меҳнат мигрантлари тўғрисидаги маълумотлар);

туман (шаҳар) солиқ инспекциялари (даромадлар тўғрисидаги маълумот);

Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги туман (шаҳар) бўлимлари (оиланинг номидаги уй-жой (томорқа), мол-мулк тўғрисидаги маълумотлар);

туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказлари (никоҳ ва ўлим тўғрисидаги маълумотлар);

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари (пенсия ва нафақалар тўғрисидаги маълумотлар) ва бошқа ташкилотларнинг маълумотлари билан солиштирилади ҳамда оилаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси (тоифаси) аниқланади.

8. Таҳлил натижалари асосида секторлар раҳбарлари томонидан 7 кундан ошмаган муддатда «Темир дафтар»га киритиладиган оилаларнинг рўйхатлари ҳамда уларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган «Йўл харитаси» лойиҳаси имзоланган ҳолда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига тасдиқлаш учун киритилади.

9. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан «Темир дафтар»га киритиладиган оилаларнинг рўйхатлари ва «Йўл харитаси» белгиланган тартибда тасдиқланади ҳамда ижро этиш учун юборилади.

10. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида тасдиқланган рўйхатлар секторлар штабларининг котиблари томонидан 3 кундан ошмаган муддатда «saxovat.argos.uz» ахборот тизими дастурига киритилади.

Секторлар раҳбарлари «Темир дафтар»га маълумотларни киритиш ва чиқариш, уларнинг ҳаққонийлиги бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

Мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан «Темир дафтар»га киритилган оилалар бўйича амалга ошириладиган ишлар ахборот тизимига киритилади ва шундан сўнг бажарилган ҳисобланади. «Темир дафтар»га киритилган оилалар бўйича амалга ошириладиган ишлар бўйича барча ҳисоботлар ахборот тизимида шакллантирилади.

3-боб. «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш

1-§. «Темир дафтар»га киритилган оила аъзоларини ишга жойлаштириш

11. «Темир дафтар»даги оилаларнинг ишсиз аъзолари бандлигини таъминлаш қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан инвестиция бўлимлари, аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари, тижорат банклари билан ҳамкорликда тармоқ ва ҳудудий инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларда яратилаётган янги иш ўринларига ишга жойлаштириш;

туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари билан биргаликда мавжуд вакансия ва захира (квота) иш ўринларига ишга жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;

туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан қишлоқ хўжалиги бўлимлари билан биргаликда кооперативларга жалб этиш, ғалладан бўшаган ерларда такрорий экин экиш ва оборотдан чиқиб кетган ерларни ўзлаштириш ҳисобига бандликни таъминлаш;

туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан солиқ идоралари, тижорат

банклари, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари билан биргаликда касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитишни ташкил этиш, тадбиркорлик ва хунармандчиликка жалб этиш, ўзини ўзи мустақил равишда банд қилишни ривожлантиришга доир фаолиятни ташкил этиш орқали бандликка кўмаклашиш;

туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан марказлашган манбалар ҳисобига амалга оширилаётган қурилиш объектлари ҳамда барча манбалар ҳисобига уй-жой қурилиши объектларига ишга жойлаштириш.

Ушбу бандда кўрсатилган йўналишлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2-§. «Темир дафтар»га киритилган оилаларга томорқадан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш

12. Туман (шаҳар) ҳокимликлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгаши, тижорат банклари билан ҳамкорликда «Темир дафтар»га киритилган оилаларда томорқадан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали бандликни таъминлашда қуйидаги йўналишларда кўмаклашади:

енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш;

парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишни йўлга қўйиш;

«Томорқа хизмати» ташкилотлари ва «Дала дўконлари»ни ташкил этиш.

«Темир дафтар»га киритилган оилаларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан деҳқончилик билан шуғулланиш учун янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларида 0,1 гектардан 1 гектаргача ер ажратиш, ажратилган ер майдонларини суғориш тизими (артезиан қудуқлар, томчилатиб суғориш тизими ва бошқалар) ва электр энергияси билан таъминлаш, берилган ерларни ўзлаштириш учун (ер ҳайдаш, уруғ, кўчат харид қилиш ва бошқалар) субсидия ажратиш ишлари амалга оширилади.

3-§. «Темир дафтар»га киритилган оилаларни тадбиркорликка жалб қилиш

13. Оилавий тадбиркорлик дастурлари орқали тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун кредит олиш истагида бўлган оилаларга тижорат банкларига ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қуйидаги хизматлар кўрсатилади:

бизнес лойиҳаларни ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда тузишни ўргатиш;

оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредит олишга кўмаклашиш;

кредит ажратилгандан сўнг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар тадбиркорлигини ривожлантиришни доимий қўллаб-қувватлаш.

14. Кредитлар «Темир дафтар»га киритилган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга йўналтирилади.

4-§. «Темир дафтар»га киритилган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш

15. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан тасдиқланган рўйхатлар асосида «Темир дафтар»га киритилган оилаларга «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам берилиши мумкин.

Ушбу бир марталик моддий ёрдамни тўлаш учун:

а) фуқаролар йиғинлари томонидан секторлар раҳбарлари билан келишган ҳолда оилаларнинг эҳтиёжмандлик даражасидан келиб чиқиб (ҳар бир фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт серияси ва рақами кўрсатилган ҳолда) бир марталик моддий ёрдам бериш миқдорлари кўрсатилган рўйхат туман (шаҳар) ҳокимлигига тақдим этилади;

б) туман (шаҳар) ҳокимлиги:

«Саховат ва кўмак» жамғармасининг даромадлари прогнозидан келиб чиқиб туман (шаҳар) молия бўлими билан келишган ҳолда «Темир дафтар»га киритилган оилаларга бир марталик моддий ёрдамни ойма-ой тўлаш графигини шакллантиради ҳамда туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашига тасдиқлаш учун киритади. Бунда тасдиқланган ойма-ой тўлаш графигининг нусхаси фуқаролар йиғинларига ҳам тақдим этилади;

тасдиқланган графикка асосан ҳар ойнинг 5-кунига қадар фуқаролар йиғинлари, секторлар раҳбарлари билан келишилган рўйхатлар асосида тўлов ведомостларини шакллантириб, туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига тақдим этади;

в) туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими тасдиқланган ойма-ой тўлаш графиги ҳамда тўлов ведомостлари асосида «Темир дафтар»га киритилган оилаларга «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам тўловларини ҳар ойнинг 5 — 27-кунларида амалга оширади.

Ойнинг охириг иш кунида ведомостлар ёпилади, тайинланган, бироқ ўз вақтида талаб қилиб олинмаган моддий ёрдам, уни олувчининг номидаги махсус депозит ҳисобварағига ўтказилади ва олувчининг биринчи талабига кўра тўланади. Ёпилган ведомостнинг бир нусхаси секторлар раҳбарларига тақдим этилади;

д) туман (шаҳар) секторлар штаби котиби муҳтож оилаларга тўланган бир марталик моддий ёрдам тўғрисидаги маълумотларни «saxovat.argos.uz» ахборот тизимида киритади.

«Темир дафтар»га киритилган уй-жойини таъмирлашга муҳтож оилаларга кўмаклашиш сектор раҳбари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Бир марталик моддий ёрдам ажратиш календарь йил давомида бир марта амалга оширилади.

Алоҳида кўрсатмалар (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукумат топшириқлари ва ҳ.к.) асосида тўлаб бериладиган бир марталик моддий ёрдамлар бундан мустасно.

5-§. «Темир дафтар»га киритилган оилаларга тиббий хизмат кўрсатиш

16. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга тиббий хизмат кўрсатиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

тиббий ёрдамга муҳтож оилалар бошқарув офиси томонидан тегишли тиббиёт ходимини жалб қилинган ҳолда ўрганилади;

ўрганиш натижаси бўйича касаллиги аниқланган ва тиббий ёрдамга муҳтож оила аъзолари тиббий кўрикдан ўтиш учун туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасига юборилади;

тиббий кўрик натижаси юзасидан кўрсатма бўйича оила аъзолари туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасида стационар ёки амбулатория шароитида даволанади;

ногиронлик белгилари аниқ намоён бўлган беморлар белгиланган тартибда кўрикдан ўтиш учун Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларига юборилади.

4-боб. «Темир дафтар»га киритилган оилаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини молиялаштириш

17. «Темир дафтар»га киритилган оилаларни қўллаб-қувватлаш чоралари:

меҳнатга лаёқатли ишсиз аъзолари мавжуд эҳтиёжманд оилаларнинг бандлигини таъминлаш — Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Жамоат ишлари жамғармаси, «Саховат ва кўмак» жамғармаси, халқаро молия институтларининг кредит ва грантлари;

томорқадан даромад манбаи сифатида фойдаланишга кўмаклашиш — Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, тижорат банклари кредитлари;

тадбиркорликни йўлга қўйиш ва кредит олишга кўмаклашиш — Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари, тижорат банклари, халқаро молия институтларидан жалб этиладиган кредит ва грантлар;

моддий ёрдам кўрсатиш, соғлиқни тиклаш ва бошқалар — «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

«Темир дафтар»га киритилган оилаларни қўллаб-қувватлаш қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳам молиялаштирилиши мумкин.

Мазкур бандда белгиланган манбалар ҳисобидан туман (шаҳар)лар бўйича ажратиладиган маблағлар тақсимооти ҳар чорак учун Ўзбекистон

Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан ҳар чорақдан олдинги ойнинг 20-кунига қадар туман (шаҳар) ҳокимликларига етказилади.

Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ушбу манбалар ва ўз маблағлари ҳисобидан оилаларга кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ва ёрдамнинг турини ва уларни олувчилар сонини белгилайди.

5-боб. «Темир дафтар»дан чиқариш тартиби

18. Ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оилалар қуйидаги ҳолларда «Темир дафтар»дан чиқарилади:

бандлиги таъминланган ёки доимий даромад манбаига эга бўлганда;
бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш орқали муаммоси ҳал этилганда оила аъзосининг розилиги билан;
малакали тиббий хизмат кўрсатилганда;
тўлиқ давлат таъминотига олинганда («Меҳрибонлик», «Саховат» ва бошқа ихтисослаштирилган муассасаларга ўтказилганда);
аниқланган бошқа муаммолари қонуний ҳал этилганда;
ёлғиз яшайдиган эҳтиёжманд фуқаро озодликдан маҳрум этилганда ёки вафот этганда;

оила аъзосининг муурожаатига асосан;

«Темир дафтар»га ноқонуний киритиш ҳолати аниқланганда;

бошқа давлатларга доимий яшаш учун чиқиб кетганда.

«Темир дафтар»га икки ва ундан ортиқ масалаларини ҳал этиш учун киритилган оилаларнинг барча масалалари тўлиқ ҳал этилиши дафтардан чиқариш учун асос бўлади.

Доимий ва вақтинча яшаш учун республиканинг бошқа ҳудудига кўчиб ўтганда, доимий яшаш ва вақтинча турар жойи бўйича рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмасдан «Темир дафтар»га тегишли ўзгартиришлар киритилади.

19. Секторлар раҳбарлари мазкур Тартибнинг 18-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича «Темир дафтар»дан чиқариш юзасидан таклифларни халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари муҳокамасига киритади.

20. Ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оилаларни «Темир дафтар»дан чиқариш, унга ўзгартиришлар киритиш халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори асосида амалга оширилади.

21. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори асосида «Темир дафтар»дан чиқарилган оилалар тўғрисидаги маълумотлар секторлар штаблари котиблари томонидан 3 кундан ошмаган муддатда «saxovat.argos.uz» ахборот тизимига киритилади.

«Темир дафтар»дан чиқарилган оилалар секторлар штаблари томонидан 5 кун ичида бу ҳақда хабардор қилинади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

22. Секторлар «saxovat.argos.uz» ахборот тизимида «Темир дафтар»ни юритиш билан боғлиқ масалалар тўлиқ акс эттириб борилишини таъминлайди.

23. Республика бўйича «Темир дафтар»га киритилган оилаларга кўрсатилган ёрдам тўғрисидаги ҳисобот шакли ушбу Тартибга 1в-иловадаги* жадвалга мувофиқ юритилади.

24. Республика бўйича «Темир дафтар» билан ишлаш тизими натижаси бўйича ҳисобот бериш ушбу Тартибга 1г-иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

25. «Темир дафтар»га киритилган оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш:

маҳалла даражасида — туман (шаҳар) секторлари раҳбарлари;

туман (шаҳар) секторлари даражасида — туман (шаҳар) ҳокимликлари (иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимлари);

туман (шаҳар) даражасида — вилоят секторлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармалари;

вилоят даражасида — Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар;

республика даражасида — Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

26. Секторлар штабларининг котиблари томонидан «Темир дафтар»га киритилган ҳар бир оиланинг аниқланган муаммолари бартараф этилганлиги ҳақидаги ҳисоботлар «saxovat.argos.uz» ахборот тизимида кунлик киритиб борилади.

27. Секторлар раҳбарлари, бошқарув офислари томонидан «Темир дафтар»га киритилган оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ойда жойига чиққан ҳолда мониторинг олиб борилади.

28. «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган «Йўл харитаси»нинг ижроси ҳар ойда камида бир марта халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида муҳокама қилинади.

Кенгаш сессияларида муаммоларни ҳал қилишга масъул бўлган секторлар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитиб борилади.

29. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги:

«Темир дафтар» юритилиши бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳудудий бўлинмалардан олинган маълумотларни тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан

ҳар ой якунида таҳлил қилади;

республика даражасида ҳал этиладиган ҳудудлар бўйича муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг мо-

* 1в-1г-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари котибиятига ахборот хати тақдим қилади;

«Темир дафтар»нинг юритилиши бўйича мутасадди бўлган вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликларнинг барча даражалардаги раҳбарларининг ҳисобдорлигини Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида кўриб чиқиш учун ҳар ой якунига кўра ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасининг Макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари котибиятига тақдим қилади.

31. Вазирлар Маҳкамаси Раёсат мажлисида камчиликка йўл қўйган масъул вазирликлар ва идоралар ҳамда секторлар раҳбарларига баҳо берилади, чоралар кўрилади, камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли «йўл хариталари» ишлаб чиқилади ва ижрога йўналтирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 28 апрелдаги 250-сон қарорига
2-ИЛОВА

«Аёллар дафтари»ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ВАҚТИНЧАЛИК ТАРТИБ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Вақтинчалик тартиб (кейинги ўринларда — Тартиб) «Аёллар дафтари»ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Тартибда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

«Аёллар дафтари» — ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси;

«Аёллар маслаҳат кенгаши» — ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга кўмаклашиш, оилаларни мустаҳкамлаш ва уларнинг фарзанд тарбиясидаги ролини ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган маслаҳатлар бериш, «одобли қиз», «иффатли келин» ва «маърифатли аёл» ғояларини кенг тарғиб этиш мақсадида ҳар бир фуқаролар йиғинида ташкил этиладиган ва жамоатчилик асосида фаолият юритувчи тузилма;

секторлар — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларини тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазир-

лар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган туманлар (шаҳарлар) ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг кўмаклашувчи коллегиал ишчи тузилмаси;

секторлар ишчи гуруҳи — сектор раҳбари бошчилигида иқтисодиёт, инвестиция, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳаси, давлат бошқаруви органларининг туман (шаҳар)лар тузилмаларининг малакали мутахассислари ва тижорат банклари ходимларидан иборат Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланадиган махсус ишчи гуруҳлар.

3. «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар тегишли қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2-боб. «Аёллар дафтари»ни шакллантириш

4. Ҳар бир сектор кесимида маҳаллабай «Аёллар дафтари»га 30 ёшдан ошган қуйидаги тоифадаги хотин-қизлар киритилади:

ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар (бандлиги таъминланмаган, ишлаш истагида бўлган, даромад манбаига эга бўлмаган, шу жумладан, меҳнат қилиш қобилиятини қисман йўқотган, бироқ ишлаш иштиёқи бўлган хотин-қизлар);

боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд хотин-қизлар (боқувчиси бўлмаган, қўшимча моддий ёрдамга муҳтожлар);

ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизлар (меҳнатга қобилиятсиз, ўзгалар парваришига муҳтожлар);

уй-жойини таъмирлашга муҳтож I гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизлар (меҳнат қилиш қобилиятини бутунлай йўқотган, ёлғиз яшайдиган, уй-жойини таъмирлаш имконияти бўлмаганлар);

нотурар жойларда истиқомат қилаётган, ўзининг ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой мавжуд бўлмаган хотин-қизлар (маъмурий бинолар, ертўлалар ва истиқомат қилиш мақсадларига мўлжалланмаган бошқа биноларда ёлғиз ёки оила аъзолари билан биргаликда яшаётган, шунингдек, доимий яшаш учун турар жойи бўлмаган ҳолда уй-жой шароитини яхшилашга муҳтожлар);

қарамоғида ногиронлиги бўлган боласи мавжуд ёлғиз аёллар;

тиббий ҳимояга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар (ўзи ва биргаликда яшовчи оила аъзолари оғир ижтимоий вазиятда бўлган, сурункали ёки оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган, ногиронлик гуруҳи белгиланмаган, етарли даромад манбаига эга бўлмаганлар);

ҳуқуқий ёрдам олишга муҳтож хотин-қизлар (ҳуқуқий маслаҳат олиш истагида бўлган, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида мурожаат қилганлар);

психологик маслаҳатга муҳтож хотин-қизлар (тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган, ижтимоий муаммолари мавжуд хотин-қизлар).

5. Хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари қуйидаги шаклларда ўрганилади:

секторлар ишчи гуруҳлари томонидан бириктирилган маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари ходимлари, фаоллари ва маҳалладаги меҳнат инспекторига «жамоатчи ёрдамчи» билан биргаликда барча йўналишдаги муаммоларни ҳар ярим йилда бир маротаба, бунда ярим йиллик биринчи ойининг дастлабки 15 кунда уйма-уй юриш орқали;

хотин-қизларнинг мурожаатларини, шу жумладан, «Аёллар маслаҳат кенгаши»га мурожаатларини кўриб чиқиш орқали.

«Аёллар маслаҳат кенгаши»га мурожаат қилинган ҳолатда анкета сўровномалар тўлдирилиб, сектор ишчи гуруҳига тақдим қилинади. Секторлар раҳбарлари ва туман(шаҳар)лар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари билан биргаликда муаммоларнинг ҳаққонийлигини ўрганади ва ҳар ойда ўрганилган «Аёллар дафтари»га киритилиши керак бўлган хотин-қизлар рўйхатини халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тақдим этади.

Ўрганиш давомида хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари Тартибга 2а-иловага* мувофиқ анкета-сўровномалар орқали аниқланади.

Хотин-қизларнинг аниқланган муаммолари секторлар штаблари котиблари ва фуқаролар йиғини ходимлари томонидан хотин-қизларнинг шахсий индивидуал анкеталарига 3 кундан ошмаган муддатда киритилади.

6. Индивидуал анкеталар секторлар раҳбарлари ва туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғига тўлдирилган кундан бошлаб 1 кун муддатда тақдим этилади.

7. Секторлар раҳбарлари, туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи 3 кундан ошмаган муддатда индивидуал анкеталар кўриб чиқилишини ташкил қилади.

Индивидуал анкеталарни кўриб чиқиш жараёнида маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бошқа ташкилотларнинг маълумотлари билан солиштирилади ҳамда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси (тоифаси) аниқланади.

8. Таҳлил натижалари асосида секторлар раҳбарлари, туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи томонидан 7 кундан ошмаган муддатда «Аёллар дафтари»га киритиладиган хотин-қизларнинг рўйхатлари ҳамда уларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган «Йўл харитаси» лойиҳаси имзоланган ҳолда, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тасдиқлаш учун киритилади.

* 2а-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан «Аёллар дафтари»га киритиладиган хотин-қизларнинг рўйхатлари ва «Йўл харитаси» белгиланган тартибда тасдиқланади ҳамда ижрога қаратилади.

10. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида тасдиқланган рўйхатлар секторлар штабларининг котиблари томонидан 3 кундан ошмаган муддатда Маҳалла ягона ахборот тизими дастурига (кейинги ўринларда — ахборот тизими) киритилади.

Секторлар раҳбарлари, туман (шаҳар) ҳокимларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчилари «Аёллар дафтари»га маълумотларни киритиш ва чиқариш, уларнинг ҳаққонийлиги бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

Мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар бўйича амалга оширилаётган ишлар ахборот тизими-га киритилади ва шундан сўнг бажарилган ҳисобланади. «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар бўйича амалга оширилаётган ишлар бўйича барча ҳисоботлар ахборот тизимида шакллантирилади.

11. «Аёллар дафтари» ушбу Тартибга 26-иловага* мувофиқ схема бўйича юритилади.

3-боб. «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш

1-§. Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш

12. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

туман (шаҳар)лар ҳокимликлари, инвестиция бўлимлари, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, тижорат банклари билан ҳамкорликда тармоқ ва ҳудудий инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларда хотин-қизлар учун яратилаётган янги иш ўринларига ишга жойлаштириш;

туман (шаҳар)лар ҳокимликлари аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари билан биргаликда мавжуд вакансия ва захира (квота) иш ўринларига ишга жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;

туман (шаҳар)лар ҳокимликлари аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари билан биргаликда кооперативларга жалб этиш;

туман (шаҳар)лар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан касб-ҳунарга ва тадбиркорликка ўқитишни ташкил этиш, тадбиркорликка жалб этиш, ўзини ўзи мустақил равишда банд қилишни ривожлантиришга доир фаолиятни ташкил этиш орқали бандликка кўмаклашиш;

ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш чораларини кўриш.

* 26-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ушбу бандда кўрсатилган йўналишлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2-§. «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга томорқадан ва деҳқончиликдан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш

13. Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, тижорат банклари билан ҳамкорликда «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг томорқадан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали бандлигини таъминлаш қўйидаги йўналишларда амалга оширилади: энгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш; парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишни йўлга қўйиш; деҳқончилик билан шуғулланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш ишларида ҳар томонлама кўмаклашиш;

«Томорқа хизмати» ташкилотлари ва «Дала дўконлари»ни ташкил этиш.

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан деҳқончилик билан шуғулланиш учун янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларида 0,1 гектардан 1 гектаргача ер ажратиш, ажратилган ер майдонларини суғориш тизими (артезиан қудуқлар, томчила-тиб суғориш тизими ва бошқалар) ва электр энергияси билан таъминлаш, берилган ерларни ўзлаштириш учун (ер ҳайдаш, уруғлик кўчат харид қилиш ва бошқалар) субсидия ажратиш ишлари амалга оширилади.

3-§. «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш

14. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Халқ банки, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, «Тадбиркор аёл» ишбилармон аёллар уюшмаси, «Хунарманд» уюшмаси ҳамда ҳудудий хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари жойларда ўқув курслари ташкил этиш орқали тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган ва «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг тадбиркорлик кўникмаларини ошириш ва бизнес лойиҳаларини тузишга кўмаклашади.

15. Микрокредитбанк, Агробанк ва Халқ банкининг туман (шаҳар) филиаллари орқали тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун кредит олиш истагида бўлган хотин-қизларга тижорат банклари орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилладиган қўйидаги хизматлар кўрсатилади:

ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда бизнес лойиҳаларни тузишни ўргатиш;

кредит олишга кўмаклашиш.

Халқ банки «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларга кредит олишда кўмаклашиш, бу масалада республикада ажратилган кредитларнинг статистик ҳисоботини юритиш ва кредит ажратилгандан сўнг уларнинг тадбиркорлигини ривожлантириш учун доимий қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишларни мувофиқлаштиришга масъул ҳисобланади.

16. Кредитлар «Аёллар дафтари»га киритилган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга йўналтирилади.

Бунда кредитлар базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваригача миқдорда ажратилади.

Кредитларнинг фоиз ставкаси бўйича, истисно тариқасида, 2022 йил 1 январга қадар Марказий банкнинг асосий ставкаси белгиланади.

Кредитларни илгари олинган кредитлар ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтаришга, шахсий эҳтиёж учун автотранспорт воситаси сотиб олишга, маъмурий харажатларни тўлашга, жумладан, автотранспорт воситасининг таъминоти, мебель, алоқа хизматлари тўлови ва уяли телефон сотиб олишга ҳамда қонунчилик ҳужжатлари ва Марказий банкнинг қоидаларига кўра тақиқланган фаолиятларга ажратишга йўл қўйилмайди.

Кредитлар 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилади.

17. Кредитлар қарз олувчининг ссуда ҳисобварағидан кредит шартномасида белгиланган мақсадлар учун тегишли ташкилотларнинг банкдаги ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан ажратилади.

Кредитлар Микрокредитбанк, Агробанк ва Халқ банкининг туман (шаҳар) филиаллари томонидан «Аёллар дафтари»да ҳисобда турган хотин-қизларнинг фамилияси, исми, отасининг исми бўйича алфавит тартибида шакллантирилган қатъий навбат асосида ажратилади.

Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз хотин-қизларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна ва бошқа меҳнат воситалари харид қилиш учун субсидиялар берилади.

18. «Аёллар дафтари»га киритилган, бироқ кредит олишни рад қилган хотин-қизларни доимий бандлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳаларига дастур доирасидаги ресурслар ҳисобидан Марказий банкнинг асосий ставкасида имтиёзли кредитлар ажратилиши мумкин.

Бунда лойиҳа учун кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни доимий иш билан таъминлаш шarti билан, самарадорлиги юқори ва барқарор иш ўринлари яратишга қаратилган лойиҳаларига Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш Давлат дастурлари доирасидаги ресурслар ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 баравардан ортиқ, бироқ 4000 бараваридан юқори бўлмаган миқдорда кредит ажратилиши мумкин.

4-§. «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга моддий ёрдам кўрсатиш

19. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан тасдиқланган рўйхатлар асосида «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан тўрт бараваригача бўлган миқдорда бир марталик моддий ёрдам берилиши мумкин.

Ушбу бир марталик моддий ёрдамни тўлаш учун:

а) фуқаролар йиғинлари, секторлар раҳбарлари билан келишилган ҳолда, қарамоғида ногиронлиги бўлган боласи мавжуд ёлғиз аёллар, боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд хотин-қизлар, ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизлар, уй-жойини таъмирлашга муҳтож I гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг эҳтиёжмандлик даражасидан келиб чиқиб, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилган хотин-қизларга (ҳар бир фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт серияси ва рақами кўрсатилган ҳолда) бир марталик моддий ёрдам бериш миқдорлари кўрсатилган рўйхатни туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига тақдим этади;

б) туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими:

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг даромадлари тушумлари прогнозидан келиб чиқиб, туман (шаҳар) молия бўлими билан келишилган ҳолда, бир марталик моддий ёрдамни ойма-ой тўлаш графигини шакллантиради ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимларининг маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича ўринбосарларига тасдиқлаш учун киритади. Бунда тасдиқланган ойма-ой тўлаш графигининг нусхаси фуқаролар йиғинларига ҳам тақдим этилади;

тасдиқланган графика асосан ҳар ойнинг 5-санасига қадар фуқаролар йиғинлари томонидан тақдим этилган рўйхатлар асосида тўлов ведомостларини шакллантириб, туман (шаҳар)лар ҳокимликларнинг бухгалтерия бўлиmlарига ва хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг тегишли бўлимига (филиалига) тақдим этади;

в) туман (шаҳар)лар ҳокимликларининг бухгалтерия бўлиmlари тасдиқланган ойма-ой тўлаш графиги ҳамда тўлов ведомостлари асосида «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан зарур маблағларни хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг тегишли бўлимига (филиалига) кўчиради;

г) Халқ банкининг тегишли бўлими (филиали) томонидан бир марталик моддий ёрдам тўловлари ҳар ойнинг 5 — 27-саналарида амалга оширилади. Ойнинг охириги иш кунида ведомостлар ёпилади. Ойнинг 27 кунига қадар тайинланган, бироқ ўз вақтида талаб қилиб олинмаган моддий ёрдамга йўналтирилган маблағлар «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказилади ва олувчининг биринчи талабига кўра тўланади. Ёпилган ведомостнинг бир нусхаси туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳамда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига тақдим этилади;

д) туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими муҳтож хотин-қизларга тўланган бир марталик моддий ёрдам тўғрисидаги маълумотларни ахборот тизимига киритади ҳамда ёпилган ведомостнинг нусхасини тегишли фуқаролар йиғинига тақдим этади.

Сектор раҳбарлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан «Аёллар дафтари»га киритилган:

уй-жойини таъмирлашга муҳтож I гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизларга кўмаклашиш ишлари амалга оширилишини;

ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизлар ва уй-жойини таъмирлашга муҳтож I гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизларни, шунингдек, қарамоғида ногиронлиги бўлган боласи мавжуд ёлғиз аёлларни ижтимоий ва иқтисодий ҳолати яхшилангунга қадар моддий қўллаб-қувватлаш ишларини ташкил этиб боради.

Бир марталик моддий ёрдам олган хотин-қизлар «Аёллар дафтари»дан чиқарилмаган ёки бир йил ичида қайта киритилган ҳолларда, бир марталик моддий ёрдам бир календарь йили давомида бир мартаба берилади.

5-§. «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга турар жой ижара компенсациясини тўлаш

20. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари тасдиқланган рўйхат асосида фуқаролар йиғинлари томонидан турар жой учун ижара компенсациясини тўлаб бериш бўйича талабномалар секторлар раҳбарларига ҳамда туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғига тақдим этилади.

Секторлар раҳбарлари ҳамда туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг хулосаси асосида «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга турар жой ижара компенсацияси белгиланган тартибда тўлаб берилади.

Бунда:

турар жой ижараси тўғрисидаги шартнома уч томонлама — ижарага берувчи, ижарага олувчи ва туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ўртасида 2021 йил 31 декабрга қадар бўлган муддатга тузилади;

турар жой ижараси учун тўловлар «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ижарага берувчига тўғридан-тўғри тўланади.

Шартнома суммаси ҳисобланганда:

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар ва улар билан бирга турадиган оила аъзоларига, ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган умумий майдони энг кўпи билан ўн олти квадрат метрдан (кресло-аравачада ҳаракатланадиган ногиронлар учун эса йигирма уч квадрат метрдан) кам бўлмаган ҳажмда, бироқ бир оила учун жами 48 м² ошмаган ҳолда назарда тутилади;

турар жойдан фойдаланганлик учун ижара ҳақи турар жойнинг умумий майдонидан келиб чиқиб, унинг 1 м² учун бир ойга Тошкент шаҳрида базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 фоизигача, Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида 4 фоизигача ҳамда бошқа ҳудудларда 2 фоизигача миқдорда белгиланади. Бунда турар жойнинг 1 м² учун тўланадиган базавий ҳисоблаш миқдорининг аниқ фоизи ҳар бир фуқаро учун халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши қарори билан тасдиқланади.

6-§. «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга тиббий хизмат кўрсатиш

21. Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга тиббий хизмат кўрсатиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

тиббий ёрдамга муҳтож хотин-қизларнинг соғлиги секторлар ишчи гуруҳлари томонидан тегишли тиббиёт ходимларини жалб қилган ҳолда ўрганилади;

ўрганиш натижаси бўйича касаллик аниқланган ва тиббий ёрдамга муҳтож хотин-қизлар тиббий кўриқдан ўтиш учун туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасига юборилади;

тиббий кўриқ натижаси юзасидан кўрсатма бўйича туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасида стационар ёки амбулатор шароитда даволанади;

аҳволи оғир бўлган беморларга кўрсатма бўйича вилоят ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасаларига ёки республика ихтисослаштирилган марказларига даволаниш учун бепул ордер ажратилади;

ногиронлик белгилари аниқ намоён бўлган беморлар белгиланган тартибда кўриқдан ўтиш учун Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларига юборилади.

7-§. «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш

22. Ҳуқуқий ёрдам олишга муҳтож хотин-қизларга сайёр қабуллар орқали қўйидагилар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади:

прокуратура органлари — ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатиш, судга мурожаат қилиш тартибини тушунтириш, судга мурожаат қилиш учун керак бўладиган ҳужжатларни расмийлаштиришга кўмаклашиш;

ички ишлар органлари — таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ушбу таҳдидлардан ҳимоя қилиш;

адлия органлари — ҳуқуқий маслаҳатлар бериш.

23. Ушбу Тартибнинг 22-бандида кўрсатилган ҳуқуқий ёрдамни кўрсатиш шакллари ва муддатлари ва тартиби қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

8-§. «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга психологик ёрдам кўрсатиш

24. Психологик маслаҳатга муҳтож хотин-қизларга «Аёллар маслаҳат кенгаши», Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш маркази, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳузуридаги «Хотин-қизлар ҳуқуқий, психологик маслаҳатхонаси», таълим муассасаларининг, фаолияти психологик ёрдам кўрсатишга йўналтирилган ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотларининг малакали психологлари томонидан психологик маслаҳатлар бериб борилади.

4-боб. «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини молиялаштириш

25. «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари:

ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш — Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Жамоат ишлари жамғармаси, «Аёллар дафтари» жамғармаси ва «Саховат ва кўмак» жамғармаси, халқаро молия институтларининг кредит ва грантлари;

томорқадан даромад манбаи сифатида фойдаланишга кўмаклашиш — Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари;

тадбиркорликни йўлга қўйиш ва кредит олишга кўмаклашиш — Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси, «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш» дастурлари, халқаро молия институтларидан жалб этиладиган имтиёзли кредит ва грантлар;

моддий ёрдам кўрсатиш, соғлиқни тиклаш ва бошқалар — «Аёллар дафтари» жамғармаси, «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари;

турар жой ижараси билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш — «Аёллар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳам молиялаштирилиши мумкин.

Мазкур бандда белгиланган манбалар ҳисобидан туман (шаҳар)лар кесимида ажратиладиган маблағлар тақсимооти ҳар чорак учун Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва Микрокредитбанк, Агробанк ва Халқ банки томонидан ҳар чоракдан олдинги ойнинг 20-санасига қадар туман (шаҳар)лар ҳокимликларига етказилади.

Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ушбу манбалар ва ўз маблағлари ҳисобидан хотин-қизларга кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ва ёрдамларнинг турини ва уларни оловчилар сонини белгилайди.

26. «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга ёрдамлар кўрсатилиши Тартибга 2в-иловага* мувофиқ маълумотнома бўйича юритилади.

5-боб. «Аёллар дафтари»дан чиқариш тартиби

27. Хотин-қизлар қуйидаги ҳолларда «Аёллар дафтари»дан чиқарилади: бандлиги таъминланган ёки доимий даромад манбаига эга бўлганда; бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш орқали муаммоси ҳал этилганда;

турар жой ижара компенсацияси белгиланган тартибда тўлаб берилганда;

малакали тиббий хизмат кўрсатилганда;

тўлиқ давлат таъминотига олинганда;

аниқланган бошқа муаммолари қонуний ҳал этилганда;

ўз аризасига кўра;

«Аёллар дафтари»га ноқонуний киритиш ҳолати аниқланганда;

бошқа давлатларга доимий яшаш учун чиқиб кетганда;

суднинг озодликдан маҳрум этишни назарда тутувчи ҳукми қонуний кучга кирганда;

хизматлар кўрсатиш бўйича иш олиб бориш имконини бермайдиган бошқа ҳолатлар юзага келганда;

шахс вафот этган тақдирда.

«Аёллар дафтари»га икки ва ундан ортиқ масалаларини ҳал этиш учун киритилган хотин-қизларнинг барча масалалари тўлиқ ҳал этилиши «Аёллар дафтари»дан чиқариш учун асос бўлади.

Доимий ва вақтинча яшаш учун республиканинг бошқа ҳудудига кўчиб ўтганда, доимий яшаш ва вақтинча турар жойи бўйича рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмасдан «Аёллар дафтари»га тегишли ўзгартиришлар киритилади.

28. Секторлар раҳбарлари, туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи мазкур Тартибнинг 26-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича «Аёллар дафтари»дан чиқариш юзасидан таклифларни ҳар ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари муҳокамасига киритади.

29. Хотин-қизларни «Аёллар дафтари»дан чиқариш, унга ўзгартиришлар киритиш халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори асосида амалга оширилади.

30. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори асосида «Аёллар дафтари»дан чиқарилган хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотлар секторлар штаблари котиблари томонидан 3 кундан ошмаган муддатда ахборот тизимига киритилади.

«Аёллар дафтари»дан чиқарилган хотин-қизлар туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан 5 кун ичида бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилинади.

* 2в-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6-боб. Якунловчи қоидалар

31. Секторлар, туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ахборот тизимида «Аёллар дафтари»ни юритиш билан боғлиқ масалаларни тўлиқ акс эттириб борилишини таъминлайди.

32. «Аёллар дафтари» билан ишлаш тизими натижаси бўйича ҳисобот бериш Тартибга 2г-иловага* мувофиқ схема бўйича юритилади.

33. «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш:

маҳалла даражасида — туман (шаҳар) секторлари раҳбарлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиқлари;

туман (шаҳар) даражасида — вилоят секторлари раҳбарлари, Касаба уюшмалари Федерацияси ҳудудий бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармалари;

вилоят даражасида — Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар;

республика даражасида — Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси ҳамда Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши.

34. Мутасадди ташкилотларнинг масъул ходимлари, секторлар штабларининг котиблари томонидан «Аёллар дафтари»га киритилган ҳар бир хотин-қизларнинг аниқланган муаммолари бартараф этилганлиги ҳақидаги ҳисоботлар ҳар куни соат 18.00 гача ахборот тизимида киритиб борилади.

35. Секторлар раҳбарлари, секторлар ишчи гуруҳлари, туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбар ходимлари «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишларни ҳар ойда жойига чиққан ҳолда мониторинг қилиб боради.

36. «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган «Йўл харитаси»нинг ижроси ҳар ойда камида бир марта халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида муҳокама қилинади.

Кенгаш сессияларида муаммоларни ҳал қилишга масъул бўлган секторлар ва ташкилот раҳбарларининг, ҳокимларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиларининг ҳисоботлари эшитиб борилади.

37. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги «Аёллар дафтари»нинг юритилиши бўйича амалга оширилган ишларни Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларидан олинган маълумотларни тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан ҳар ой якуни билан таҳлил қилади.

Республика даражасида ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни ҳудудлар кесимида бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари котибиятига ахборот хати тақдим қилади.

* 2г-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

38. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги «Аёллар дафтари»нинг юритилиши бўйича мутасадди бўлган вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликларнинг барча даражадаги раҳбарларининг ҳисобдорлигини Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида кўриб чиқиш учун ҳар ой якуни билан белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, маънавият ва жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибиятига тақдим қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, маънавият ва жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибияти таҳлилий маълумот ва таклифларни кўриб чиқади ҳамда «Аёллар дафтари»нинг юритилиши ижросини Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида муҳокама қилишга материаллар тайёрлайди.

39. Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида камчиликка йўл қўйган масъул вазирлик ва идоралар ҳамда секторлар раҳбарларига баҳо берилди, чоралар кўрилади, камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли «Йўл харита»лари ишлаб чиқилади ва ижрога йўналтирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 28 апрелдаги 250-сон қарорига
З-ИЛОВА

**«Ёшлар дафтари»ни юритиш орқали ёшларнинг
муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни
ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича
ВАҚТИНЧАЛИК ТАРТИБ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу вақтинчалик тартиб (кейинги ўринларда — Тартиб) «Ёшлар дафтари»ни юритиш орқали ёшлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Тартибда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

«Ёшлар дафтари» — ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси;

нодавлат касб-ҳунарга ўқитиш марказлари — ёшларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш ваколатига эга бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва нодавлат таълим муассасалари;

секторлар — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларини тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган туманлар (шаҳарлар) ва ҳудуд-

ларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг коллегияли ишчи тузилмаси;

секторлар ишчи гуруҳлари — сектор раҳбари бошчилигида иқтисодиёт, инвестиция, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳаси, ёшлар ишлари, бандлик, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ва бошқа давлат бошқаруви органлари туман (шаҳар)лар тузилмаларининг малакали мутахассислари ва тижорат банклари ходимларидан иборат Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланадиган махсус ишчи гуруҳлари;

электрон платформа — ёшларга тегишли бўлган маълумотларни жамлаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш тизимини яратиш ва тегишли вазирликлар ва идоралар билан рақамли маълумотлар алмашувини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг муурожаатлари билан тизимли ишлаш юзасидан чора-тадбирлар самарадорлигини мониторинг қилиш имконини берувчи ягона электрон платформа;

«Ёшлар дафтари» жамғармаси — «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида белгиланган тартибда ташкил этиладиган жамғарма;

Васийлик кенгаши — «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағларини шакллантириш, бошқариш ва улардан фойдаланиш мақсадида тегишли туман (шаҳар) ҳокими томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда манфаатдор муассасалар раҳбарлари ва жамоатчилик вакиллари билан иборат таркибда тузиладиган коллегияли тузилма;

аризачи — «Ёшлар дафтари»га киритишни сўраб ушбу Тартибга мувофиқ муурожаат қилган ёш фуқаро.

3. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар мазкур Тартиб ҳамда тегишли қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2-боб. «Ёшлар дафтари»ни шакллантириш

4. Туман (шаҳарлар)даги ҳар бир сектор кесимида маҳаллабай «Ёшлар дафтари»га ўн саккиз ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган қуйидаги тоифадаги ёшлар киритилади:

ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар — муомалага ва меҳнатга лаёқатсиз, ногиронлиги ёки саломатлигида нуқсонли бўлган (нафақа олмайдиган), боқувчисини йўқотган, етим, «Меҳрибонлик» уйлари ва болалар шаҳарчаларида тарбияланган, муқаддам судланган, пробация ҳисобида, профилактик ҳисобда ёки маъмурий назорат остида турувчи ижтимоий ёрдамга муҳтож ёшлар, шунингдек, «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг профессионал ва олий таълим муассасаларида таълим олувчи фарзандлари;

иқтисодий қўллаб-қувватлашга муҳтож ёшлар — тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини бошлаш, шунингдек ўзини ўзи банд қилиш истагида бўлган ишсиз ёшлар;

психологик қўллаб-қувватлашга муҳтож ёшлар — жамиятда ўз ўрни-

ни топишга қийналаётган, турли хил муаммолар сабабли ижтимоий реабилитацияга муҳтож ёшлар (суицид содир этишга ҳаракат қилган ва бошқалар);

ишсиз ёшлар — ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш таклиф этилса, унга киришишга тайёр бўлган ёхуд касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган, ишга жойлашишда кўмак олиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва ушбу органлар томонидан иш қидираётган шахслар сифатида рўйхатга олинган меҳнатга лаёқатли ёшлар (бундан таълим муассасаларида таълим олаётганлар мустасно).

5. Ёшларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари қуйидаги шаклларда ўрганилади:

секторлар ишчи гуруҳлари томонидан бириктирилган маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари ходимлари ва фаоллари билан биргаликда барча йўналишдаги муаммоларни ҳар ярим йилда камида бир маротаба, бунда ярим йиллик тугаганидан сўнг кейинги ой давомида уйма-уй юриш орқали;

ёшларнинг мурожаатларини (шу жумладан, электрон платформа орқали мурожаатларини) кўриб чиқиш орқали.

Ўрганиш давомида ёшларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари Тартибга За-иловага* мувофиқ анкета-сўровномалар орқали аниқланади.

Ёшларнинг анкета-сўровномалари секторлар штаблари котиблари томонидан секторлар раҳбарларига бир кун муддатда кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

6. Секторлар раҳбарлари уч кун муддат ичида:

индивидуал анкеталар кўриб чиқилишини ташкил этади, бунда маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Давлат персоналлаштириш маркази, Марказий банк ва тижорат банклари ҳамда бошқа ташкилотларнинг маълумотлари билан солиштирилади ҳамда ушбу низомнинг 4-бандида келтирилган ижтимоий ҳимояга, иқтисодий ёки психологик қўллаб-қувватлашга муҳтож, шунингдек, ишсиз ёшлар аниқланади;

таҳлил натижалари асосида «Ёшлар дафтари»га киритиладиган ёшларни электрон платформага киритилишини таъминлайди.

7. Секторлар раҳбарлари бир ҳафта муддатда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган «йўл харитаси» лойиҳасини ишлаб чиқади ва халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига тасдиқлаш учун киритади.

* За-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Тақдим этилган «йўл харитаси» халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқилади, тасдиқланади ҳамда ижросини таъминлаш учун секторлар раҳбарлари, масъул давлат органлари ва ташкилотларга юборилади.

«Йўл харитаси» ижроси учун масъул этиб белгиланган секторлар раҳбарлари, масъул давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарлари ёшларнинг муаммолари бартараф этилганлиги бўйича ҳар чоракда камида бир мартаба халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот беради.

9. «Ёшлар дафтари» ушбу Тартибга Зб-иловага* мувофиқ схема бўйича юритилади.

3-боб. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш

1-§. «Ёшлар дафтари»га киритилган моддий аҳволи қийин ёшларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш тартиби

10. Моддий аҳволи қийин ёшларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлашнинг аниқ миқдори ёшнинг ҳаётини вазияти мураккаблигини инобатга олган ҳолда базавий ҳисоблаш миқдорининг (кейинги ўринларда — БҲМ) 4 бараваригача миқдорда Васийлик кенгаши қарорига мувофиқ тўлаб берилади.

11. Бир марта бериладиган моддий ёрдам тўлиқ давлат таъминотида бўлмаган, ҳаётини мураккаб вазиятга тушган ёшга, биринчи навбатда, қуйидагиларга тайинланади:

боқувчисини йўқотган ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларга;

ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ишга лаёқатсиз ёшларга;

I ва II гуруҳ ногирони бўлган ёшларга;

қармоғида ногирон бола бўлган ёш оила (эр-хотиннинг бири)га;

ота-оналардан бири I ёки II гуруҳ ногирони бўлган, иккинчиси эса иш фаолиятини тўхтатган ҳолда беморга қарашга мажбур бўлган ёки иккала ота-она ҳам I ёки II гуруҳ ногирони бўлган ёшларга;

табиий офатлар, ҳалокатлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатида ҳаётига, соғлиғига, мулкига зарар етган ёшларга.

Мураккаб ҳаётини вазиятга тушган бошқа тоифадаги ёшларга, асослан-тирувчи сабаблари мавжуд бўлганда, секторлар раҳбарларининг хулосаларига асосан Васийлик Кенгаши қарори билан бир марталик моддий ёрдам берилиши мумкин.

12. Аризачига бир марталик моддий ёрдамни бериш ҳақида қарор қабул қилинганда, аризачи ишга кириш, касб ўрганиш, ўзини-ўзи банд қилиш каби мажбуриятларни олишини назарда тутувчи (меҳнатга лаёқатсиз ва

* Зб-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ногирон шахслар бундан мустасно) сектор раҳбари ва аризачи ўртасида икки томонлама ижтимоий шартнома тузилади.

13. Туман (шаҳар)лар ҳокимликларининг бухгалтерия бўлимлари «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан зарур маблағларни Халқ банкининг тегишли бўлими (филиали)га ўтказди.

14. Халқ банкининг тегишли бўлими (филиали) томонидан бир марталик моддий ёрдам тўловлари ҳар ойнинг 5 — 27-саналарида амалга оширилади. Ойнинг охириги иш кунида ведомостлар ёпилади, тайинланган, бироқ ўз вақтида талаб қилиб олинмаган моддий ёрдам, уни олувчининг номидаги махсус депозит ҳисобварағига ўтказилади ва олувчининг биринчи талабига кўра тўланади. Ёпилган ведомостнинг бир нусхаси Васийлик кенгашига ва тегишли секторларга тақдим этилади. Аризачи томонидан талаб қилиб олинмаган моддий ёрдам маблағларини Васийлик кенгаши томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда қайтариш чоралари кўрилади.

Секторлар раҳбарлари муҳтож ёшларга тўланган бир марталик моддий ёрдам тўғрисидаги маълумотларни ведомост нусхаси тақдим этилган кундан бошлаб уч кун муддат ичида электрон платформадаги ёшларнинг индивидуал анкетасига киритилишини таъминлайди.

15. Шахсга бир марталик моддий ёрдам берилиши уни «Ёшлар дафтари»дан чиқаришга асос бўлмайди.

16. Моддий ёрдам шахсга бир календарь йил давомида бир мартаба берилади.

2-§. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни тадбиркорлик, касб-хунар, ҳайдовчилик ва қайта тайёрлов курсларида ўқитиш харажатларини қоплаш тартиби

17. Нодавлат касб-хунарга ўқитиш марказларига «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни тадбиркорликка ва касб-хунарга ўқитиш учун сарфланган харажатларнинг 75 фоизигача қисми «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

Бунда, ёшларни тадбиркорликка ўқитиш харажатларининг ҳар бир битирувчига БХМнинг 4 бараваридан ортиқ бўлмаган қисми, касб-хунарга ва ҳайдовчилик курсларида ўқитиш учун сарфланган харажатларнинг бир ойгача, бир ойдан икки ойгача, икки ойдан ортиқ муддатли ўқув курслари учун тегишлича БХМнинг 4, 8, 12 бараваридан кўп бўлмаган қисми қоплаб берилади.

Ўқув курслари харажатларининг қолган қисми тингловчи томонидан нодавлат касб-хунарга ўқитиш марказига ўқув курси бошида тўлаб берилиши лозим.

Ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган битирувчиларга махсус сертификат берилади.

Ўқув курсларини тамомлаган ва махсус сертификатга эга бўлган битирувчиларнинг ўқитишга сарфлаган харажатларини қоплаб бериш учун но-

давлат касб-хунарга ўқитиш маркази томонидан Васийлик кенгашига мурожаат киритилади (тегишли хужжатларни илова қилган ҳолда).

Мурожаат киритилган кундан бошлаб уч иш кuni мобайнида Васийлик кенгаши томонидан «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ёки қонунчилик хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан нодавлат касб-хунарга ўқитиш марказига белгиланган тартибда компенсация маблағлари ўтказиб берилади.

18. Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлими буюртмасига асосан «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар:

туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан «Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-хунарга ўқитиш марказлари, маҳалла аҳолисини касб-хунарга ўқитиш масканларида касб-хунарга;

Савдо-саноат палатаси, «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази, «Ёш фермерлар кенгаши» нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан алоҳида ташкил этиладиган 48 соатлик (ҳафталик) ўқув дастури асосида тадбиркорликка бепул ўқитилади.

Ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган битирувчиларга махсус сертификат берилади.

19. Хусусий корхона ва ташкилотларга ишга қабул қилинган ҳамда фаолият бошлаганига олти ойдан ошмаган «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қайта тайёрлов курсларида ўқитиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг БХМнинг 4 бараваригача бўлган қисми мазкур хусусий корхона ва ташкилотларга Васийлик кенгаши қарорига асосан «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация қилиниши мумкин.

3-§. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун субсидия ажратиш тартиби

20. Томорқа ер эгаси бўлган ёки «Ҳар бир ёшга — бир гектар» тамойили асосида иккиламчи ижара ҳуқуқи асосида экин майдонлари ажратиб берилган ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун БХМнинг 8 бараваригача миқдорда Васийлик кенгаши қарорига мувофиқ тўлаб берилади.

Бунда, секторлар штаби котиби тегишли соҳа мутахассислари билан биргаликда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшнинг мурожаати келиб тушган кундан бошлаб уч иш кuni ичида жойига чиққан ҳолда аризачининг томорқа ерида ёки иккиламчи ижара ҳуқуқи асосида ажратилган экин майдонида уруғлик ва кўчатлар экиш учун мавжуд шароитни ўрганати ва ўрганиш натижаси бўйича далолатнома тузади.

21. Ўрганиш натижасига кўра, аризачининг томорқа ерига ёки иккиламчи ижара ҳуқуқи асосида ажратилган экин майдонида уруғлик ва кўчатлар харид қилиниши бўйича хулоса Васийлик кенгашига киритилади.

22. Васийлик кенгаши, етказиб берувчи ташкилот, аризачи ўртасида уч томонлама шартнома тузиш орқали «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ажратилади.

23. «Ёшлар дафтари»га киритилган деҳқон хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган ёшларга «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари» жамғармалари ҳисобидан уруғликлар ва кўчатларни харид қилиш учун БХМнинг 8 баравари миқдоригача субсидия ажратилиши мумкин.

24. Деҳқон хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган ёшларни сектор, кластер ва фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан патронажга олиш тизими орқали «устоз-шогирд» тамойили асосида ёшларга ажратилган ер участкаларини ўзлаштириш, агротехник тадбирларни ўтказиш, ерлар ҳосилдорлигини ошириш, етиштирилган маҳсулотни реализация қилиш ва бошқа масалаларда ёрдам кўрсатилади.

4-§. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилиш учун нотурар жойнинг ижара харажатларини қоплаш тартиби

25. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёш тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган ёш фуқарога фаолиятини амалга ошираётган нотурар жойнинг 12 ойгача ижара харажатларининг бир йилда БХМнинг 25 бараваригача қисми қоплаб берилиши мумкин.

26. Нотурар жойнинг ижара харажатларини қоплаш учун аризачи қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Васийлик кенгаши раиси номига ариза;

фуқаролик паспорти маълумотлари;

тадбиркорлик субъекти гувоҳномаси нусхаси ёки ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код); ижара шартномаси нусхаси.

27. Аризачи бино ва иншоотдан фойдаланаётганлиги тўғрисида ижарага берувчи билан ҳар ой якуни бўйича тузиладиган ва кейинги ойнинг 5 санасигача тақдим этиладиган далолатномага асосан Васийлик кенгаши бино ва иншоотнинг ижара ҳақи учун тўловни икки иш кунда ижарага берувчининг ҳисоб рақамига ўтказди.

28. Сектор штаби котиби ижарага олинган бино ва иншоотни ижарага олувчи томонидан ҳақиқатда фойдаланаётганлиги тўғрисида ҳар уч ой мобайнида камида бир марта мониторинг асосида ўрганади.

Ўрганиш жараёнида ижарага олувчи томонидан ижарага олинган бино ва иншоотдан фойдаланилмаётганлиги аниқланган тақдирда сектор раҳбарининг тақдимномасига асосан ижара тўлови учун субсидия бериш тўхтатилади.

5-§. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилишга зарур бўлган асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролларини харид қилишга субсидия ажратиш тартиби

29. Тадбиркорлик ёки ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи

бўлган ёшларга асбоб-ускуна ёки меҳнат қуроллари (мотокультиваторлар, ўт ўриш ўроқ машиналари, перфораторлар, пайвандлаш аппаратлари, ўсимликларга ишлов бериш қурилмалари, дурадгорлик, чилангарлик, қурилиш ускуналари, компьютер жамланмаси ва бошқалар)ни харид қилиш учун БХМнинг 40 бараваригача миқдорда Васийлик кенгаши қарорига мувофиқ субсидия ажратилади.

30. Асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари учун субсидия ажратиш учун аризачи қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Васийлик кенгаши раиси номига ариза;

фуқаролик паспорти нусхаси;

тадбиркорлик субъекти гувоҳномаси ёки ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код);

асбоб-ускуна, меҳнат қуролларининг тури, миқдори, товарнинг маркаси, тахминий харид нархи.

31. Аризачи касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакани ошириш, тадбиркорлик ва касб-хунарга ўргатиш курсларини муваффақиятли тугатган ҳамда махсус сертификатни олган ва тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган бўлса, унга асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидия ажратилади.

32. Васийлик кенгаши, етказиб берувчи ташкилот, аризачи ўртасида уч томонлама шартнома тузиш орқали «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ажратилади.

33. Аризачига ажратилган субсидия асосида харид қилинган асбоб-ускуна ёки меҳнат қуролларида самарали фойдаланилаётганлиги, унинг техник ҳолати созлиги кафолат муддати давомида сектор штаби котиби томонидан ўрганилади.

34. Ўрганиш давомида асбоб-ускуна ёки меҳнат қуролларида иш фаолиятида фойдаланилмаганлиги аниқланган тақдирда, аризачидан тўланган субсидияни қайтариш чоралари кўрилади.

6-§. «Темир дафтар»га киритилган оилалар фарзандларининг мамлакатимиздаги профессионал ва олий таълим муассасаларида таълим олиш бўйича тўлов-контракт суммасининг бир қисмини тўлаб бериш тартиби

35. «Темир дафтар»га киритилган оилалар фарзандларининг мамлакатимиздаги профессионал ва олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиш бўйича йиллик харажатларини тўлаб бериш «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан Васийлик кенгаши қарорига мувофиқ тўлов-контракт суммасининг 50 фоизигача, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан ошмаган миқдорда амалга оширилади.

36. Профessional ва олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-талабалар тўлов-контракт харажатларининг бир қисмини тўлаб беришни сўраб Васийлик кенгашига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ариза;

фуқаролик паспорти нусхаси;

тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома (контракт). Контрактда ўқишнинг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов миқдори кўрсатилган бўлиши лозим.

Мазкур масала бўйича мурожаат қилган фуқаро тўлов-контракт суммасининг қолган қисмини тўлаш имкониятини асослантириши лозим.

37. Белгиланган тўлов-контракт маблағлари профессионал ёки олий таълим муассасасининг ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш йўли билан берилади.

38. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиш харажатларининг бир қисмини, шунингдек, улар бўйича миллий сертификатлар олиш учун ўтказиладиган имтиҳонларни топшириш харажатларини қоплаш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7-§. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга, жумладан, ёш оилаларга турар жой ижараси компенсациясини тўлаш тартиби

39. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёш оилаларнинг секторлар раҳбарларига ва Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимларига берган аризасига мувофиқ, уларга 12 ойгача турар жой учун ижара компенсацияси ҳар ойда БХМнинг 3 бараваридан ошмаган миқдорда тўлаб берилиши мумкин.

40. Аризага ижара шартномаси нусхаси илова қилинади. Ариза беш иш кунидан кечиктирмасдан кўриб чиқилади ва ўрганиш натижалари бўйича тайёрланган хулоса билан Васийлик кенгашига тақдим этилади.

41. Мурожаат ушбу параграф талабларига мувофиқ бўлса, Васийлик кенгашининг ёш оилага ижара ҳақини тўлаб бериш учун субсидия ажратиш тўғрисида қарор қабул қилади ва унга мувофиқ ижарага берувчига компенсация тўлаб берилади.

Ижара ҳақини тўлаб бериш учун субсидия ажратишда:

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар ва улар билан бирга турадиган оила аъзоларига, ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган умумий майдони энг кўпи билан ўн олти квадрат метрдан (кресло-аравачада ҳаракатланган ногиронлар учун эса йигирма уч квадрат метрдан) кам бўлмаган ҳажмда, бироқ бир оила учун жами 48 квадрат метр ошмаган ҳолда назарда тутилади;

турар жойдан фойдаланганлик учун ижара ҳақи турар жойнинг умумий майдонидан келиб чиқиб, унинг 1 квадрат метр учун бир ойга Тошкент шаҳрида БХМнинг 6 фоизигача, Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида 4 фоизигача ҳамда бошқа ҳудудларда 2 фоизигача миқдорда белгиланади. Бунда турар жойнинг 1 квадрат метр учун тўланадиган базавий ҳисоблаш миқдорининг аниқ фоизи ҳар бир фуқаро учун халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши қарори билан тасдиқланади.

42. Сектор штаби котиби томонидан ижарага олинган хонадонда ижарага олувчи ҳақиқатда яшаётганлиги ҳар ойда бир маротаба ўрганилади. Ўрганиш жараёнида ижарага олувчи ижарага олинган хонадонда доимий яшамаётганлиги аниқланган тақдирда бу ҳақда тўпланган асословчи ҳужжатларга мувофиқ ижара тўлови учун компенсация тўлаш тўхтатилади.

8-§. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш

43. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимларининг sanoатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосарлари туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, қурилиш бўлимлари билан ҳамкорликда қурилиш соҳасида ишлаш истагидаги ёшларни ҳудуддаги объектларни қуриш ишларига ҳақ тўлаш эвазига иш ўринларига жойлаштириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туман (шаҳар) ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, қишлоқ хўжалиги бўлимлари билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаш истагидаги ёшларни ҳудуддаги фермер ва деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари ишларига ҳақ тўлаш эвазига иш ўринларига жойлаштириш, шунингдек, «Ҳар бир ёшга — бир гектар» тамойили асосида ғалладан бўшаган ерларда такрор суғориладиган ер майдонларидан экин экиш учун ва деҳқон хўжалиги юритиш учун иккиламчи ижара ҳуқуқи асосида экин майдонларини ажратиб бериш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, инвестиция бўлимлари, тижорат банклари билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида ишлаш истагидаги ёшларни тармоқ ва ҳудудий инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларда, ҳудудлардаги хусусий тадбиркорлик корхоналаридаги иш ўринларига жойлаштириш;

туман (шаҳар)лар ҳокимликлари аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимлари билан биргаликда мавжуд вакансия ва захира (квота) иш ўринларига ишга жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;

ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш чораларини кўриш;

туман (шаҳар)лар ҳокимликлари, Савдо-саноат палатасининг тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари, Ёшлар ишлари агентлиги туман (шаҳар) бўлимлари томонидан «Ҳар бир тадбиркор — ёшларга мададкор» тамойи-

ли асосида 1 нафар тадбиркорга 1 нафардан ишсиз ёшни бириктириш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш чораларини кўриш.

Ушбу бандда кўрсатилган йўналишлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

9-§. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш

44. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки туман (шаҳар) филиаллари орқали тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун кредит олиш истагида бўлган ёшларга тижорат банкларга ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қўйидаги хизматлар кўрсатилади:

тадбиркорлик ташаббусига эга ёшларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришда рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш;

микрокредит олган ёш тадбиркорлар фаолиятини доимий кузатиб бориш ҳамда уларга маслаҳат ва қўмак бериш институтини шакллантириш;

ўқув курсларини тамомлаб ва кейинчалик микрокредит олиб фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини мониторинг қилиб боришнинг ягона «рақамли» тизимини жорий этиш;

банк миқдори томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун харидорлар топиш ва бозорларни кенгайтиришда қўмаклашиш.

45. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 ноябрдаги «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4862-сон қарорининг 5-бандига мувофиқ, касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат касб-хунарга ўқитиш марказлари курсларини муваффақиятли тамомлаб, махсус сертификатни олган ёшларга ўз бизнесини ташкил этиш учун «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан қўйидагича микрокредит ажратилади:

тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, шу жумладан ёшларга ўз бизнесини ташкил этиш учун 33 миллион сўмгача бўлган миқдордаги микрокредитлар таъминотсиз ажратилади;

микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таъминот турлари асосида 225 миллион сўмгача миқдорда микрокредитлар ажратилади.

Кредитларнинг фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасида белгиланади.

Кредитларни илгари олинган кредитлар ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтаришга, шахсий эҳтиёж учун автотранспорт сотиб олишга, маъмурий харажатларни тўлашга, жумладан, автотранспорт воситасининг таъминоти, мебель, алоқа хизматлари тўлови ва уяли телефон сотиб олишга ҳамда

қонун ҳужжатлари ва Марказий банкнинг қоидаларига кўра тақиқланган фаолиятларга ажратишга йўл қўйилмайди.

Кредитлар 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилади.

46. Тижорат банклари томонидан ёшларга балиқчилик, қуёнчилик, паррандачилик, асаларичилик, мева-сабзавотчилик, узумчилик, тикувчилик, ҳунармандчилик ва бошқа илғор соҳаларда фаолиятларини ташкил этиш учун оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар ажратилади.

Бунда, Савдо-саноат палатаси, «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари жойларда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган ёшларнинг тадбиркорлик кўникмаларини ошириш ва бизнес лойиҳаларини тузишга кўмаклашади.

10-§. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг хорижда хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини ташкил этиш

47. Ёшларнинг хорижда хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ-4829-сон қарори асосида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан қўйидаги тартибда амалга оширилади:

ташқиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан хорижга чиқиб кетаётган ёшлар ишга юборилишидан олдин давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида, хусусан ҳудудлардаги «Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, қисқа муддатли касб-ҳунарга ўқитиш курслари, маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш масканларида касб-ҳунарга ўқитилади (хорижий иш берувчининг малака талабларига жавоб берадиган шахслар бундан мустасно).

ташқиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга ва кўмаклашишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади;

меҳнат миграциясидан қайтиб келган ёшларни реинтеграция қилиш, шу жумладан уларнинг бандлигини таъминлаш, касбий малакасини ошириш ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чоралар-тадбирлар кўрилади.

11-§. «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг сафарбарлик чақируви резерви хизмати бадалини қоплаш

48. «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг сафарбарлик чақируви резерви хизмати бадали

Васийлик кенгаши қарорига асосан «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

12-§. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш

49. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларга тиббий хизмат кўрсатиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

тиббий ёрдамга муҳтож ёшларнинг соғлиғи сектор ишчи гуруҳлари томонидан тегишли тиббиёт ходимларини жалб қилган ҳолда ўрганилади;

ўрганиш натижаси бўйича касаллик аниқланган ва тиббий ёрдамга муҳтож ёшлар тиббий кўрикдан ўтиш учун туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасига юборилади;

тиббий кўрик натижаси юзасидан кўрсатма бўйича туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасида стационар ёки амбулатор шароитда даволанади;

аҳволи оғир бўлган беморларга кўрсатма бўйича вилоят ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасаларига ёки республика ихтисослаштирилган марказларига даволаниш учун бепул ордер ажратилади;

ногиронлик белгилари аниқ намоён бўлган беморлар белгиланган тартибда кўрикдан ўтиш учун Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларига юборилади.

«Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг аҳволи оғир бўлган бемор фарзандларининг мамлакатда ёки хорижий давлатларда даволаниш билан боғлиқ харажатларининг БХМнинг 50 бараваридан ошмаган миқдордаги қисми тегишли соҳа мутахассислари хулосасига асосан Васийлик кенгаши томонидан «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

50. Ҳуқуқий ёрдам олишга муҳтож ёшларга сайёр қабуллар орқали қуйидагилар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади:

прокуратура органлари — ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ёшларга амалий ёрдам кўрсатиш, судга мурожаат қилиш тартибини тушунтириш, судга мурожаат қилиш учун керак бўладиган ҳужжатларни расмийлаштиришга кўмаклашади;

ички ишлар органлари — тазйик ва зўравонликдан жабрланган ёшларни ушбу таҳдидлардан ҳимоя қилиш чораларини кўради;

адлия органлари — бепул ҳуқуқий маслаҳатлар беради.

51. Психологик маслаҳатга муҳтож ёшларга Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш республика маркази, Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш маркази, Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация маркази, Республика ижтимоий мослашув маркази, таълим муассасаларининг малакали психологлари томонидан психологик маслаҳатлар бериб борилади.

Психологик маслаҳатга муҳтож ёшларга ихтисослашган нодавлат но-тижорат ташкилотлари ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари томонидан

пуллик психологик хизмат кўрсатилиши билан боғлиқ харажатлар Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

52. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга ёрдам кўрсатилиши ушбу Тартибга Зв-иловага* мувофиқ маълумотнома бўйича юритилади.

**4-боб. Ёшларнинг истеъдодларини қўллаб-қувватлаш,
беш муҳим ташаббусни рўёбга чиқариш ва унинг
доирасидаги тадбирларни «Ёшлар дафтари» жамғармаси
маблағлари ҳисобидан молиялаштириш**

53. Секторлар раҳбарлари, туман (шаҳар) ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари томонидан Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари, таълим муассасаларидаги ёшлар етакчилари билан биргаликда ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш бўйича ташаббуслари, уларнинг эҳтиёжлари ва хоҳиш-истаклари ўрганилади ва Васийлик кенгашига тегишли тадбирларни молиялаштириш ҳақида таклиф киритилади.

5-боб. Ёшларни «Ёшлар дафтари»дан чиқариш тартиби

54. Ёшлар қуйидаги ҳолларда «Ёшлар дафтари»дан чиқарилади:
бандлиги таъминланган ёки доимий даромад манбаига эга бўлганда;
тўлов-контракт асосида ўқиш бўйича йиллик харажатлар белгиланган тартибда тўлаб берилганда;

тадбиркорлик фаолияти ҳамда ўзини ўзи банд қилиш мақсадида нотурар жойнинг ижара харажатлари қопланганда ёки мазкур фаолият учун зарур бўлган асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидия ажратилганда;

турар жой ижара компенсацияси белгиланган тартибда тўлаб берилганда;

малакали тиббий хизмат кўрсатилганда;

тўлиқ давлат таъминотига олинганда;

аниқланган бошқа муаммолари қонуний ҳал этилганда;

ўз аризасига кўра;

«Ёшлар дафтари»га ноқонуний киритиш ҳолати аниқланганда;

бошқа давлатларга ишлаш ёки доимий яшаш учун чиқиб кетганда;

суднинг озодликдан маҳрум этишни назарда тутувчи ҳукми қонуний кучга кирганда;

аризачига кўмак бериш бўйича иш олиб бориш имконини бермайдиган бошқа ҳолатлар юзага келганда;

аризачи вафот этган тақдирда.

* Зв-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Иш берувчи томонидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ёки ижтимоий солиқ тўлови ҳисобланганда ҳамда ушбу маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг марказлаштирилган ахборот базасида ва Ягона миллий меҳнат тизимида акс этган тақдирда иш билан бандлиги таъминланган деб ҳисобланади ва «Ёшлар дафтари»дан чиқариш учун асос бўлади.

Доимий ва вақтинча яшаш учун республиканинг бошқа ҳудудига кўчиб ўтганда, доимий яшаш ва вақтинча турар жойи бўйича рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмасдан «Ёшлар дафтари»га тегишли ўзгартиришлар киритилади.

55. Секторлар раҳбарлари, туман ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари мазкур Тартибнинг 54-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича «Ёшлар дафтари»дан чиқариш юзасидан таклифларни ҳар ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари муҳокамасига киритади.

56. «Ёшлар дафтари»дан ёшларни чиқариш халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори асосида амалга оширилади.

57. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори асосида «Ёшлар дафтари»дан чиқарилган ёшлар тўғрисидаги маълумотлар секторлар штаблари котиблари томонидан уч кундан ошмаган муддатда электрон платформага киритилади.

58. «Ёшлар дафтари»дан чиқарилган ёшлар секторлар штаблари котиблари томонидан беш кун ичида бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилинади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

59. Ушбу Тартибга мувофиқ «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган кўмак аризачиларнинг аризаларига асосан уларнинг эҳтиёжи ва хоҳиш-истакларини ўрганиш натижалари бўйича секторлар раҳбарларининг хулосаларига кўра Васийлик кенгаши қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Васийлик Кенгаши томонидан ариза ва унга илова қилинган тегишли ҳужжатлар кўриб чиқилади ва натижаси бўйича «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан кўмак бериш ёки рад этиш тўғрисида асослантирилган қарор қабул қилинади.

«Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан кўмак бериш асослантирилган ҳолда рад этилган тақдирда, Васийлик кенгашининг тегишли қарори қабул қилинган кундан бошлаб секторлар штаблари котиблари уч иш куни ичида бу ҳақда аризачини ёзма шаклда хабардор қилади.

60. Ёшларнинг эҳтиёжлари ва хоҳиш-истакларини ўрганиш натижалари бўйича халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари қарорига асосан қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа йўналишлар бўйича ҳам ёшларга моддий ва ижтимоий ёрдам берилиши мумкин.

61. Секторлар раҳбарлари, туман (шаҳар) ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосар-

лари электрон платформада «Ёшлар дафтари»ни юритиш билан боғлиқ масалаларни тўлиқ акс эттириб борилишини таъминлайди ва унга маълумотларни киритиш ва чиқариш, уларнинг ҳаққонийлиги бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

Мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар бўйича амалга оширилаётган ишлар электрон платформага киритилади ва шундан сўнг бажарилган ҳисобланади. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида барча ҳисоботлар электрон платформада шакллантирилади.

62. «Ёшлар дафтари» билан ишлаш тизими натижаси бўйича ҳисобот бериш ушбу Тартибга Зг-иловага* мувофиқ схема бўйича юритилади.

63. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш:

маҳалла даражасида — туман (шаҳар) секторлари раҳбарлари, туман (шаҳар) ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари;

туман (шаҳар) даражасида — вилоят секторлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, Президент Халқ қабулхоналари мудирлари, Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари;

вилоят даражасида — Ёшлар ишлари агентлиги, секторлар (Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси), тегишли вазирлик ва идоралар;

республика даражасида — Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан амалга оширилади.

64. Секторлар штабларининг котиблари томонидан «Ёшлар дафтари»га киритилган ҳар бир ёшларнинг аниқланган муаммолари бартараф этилганлиги ҳақидаги ҳисоботлар электрон платформага киритиб борилади.

65. Ёшлар ишлари агентлиги электрон платформага маълумотларнинг киритилиши юзасидан мониторинг юритади.

66. «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган «Йўл харитаси»нинг ижроси ҳар чоракда камида бир марта халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида муҳокама қилинади.

Кенгаш сессияларида муаммоларни ҳал қилишга масъул бўлган секторлар ва ташкилот раҳбарларининг ҳисоботлари эшитиб борилади.

67. Ёшлар ишлари агентлиги «Ёшлар дафтари»га юритилиши бўйича амалга оширилган ишларни ҳудудий бўлинмаларидан олинган маълумотларни тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан ҳар ой якуни билан таҳлил қилади.

* Зг-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Республика даражасида ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни ҳудудлар кесимида бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари котибиятига ахборот киритиб борилади.

68. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, тегишли вазирлик ва идоралар ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар «Ёшлар дафтари» юритилиши бўйича маълумотларни Ёшлар ишлари агентлигига тақдим этади.

69. «Ёшлар дафтари»нинг юритилиши бўйича мутасадди бўлган вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликларнинг барча даражадаги раҳбарларининг ҳисобдорлигини Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида кўриб чиқиш учун ҳар чорак якунида «Ёшлар дафтари» юритилиши бўйича таҳлилий маълумотлар Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, ёшлар, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибиятига тақдим этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, ёшлар, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибияти таҳлилий маълумот ва таклифларни кўриб чиқади ҳамда «Ёшлар дафтари»нинг юритилиши ижросини Вазирлар Маҳкамаси Раёсат мажлисида муҳокама қилишга материаллар тайёрлайди.

70. Вазирлар Маҳкамаси Раёсат мажлисида камчиликка йўл қўйган масъул вазирлик ва идоралар ҳамда ҳудудий ҳокимликлар раҳбарларига баҳо беради, чоралар кўради, камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли «йўл харита»лари ишлаб чиқилади ва ижрога йўналтирилади.